



**O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi
Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning
malakasini oshirish Tarmoq markazi**

**“ZAMONAVIY IJROCHILIK VA VOKAL
SAN’ATI TEXNIKASI”
MODULI**

PROFESSOR SULTONOV NORMO‘MIN

TOSHKENT 2024

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлигининг 2023 йил 25 августдаги 391--сонли
буйруғи билан тасдиқланган
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи:

Ўзбекистон Давлат консерваторияси “Академик
хонандалик ва опера тайёрлови” кафедраси
профессори Султлнов Нормўмин Намозович

Такризчилар:

Тигран Шиганян – Флинт мусиқа институти
санъатшунослик фанлари доктори, (АҚШ).

Б.Лутфуллаев – ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси
профессори.

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	20
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	108
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	133
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	129
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	132

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” модулининг мақсади:

Муסיқа санъатининг турли йўналишлари ва жанрларида ривожланиш босқичларини ўзлаштирган ҳолда ушбу санъатнинг дастлабки ва замонавий ҳолатини солиштириш орқали унинг ҳозирги кундаги ўрнини белгилаш орқали фаолият кўрсатаётган композиторлар, дирижёрлар, хонанда ва созандаларнинг тажрибалари мисолида янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга татбиқ этиш ва бошқаларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

“Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” модулининг вазифалари:

- чолғу ижрочилиги санъат туининг ўрнини кўрсатиш;

- музика ижодкорлари ва ижрочиларининг замон талабидан келиб чиқиб маҳоратини ошириш;
- музикачиларнинг қирралик масалалари кўрсатиш;
- чолғу ижрочилиги касбида мулоқот жараёнларининг такомиллашуви, янги давр муаммолари бўйича маълумотлар бериш ва уларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этишдир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- музика санъатида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини;
- музика санъатидаги замонавий йўналиш ва услублар ҳамда тенденцияларни **билиши** лозим.
- музика санъатидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштирган ҳолда унинг мазмун-моҳиятини талабаларга етказиш;
- музика санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- замонавий тенденцияларга асосланиб яратилган музика асарларни ўзлаштириш, концерт-педагогик репертуарларни шакллантиришда қўллаш;
- бастакорлик ижодиётида, барча музика ижрочилик йўналишларида замонавий услублардаги Ўзбекистон ва жаҳон композиторлари, анъанавий бастакорлик, фольклор намуналаридан ва халқ ижоди меросидан самарали фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.
- музика соҳасида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш;
- машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- гуруҳли ва яқка тартибдаги машғулотлар учун тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиш ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш;
- музика санъати соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш бўйича тавсиялар

“Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” модули ҳозирги кунда таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий дирижёрлик асарларидан ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” “Вокал санъатида барқарор тараққиёт ва номоддий маданий мерос”, “Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Мутахассислик (турлари бўйича)” ва узвий ўзаро боғлиқ бошқа фанлар бўйича машғулотларни олиб бориш, уларнинг мазмунини янги, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат		
		Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Замонавий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари. Муסיқий – луғавий сўзлар.	2	2	
2.	Замонавий метроритмик моделлар. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари. Овоз ёзиш студияларининг ишлаш тамойиллари.	4	2	2
3.	Вокал санъат педагогикаси муаммолари. Хонанданинг ижро маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар.	2	2	
4.	Овоз ҳосил қилиш жараёнининг анатомик ва гигиеник талаблари. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари. Овоз ҳосил қилиш жараёни.	2		2
5.	Вокал техникаси асослари: вокал нутқи, талаффуз аҳамиятлари. Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндашув.	2		2
6.	Асарлар устида ишлашда педагогик маҳорат. Вокал жанрлари ва уларнинг ижро йўли.	2		2
7.	Хонандалик мактабларини яратишда мусиқий таълим узвийлиги. Жаз, поп, опера ва миллий хонандалик жанрларидаги вокал ижрочилиги.	2		2
Жами:16		16	6	10

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Замоनावий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари. Мусиқий – луғавий сўзлар.

Замоनावий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари. Мусиқий – луғавий сўзлар. Вокал санъати ривожланишининг асосий босқичлари. Вокал санъатининг ривожланиш босқичлари.

Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар бастакорлик санъатининг пайдо бўлиши, касб сифатида шаклланиши, бастакор касбига нисбатан қўйиладиган талаблар, замоनावий мусиқа санъатида бастакор ва дирижёрларнинг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот оладилар.

2-мавзу: Замоनावий метроритмик моделлар. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари. Овоз ёзиш студияларининг ишлаш тамойиллари.

Замоनावий метроритмик моделлар. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари. Овоз ёзиш студияларининг ишлаш тамойиллари. Вокал санъатида стилистик йўналишлар. Миллий ва замоनावий куйлаш услублари. Вокал ижрочилигида бадиҳавийлик (импровизация) техникаси.

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар хонандалик санъатининг пайдо бўлиши, касб сифатида шаклланиши, хонанда касбига нисбатан қўйиладиган талаблар, замоनावий мусиқа санъатида хонанданинг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот оладилар.

3-мавзу: Вокал санъат педагогикаси муаммолари. Хонанданинг ижро маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар.

Вокал санъат педагогикаси муаммолари. Хонанданинг ижро маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар. Профессional ва ҳаваскор ижрочилик. Вокал санъати педагогикасида устоз-шогирд тизими. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар чолғуларда ижрочилик санъати ва дирижёрлик санъатининг пайдо бўлиши, касб сифатида шаклланиши, созанда ва дирижёр касбига нисбатан қўйиладиган талаблар, Вокал санъат педагогикаси, замонавий мусиқа санъатида ижро маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида маълумот оладилар.

4-мавзу: Овоз ҳосил қилиш жараёнининг анатомик ва гигиеник талаблари. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари. Овоз ҳосил қилиш жараёни.

Овоз ҳосил қилиш жараёнининг анатомик ва гигиеник талаблари. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари. Овоз ҳосил қилиш жараёни. Вокал санъатининг ўзига хос томонлари. Услублар, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Вокалист – катта билим ва тажрибага эга ижодкор, ташкилотчи ва бошқарувчи сифатида. Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузавий машғулотлардан сўнг режалаштирилган амалий машғулотлар маъруза машғулотларининг асосий мавзусига биноан ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб, амалий ижро тарзида ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек оркестр ёки хор жамоалари билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Замонавий метроритмик моделлар. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари. Овоз ёзиш студияларининг ишлаш тамойиллари.

Замонавий метроритмик моделлар. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари. Овоз ёзиш студияларининг

ишлаш тамойиллари, шунингдек, вокал санъатининг анъанавий услуб ва жанрлари ҳақида маълумотларга тингловчилар эга бўладилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

**2-амалий машғулот: Вокал санъат педагогикаси муаммолари.
Хонанданинг ижро маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар.**

Профессионал ва ҳаваскор ижрочилик. Вокал санъати педагогикасида устоз-шогирд тизими. Вокал санъат педагогикаси муаммолари. Вокал ўқитувчиси билиши керак бўлган тамойиллар, педагогик технологиялар ва услубиётлар, талабаларга қўйиладиган асосий талаблар. Хорижий давлатларда вокал санъати педагогикаси тизими. уларнинг мазмуни нималардан иборатлигини тингловчилар билиб оладилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

3-амалий машғулот. Овоз ҳосил қилиш жараёнининг анатомик ва гигиеник талаблари. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари. Овоз ҳосил қилиш жараёни.

Овоз ҳосил қилиш жараёнининг анатомик ва гигиеник талаблари. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари. Овоз ҳосил қилиш жараёни. Вокал санъатининг ўзига хос томонлари. Услублар, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Жанрий экспериментлар натижасида стилизация, полистилистика, индивидуал услублар каби тушунчаларининг пайдо бўлишини тингловчилар билиб оладилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

4-амалий машғулот: Вокал техникаси асослари: вокал нутқи, талаффуз аҳамиятлари. Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндашув.

Вокал техникаси асослари: вокал нутқи, талаффуз аҳамиятлари. Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндашув. Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар хорижий давлатларда вокал мактаблар тизимлари, улардаги ютуқ ва камчиликларни, вокал ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва сахна маданияти, юқори даражадаги машҳур профессионал хонандаларнинг ижодий фаолияти ҳақида маълумот олганларидан кейин назарий машғулот режасида кўрсатилган мавзулар бўйича мустақил равишда сўнгги даврда вокал санъати

бўйича чоп этилган кўлланма, дарслик ва илмий журналлардан, ИНТЕРНЕТ сайтларидан кўшимча маълумотлар тўплайдилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

**5-амалий машғулот: Асарлар устида ишлашда педагогик маҳорат.
Вокал жанрлари ва уларнинг ижро йўли.**

Асарлар устида ишлашда педагогик маҳорат. Вокал жанрлари ва уларнинг ижро йўли. Ушбу мавзунини ўзлаштиришга йўналтирилган машғулот хонанда билиши ва эгаллаши лозим бўлган барча билимларни аниқлаштириш, вокал ижрочилигида замонавий техник воситалар, улардан фойдаланиш учун зарур бўлган шароит, талаб этиладиган кўникмаларни намойиш этиш жараёни, тегишли билимларнинг ўзлаштирилиши ва амалий ижро этилишига бағишланади.

6-амалий машғулот: Хонандалик мактабларини яратишда муסיқий таълим узвийлиги. Жаз, поп, опера ва миллий хонандалик жанрларидаги вокал ижрочилиги.

Хонандалик мактабларини яратишда муסיқий таълим узвийлиги. Жаз, поп, опера ва миллий хонандалик жанрларидаги вокал ижрочилиги. Мазкур мавзунини ўзлаштиришдан олдин вокал санъатида Тажрибали хонандаларнинг қандай услубларда ижодий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиши, таъсир кучини ўтказувчи услублар ва самарали фаолият олиб бориши учун зарур бўлган билим-тажрибалар бўйича тингловчилар мустақил равишда (турли хонандаларнинг тажрибалари асосида) маълумотлар тўплайдилар ва ташкил этиладиган амалий машғулот даврида хонандаликнинг маҳаллий услублар хусусида ўз қарашларини баён этадилар. Энг самарали ва илғор деб топилган таъсир воситаларининг янада чуқурроқ ўзлаштирилиши учун бахс-мунозаралар ташкил этилади. Машғулот якунида жамога таъсир воситаларининг энг намунали деб топилганлари умумлаштирилиб, таълим тизимига татбиқ этиш масалалари муҳокама этилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ**

1. “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуйидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида бажарилади:




График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

2. “Кейс-стади” технологияси

Кейс-стади (инглиз тилида —case|| – метод, —study|| – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.


Технологиянинг негизда муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

3. “Концептуал жадвал” ГО

Таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида ГОдан қуйидагича фойдаланилади:



4. “Балиқ скелети” ГО

Таълим олувчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда таълим олувчиларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

5. “Инсерт” ГО

Янги мавзу бўйича ўқувчи (таълим олувчи) ларнинг муайян тушунчаларга эғалиklarини аниқлаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

6. “Кластер” ГО

Кластер (ғунча, тўшлам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим олувчилар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

7. “Муносабат” методи

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса) нинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилади.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишларида ёрдам беради.

8. “Нилуфар гули” ГО

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта -гулбарг (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар) ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

9. “Режа” методи

Метод таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтерлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқишда педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгалик инобатга олинади.


10. “Т-жадвал” ГО

График органиайзер таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда график органиайзер мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

11. “SWOT-таҳлил” стратегияси

Стратегия муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Таълим олувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг қуйидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:



12. “ФСМУ” стратегияси

График органайзер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим олувчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:

№	Тушунчалар	(Ф)	(С)	(М)	(У)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Замонавий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари. Турли ижрочилик услублари. Мусиқий – луғавий сўзлар.

Режа:

- 1.1.** Замонавий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари ва турли ижрочилик услублари
- 1.2.** Мусиқий луғавий сўзлар
- 1.3.** Вокал санъати ривожланишининг асосий босқичлари

Таянч сўзлар: Вокаль санъати, эстрада, джаз, анъанавий услублар, мақом ижрочилиги, куйлаш техникаси. академик вокал ижрочилиги

1.1. Замонавий жаҳон ва миллий вокал санъати йўналишлари

Вокал санъати йўналишлари кўп асрлар мобайнида, босқичма-босқич шаклланиб келган. Хусусан, Осиё мамлакатларида халқ кўшиқчилиги, Европада черков вокал айтимлари, Африка, Австралия, Америка мамлакатларида куйлаш санъати ўзгача ўзига хослик билан ривож топган.

Вокал санъатида йўналишлар эстрада-жаз ижрочилик йўлида ҳам шаклланиган. “Жаз” ва “эстрада” атамасига доир тушунчалар ҳозирги даврда барча маълум. Ғарбий, Марказий, Жанубий Африка халқлари мусиқа маданияти, Африка хабашлари меҳнат ва маросим мусиқаси, XVI- XVIII асрлар Шимолий ва Жанубий Америка мусиқа маданияти, XIX аср АҚШ архаик (қадимий) ижодиёти асосида жаз услуби шаклланди.

Жаз мусиқасининг фольклор асослари. Жаз мусиқасининг фольклор асосланган. Мумтоз (классик) жаз мусиқаси ривожининг асосий тамойиллари ва услублари мавжуд. Янги Орлеан жаз услуби, Чикаго жаз услуби. Свинг жаз услуби эндиликда ҳаммага маълум.

Жаз намоёндалари. Мумтоз (классик) жаз мусиқасининг ҳам таниқли намоёндалари етишиб чиқди. Замонавий (модерн) жаз мусиқаси услуб ва йўналишлари ҳам шаклланди. Модерн жаз мусиқаси таниқли намоёндалари номлари эндиликда мусиқа тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбек анъанавий ашула ижрочилиги. Ўзбек анъанавий ашула ижрочилигида уч хил усул мавжуд. Бинниги, гуллиги, ишками атамаларининг маънолари ва таърифлари шу хил куйлаш усуллари белгилайди. Бинниги ва гуллиги усулида айтадиган ижрочилар, ишками услубида ижро этадиган ашулачилар номлари элу юртга таниш. Ишкамнинг ханақойи гумбазли тури ва унинг таърифи тадқиқотлар объекти бўлган.

Машхур хонандаларнинг қисқача ижодий фаолияти. XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган Ота Жалол Носир ўғли 1845-1928 йилларда ижодий фаолият олиб борган. Унга Устози Куллий деб ном берилган. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов 1852-1936 йилларда яшаб ижод қилиб, хонанда, созанда, бастакор сифатида машхур бўлган. У хонандалиқни асосан дутор жўрлигида амалга оширган. Мулла Тўйчи Тошмухамедов 1868- 1943 йилларда яшаб, Фарғона-Тошкент йўлларининг машхур ижрочиси ҳисобланган. Қурбонниёз Авазматов 1868-1961 йилларда, Абдулла Файзуллаев 1869-1944 йилларда, Леви Бобохонов 1873-1926 йилларда ўз ижодий фаолиятини олиб борганлар ва санъатимиз ривожига беқиёс хизмат қилганлар.

Янги давр мақом ижрочилиги анъаналари. Бугунги кунда Ўзбекистонда мақомотнинг уч тури – Бухоро мақомлари, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига доир ижрочилиқ анъаналарининг маданий меросимиздан бирдай ўрин эгаллаган. Ю.Ражабий ва Ф.Содиқовларнинг бадиий анъаналари ижодий давом эттирилаяпти. Хоразм мақомларига хос кўхна бадиий анъаналар Хоразм вилоятининг Ҳожихон Болтаев номидаги мақом ансамбли томонидан қайта тикланмоқда. Шунингдек, Фарғона-Тошкент мақом ижро йўлларига доир анъаналар ансамбллар фаолиятида давом эттирилмоқда. Мақом ижрочиларининг Республика танловлари ноёб муסיқий маданий меросимиз кейинги авлодларга ўтиб боришига катта туртки бўлмоқда.

Жазнинг жаҳон маданиятидаги ўрни. Жаз - жаҳон муסיқа маданияти кесимида алоҳида ўринга эга катта аҳамият касб этмоқда. Россияда жаз муסיқасининг шаклланиш босқичлари кузатилди ва XX аср иккинчи ярмида эстрада – жаз муסיқаси юксакларга кўтарилди.

Ўзбекистонда жаз муסיқаси. Жаз Ўзбекистон муסיқа маданияти кесимида ҳам бугунги кунда ўз мухлисларига эга. Ўзбек композиторлари ижодида симфожаз услуби пайдо бўлганлигини муסיқашунлис-олимлар кейинги даврларда эътироф этишмоқда. XX аср иккинчи ярмида жаз ва оммавий муסיқа ижобий ва айрим ҳолларда салбий таъсир кучи сифатида ҳам тортишувларга сабаб бўлмоқда. “Оммавий маданият”нинг бир кўриниши сифатида ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири ОАВларида тез-тез эътироф этилмоқда.

Жаз ва Рокнинг ижтимоий ҳаётга таъсири. XX аср АҚШ ижтимоий – кўшиқ фольклорида сиёсий кўшиқ жанри сифатида шаклланиб, XX аср иккинчи ярмида ёшлар ҳаракати ва ижтимоий-норозилиқ кўшиқлари яратилишига туртки бўлди. XX аср муסיқа маданиятида эстрада муסיқаси, Рок йўналишининг шаклланиши ва ривожини асосан профессионал композиторлар ижодида намоён бўлмоқда. Рок муסיқаси услуб ва йўналишларининг тавсифи энциклопедиялар саҳифасидан ҳам ўрин олган.

Ўзбекистонда академик вокал ижрочилиги. Ўзбекистонда академик хонандалик таълими шаклланди, вокал педагогикасининг ривожланиши дунёга машхур бўлганини катта саҳналарга чиқаётган ёш авлод вакиллари маҳоратида кўриниб турибди, албатта. Ўзбекистоннинг буюк опера хонандалари: М.Қори-Ёқубов, Х.Носирова, Н.Ахмедова, С.Қобулова, С.Ярашев, А.Азимов, Н.Хошимов, Қ.Муҳитдиновлар санъат мактабларини бугунги кунда М.Раззоқова, Н.Султонов, А.Ражабов, Р.Усмонов кабилар давом эттирмоқдалар.

1.2. Мусиқий луғавий сўзлар

МУСИҚА (юн. *mousiche* — музалар санъати) — инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товуш (тон, нағма)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури. Унинг мазмуни ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи му-айян мусиқийбадий образлардан иборат. Мусиқа инсоннинг турли кайфиятлари (мас, кўтаринкилик, шодлик, завкланиш, мушоҳадалик, ғамгинлик, хавф-қўрқув ва б.)ни ўзида мужассамлаштиради. Бундан ташқари, Мусиқа шахснинг иродавий сифатлари (катъиятлик, интилувчанлик, ўйчанлик, вазминлик ва б.)ни, унинг табиати (мижози)ни ҳам ёрқин акс эттиради. Мусиқанинг ушбу ифодавийтасвирий имкониятлари юнон олимлари — Пифагор, Платон, Аристотель ва Шарқ мутафаккирлари — Форобий, Ибн Сино, Жомий, Навоий, Бобур, Кавкабий, тасаввуф арбоблари — Имом Ғазолий, Калободий Бухорий ва б. томонидан юқори баҳоланган, шарҳ ва илмий тадқиқ қилинган. Мусиқанинг одам онги ва ҳиссиётига таъсир этишнинг ажойиб кучи унинг руҳий жараёнларга ҳамоҳанг бўлган процессуал — муайян жараёнли табиати билан боғлиқдир. Мусиқа асарлари мазмунида бадий ғоялар умумлашган ҳолда берилиб, мусиқали образларнинг ўзаро муносабатлари (таққосланиш, тўқнашув, ривожланиш каби) жараёнида шаклланади. Мазкур жараённинг хусусиятларига кўра М. мазмуни ҳам турли — эпик, драматик, лирик белгиларга эга бўлиши мумкин. Булардан инсоннинг ички дунёси, руҳий ҳолатларини ифодалашга мойил бўлган лирика М. нинг «ботиний» табиатига анча яқиндир. Мусиқанинг мазмуни — шахсий, миллий ва умумбашарий бадий қийматларнинг бирлигидан иборат бўлиб, бунда маълум халқ, жамият ва тари-хий даврга хос руҳий тароват, суръат, ижтимоий фикр ва кечинмалар умумлашган ҳолда ифодаланади. Мусиқа шакллари ҳар бир даврнинг маънавиймаърифий талабларига жавоб берган ҳолда, айти вақтда инсон фаолиятининг кўпгина жабҳалари (муайян жамоавий тадбирлар, одамларнинг ўзаро этик ва эстетик

таъсир этиш, мулоқот қилиш жараёнлари) билан муштаракдир. Мусиканинг, айниқса, инсоннинг ахлоқий ва эстетик дидини шакллантириш, ҳиссий туйғуларини ривожлантириш, ижодий қобилиятларини рағбатлантириш воситаси сифатида роли жуда муҳимдир.

Нутқ, товушли сигнал бериш ва б. товушли—маъноли жараёнлар сингари, мусиқа ҳам муайян маълумотларни садолар воситасида ифодалаш имкони-ятига эга. Жумладан, товушларнинг баланд-пастлиги, ингичка-йўғонлиги, узунқисқалиги, кучлилиги ва б. воситалар ёрдамида одамнинг ички ҳолатини ифодалаш имконияти жиҳатидан Мусиқа нутққа (нутқ интонацияларига) ўхшайди. Аммо, санъат тури сифатида Мусиқа фақат унгагина хос бўлган хусусиятлар (мас, бадиий-эстетик мақсадларни кўзлаши, мазмун ва шакл бадиий қиймат сифатида касб этилиши, айниқса, Мусиқа товушларининг муайян мусиқа тизимларида ташкил этилиши) билан нутқдан фарқ қилади. Хар бир алоҳида олинган Мусиқа товуши бирламчи ифодавий имкониятга эга бўлсада Мусиқа товушларининг баланд-пастлик муносабатлари лад тузилмаларида, муваққат нисбатлари эса — мусиқий ритм ва метрда ўз аксини топади. Дунёнинг аксарият халқлари Мусиқа маданияти, жумладан, ўзбек мусиқа фольклори, анъанавий мусиқа ва бастакорлик ижодиётида лад асосини турли кўринишдаги диатоника ташкил этади. Композиторлик Мусиқада (айниқса, 20 – а. да ривож топган йўналишларда) диатоника б-н бирга хроматика ҳам кенг ўрин олган.

Мусиқада асосий бадиий восита — куй (мелодия)дир. Мусиканинг оғзаки анъанадаги (монодия) услубларида куй бадиий образнинг ягона ва тугал мусиқий ифодаси ҳисобланади. Кўп овозли композиторлик йўналишларда гармония, полифония унсурлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мусиқа асаридаги куй (мавзу)лар ривожининг унинг композицияси (шакл)ни ташкил этади. Мусиқа шакли асар маз-мунининг моддий тажассуми ва вужудга келиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Мусиқа асарлари шаклига мунтазам такрорланувчи таркиб ва унсурлар хос бўлиб, булар бадиий мазмундаги ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик каби хусусиятларга маълум даражада эришди. Ўзаро алоқа ва бирлик доирасидаги бундай диалектик эришди Мусиқа асарини яратиш ва ижро этиш жараёнида ҳамини хилма-хил равишда ўз ечимини топади. Турли халқлар Мусиқа маданияти ва анъаналарида Мусиканинг барқарор ва беқарор унсурларининг ўзаро муносабатлари ҳам ўзгачадир. Мас, анъанавийлик мезонига асосланган оғзаки йўналишдаги Мусиқа услубларида муайян бадиий мазмун, эстетик қоидалар билан бирга Мусиқа асарлари шаклига бадиҳагўйлик хусусиятлари, номусиқавий (асарнинг ижро этиш вақти, жойи, шароити каби) ҳолатлар ўз таъсирини ўтказди. Индивидуал бадиий образларни ифодалашга

қаратилган ёзма анъанадаги композиторлик санъати асарлари эса кўпроқ айнан муסיқий ривожланиш қоидаларига, яъни тугалланган, яхлит ва барқарор шаклларга асосланади. Шунинг учун, композиторлик мустикада мазкур шаклларни ифодалашга ҳамда объектив ҳолатда сақлашда асосий омил бўлган нота ёзуви му-ҳим ўрин тутади.

Мустика инсон маданиятида ва жамоавий ҳаётда ўзига хос ўринга эгадир. У дам олиш ва кўнгил очиш пайтлари, турли маросим, байрам, базм ва сайиллар, диний ва расмий тадбирлар, оммавий ва ҳарбий юришлар, спорт машқлари ва меҳнат жараёнида муайян вазифалар бажаради. Шунинг учун Мустика асарлари ўз мазмунига мувофиқ ҳолда бир нечта услуб, тур ва жанр гуруҳларига ажратилади. Алла, зикр, марсия, сарбозча, вальс, марш, месса каби жанрлар ҳаётдаги маиший ва б. шароитлар билан боғлиқ бўлади. Ашула, дастгоҳ, чолғу куй, мақом йўллари, концерт, миниатюра, романс ва б. да эстетик таъсир ўтказиш вазифалари асосий ўрин тутади. Жанрлар, ўз навбатида, диний мусса, ёшлар мустикаси, маиший мустика, оммавий мусса, ҳарбий мустика, камер мустика, симфоник мусса, хор мустикаси каби Мустика турларига бирлашади. Тарихий, миллий, маҳаллий, шахсий (индивидуал) Мустика услублари ҳам муסיқий тафаккур тарзи, оҳанг, ритм, шакл каби муסיқий унсурларни ўзига қамраб олиб, муайян бир давр ёки миллий маданиятга мансуб бўлган турли жанрдаги асарлар умумиятини акс эттиради (қ. Авангардизм, Барокко, Классицизм, Оғзаки анъанадаги мустика, Романтизм, Сентиментализм).

Бастакор ва композиторлар бадиий образларни кенгроқ қамрашга интилишиб, мустика ва бошқа санъат турлари қоришмаси (синтези)дан фойдалани-шади. Аниқ тушунчага эга бўлган сўз, сахна ҳаракати, кино тасвири ва б. унсурлар билан қоришиқ Мустика асарининг ифодавий имкониятлари кенгаяди (қ. Вокал мустикаси, Кино мустикаси, Раке мустикаси, Театр мустикаси). Мустика, шунингдек, бошқа санъат тури ва жанрларида ҳам муҳим роль ўйнайди. Мас, опера жанрида, ўзбек мустиқали драмасы ва комедиясида хонандалик, хор санъати ҳамда оркестр мустиқасчнк драма б-н боғлайди. Балет ва б. рақс шакллари ҳам узининг бадиий образларини Мустика ёрдамида ифодалайди.

Инсоннинг Мустика фаолияти асосан 3 босқичда амалга оширилади: ижод, ижро ва тинглаш (уқув). Ҳар бир босқичда асарнинг мазмун ва шакли узгача куринишга эга бўлади. Ижод босқичида бадиий ғоя ва шакл муаллиф онгида муштарак ҳолда туғилади. Ижро жараёнида шакл ва мазмун ижрочи томонидан унинг дунёкараши, эстетик тасав-вурлари, шахсий тажриба ва маҳрратига мос равишда узгартирилади. Мустика ихлосмандлари ҳам ижро этилаётган асарни

узларининг хусусий диди, ҳаётӣ ва бадиӣ тажрибасига асосланиб қабул қилишади. Шундай қилиб, Муסיқа фаолияти ҳамма босқичларда ижодий табиатга эга булади.

Турли (композиторлик ва оғзаки анъанадаги) услубларда мустица ижрочилиги аҳамияти турличадир. Профессинал йуналишдаги маданият тизимида Муסיқа кўпинча бадиӣ асарларни ижро этадиган санъаткорлар фаолияти орқали намоён бўлади. Шунинг учун Муסיқа ижрочи (созанда, хонанда)ларининг ақсарияти композитор ва бастакорларнинг ҳақиқий ҳамкорларидир. Улар устоз-шогирд муносабатлари жараёнида узлаштирган ёки нота ёзуви ёрдамида ўрганган асарларни жонли равишда тингловчилар олдида талқин этадилар. Муסיқий фольклор тизимида Муסיқа намуналари омма онгининг бадиӣ маҳсулоти сифатида юзага келиб, ҳаваскор кўшиқчи, созанда ёки жамоавий тарзда ижро этилади. Муסיқа ижрочилиги мустица чолғулари ҳамда инсон овозк воситасида амалга оширилади. Булар яқка тарзда, ансамбль, хор, оркестр каби бирикма шаклларида намоён булади.

Муסיқа ижодиёти, ижрочилиги ва тингланиши Муסיқа фаолияти нинг бошқа турлари — мас, мустица тарбияси, мустица таълими, и. т. (Мустиқашунослик), муסיқий танқид ва бошқалар билан бирга жамият Мустиқа маданият и тизимини ташкил этади.

Мустиқа тарихи. Мустиқанинг пайдо бўлиши масаласида турли илмий фаразлар вужудга келган: ҳиссиётга тўлган нутқ оханги (Г. Спенсер), қушларнинг сайраши ва ҳайвонларнинг уз жуфтларини чақиритиши (Ч. Дарвин), ибтидоий одамларнинг меҳнат усуллари (К. Бюхер) ва уларнинг чақирит товушлари (К. Штумпф), жоду-сеҳрлаш маросимлари (Ж. Комбарье) Мустиқанинг илк манбалари ҳисобланади. Шарқ мута-фақирлари ҳам Мустиқанинг вужудга келиш муаммоси ҳақида илмий мулоҳазалар қолдиришган. Мустиқа тарихини Форобий инсон нутқининг шаклланиш жараёни ва ҳиссиётлари б-н бевосита боғлиқ ҳолда, Ибн Халдун (14-а.) эса — ижтимоий тизимларнинг шаклланиш қрунийатларига асосланган ҳрлда тушунтиришган.

Замонавий мустиқашунослик фани археология ва этн. маълумотларидан келиб чиқиб, Мустиқа санъатини ибтидоий жамиятда инсоннинг амалий фаолияти жараёнида бошқа санъат турлари (раке, шеърят ва қ. к.) билан қришма (синкретик) ҳолда пайдо булишини асослаб беради. Бунда Мустиқа ижтимоий мулоқот воситаси, меҳнат ва маросим жараёнларини ташкил этиш воситаси бўлиб хизмат қилади ва, айти вақтда, жамиятга зарур ахлоқиймаънавий хусусиятларни тарбиялаш мақсадларини кузлайди. Ибтидоий даврнинг охириги босқичида дастлабки қришма санъат мажмуасидан

бир қанча санъат турлари, жумладан, Муסיқа ҳам ажралиб чиқади. Ушбу даврга мансуб афсоналарда Муסיқа табиатга, ёввойи ҳайвонларни ўргатишда таъсир курсатиш, инсонни турли касалликлардан даволовчи куч сифатида таърифланади (қ. Аликамбар, Ибтидоий санъат, Мавсум кўшиқлари, Маросим кўшиқлари).

Кулдорлик ва илк феодал тузумига асосланган қад. дунё давлатлари — Миср, Шумер, Бобил, Ўрта Осиё (тахм. мил. ав. I минг йиллик даври), Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Рим мадани-ятларида касбий муסיқачилар мактаблари шаклланган. Улар махсус (бастакорлик, муסיқа илми каби фандаги) билим ва қоидаларга асосланиб ижод қилган. Натижада айтим, чолғу, рақс, дoston ва б. жанрлар пайдо булган.

Турли хил Муסיқа асбоблари (чанг, уд, танбур, лира, кифара, пуфлама ва урма асбоблар) такомиллаштирилиб, улар барқарор товушқатор ва шаклларга эга бўлган. Муסיқанинг ушбу даврда асосан оғзаки анъанада ривожланишига қарамай, айни вақтда, унинг илк ёзув (иероглиф, ҳарфий ва б.) тизими ихтиро этилган, Муסיқа эстетикаси ва назарияси таълимотлари шаклланган: Хитойда — Конфуций, Юнонистонда — Пифагор, Гераклит, Демокрит, Аристотель, Платон, Аристоксен ва б., Ўрта Осиёда — Борбад.

Ўрта аср Ғарбий Европада профессионал черков (бир овозли григориан хорали, кейинчалик кўп овозли хор ва вокалчолғу жанрлари — орга-нум, кондукт ва б.), дунёвий (Фран-цияда — трубадурлар, труверлар; Германияда — миннезингерлар санъати) ҳамда халқ Мхи ривож топади. 12-а. да Францияда Биби Марям ибодатхонасида биринчи композиторлик мактаби (Нотр-Дам мактаби), 14-а. да Франция ва Италияда «Аре нова» услуби юзага келган. Гвидо д Ареццо ихтиро этган тўрт чизиқли нота ёзуви товуш баландлиги ва нағмалар узунлигини аниқ қайд этишга имкон яратган.

Ушбу даврда Ўрта ва Яқин Шарқ (Араб халифалиги)да эркин речитатив ва парда тузилмаларига асосланган мусулмон касбий Муסיқа (азон, тартил, тажвид) жанрлари шаклланган. Улар бошқа Муסיқа турларидан мустақил равишда ривожланиб, кейинчалик Ўн икки маком тизимининг шаклланишига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган. 8 — 13-а. лар мусулмон Шарқ, халқлари оғзаки анъанадаги касбий Муסיқаси дoston (М. назариясида) ёки парда (шеърят ва Муסיқа амалиётида) тизимлари асосида шаклланган. Ўрта Осиё, Эрон ва араб халқлари Муסיқасида муттасил давом этган ўзаро таъсир ва алоқа жараёнлари натижасида ушбу халқлар учун умумий бўлган вокал (савт, ғино, амал, муламмо, қавл ва б.) ва чолғу (равошин, пешрав каби) турлари вужудга келган. Машҳур бастакор, хонанда ва созандалар Иброҳим Мавсилиий, Исҳоқ Мавсилиий, Зирёб, Мансур Залзал, Ибн Сурайж, Ибн Ахвас ас-Сўғдий,

Сафиуддин ал-Урмавий ва б. ижод қилган. Муסיқа илмида ҳам муҳим ютуқларга эришилган. Юнон Муסיқа назарияси ҳамда маҳаллий халқлар Муסיқа анъаналарига асосланган муסיқий эстетика ва илмийназарий таълимотлар дастлаб мат. фанлари доирасида (ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино), кейинчалик мустақил фан сифатида (Урмавий) шаклланган. Исҳоқ Мавсилиий ва Киндий Шарқда илк бор муסיқа (ҳарфий) ёзувини ихтиро этишган. Урмавий эса ушбу ёзувни парда тизимида мослаштирган.

Уйғониш даври Европа маданиятида тараққий этган инсонпарварлик ғоялари ва дунёвий мазмунга асосланган Муסיқа санъатида бадий-эстетик мақсадлар асосий вазифа даражасига кўтарилди, чолғу (лютня, виола) ва вокал (мадригал) ижрочилиги ривож топган. Профессионал Муסיқада полифония услуби, жумладан, а капелла хор ижрочилиги (мотет, месса ва б. жанрлар) ўз чўққисига кўтарилди. Янги композиторлик (Англияда — Д. Данстейбл, Нидерланд мактаби, Римда — Палестрина, Венецияда — А. ва Ж. Габриели) мактаблари шаклланди.

17—18-а. нинг 1-ярмида янги жанрлар — опера (Италияда — К. Монтеверди, А. Скарлатти; Францияда — Ж. Б. Люлли, Ж. Б. Рамо; Англияда — Г. Пёрселл), оратория (Г. Ф. Гендель), кантата (Г. Шютц, И. С. Бах), концерт (А. Корелли, А. Вивальди, И. С. Бах, Гендель), камер ансамбль, соната (А. Корелли, Д. Скарлатти), сюита ва б. жанрлар ривож топган. Орган (Ж. Фрескобальди, Бах, Гендель), клавесин (У. Бёрд, Г. Пёрселл, Ф. Куперен, Ж. Рамо) учун асарлар яратилган. Ушбу даврда замонавий камонли чолғу асбоблар (скрипка, альт, виолончель) нинг буюк усталари А. ва Н. Амати, Ж. Гварнери, А. Страдивари, фортепиано ихтирочиси Б. Кристофори ижод этишган, опера театрлари, филармониялар, муסיқа нашриётлари, муסיқа таълими (консерваториялар) ривож топган. 18-а. ўрталари — 19-а. нинг бошида Европа Муסיқаси Маърифатчилик даври ҳамда Буюк Франция инқилоби ғоялари таъсири остида ривожланган (француз композиторлари К. Глюк, Л. Керубини, Ж. Ф. Лесюэрларнинг опера ижоди, Вена классик мактаби вакиллари ижоди, симфонизм муסיқатафаккури). 19-а. да рус (М. Глинка, «Кудратли туда» вакиллари, П. Чайковский), поляк (Ф. Шопен, С. Монюшко), чех (Б. Сметана, Д. Дворжак), венгер (Ф. Эркель, Ф. Лист), норвег (Э. Григ), испан (И. Альбенис, Э. Гранадос), фин (Я. Сибелиус) янги миллий композиторлик мактаблари шаклланган, етакчи ижодий оқим сифатида романтизм қарор топган (К. М. Вебер, Ф. Шуберт, Р. Шуман, Ф. Мендельсон, Г. Берлиоз, Н. Паганини ваб.). 20-а. М. тарихида алоҳида ўрин тутди. Муסיқа маданиятининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз берган. Ижодида янги-янги услуб ва йўналишлар (муסיқий авангардизм, модернизм) ривож топган. 20-а. да юз берган илмийтехник ва

информацион инқилоблар (радио, телевидение, грампластинка ва магнит ёзувларини ихтиро этиш) натижасида Муסיқанинг тингловчиларга етказиш ва эшитиш соҳаларида янги имкониятлар пайдо бўлди. Бунинг натижасида оммабоп муסיқа маданияти ривож топди. Композиторлик ижодида соф муסיқий (симфония, концерт, камер-чолғу муסיқа каби) жанрлар ўрнига вокал Муסיқаси, театр Муסיқаси, кино Муסיқаси каби «аралаш» турлар етакчилик қила бошлади. Композиторлик ижоди билан бирга анъанавий Муסיқа ижоди ҳам янги, замонавий шароитларга мослашиб ривож топди. Жумладан, шарк, мамлакатлари мумтоз Муסיқа жанрлари (мас, ҳинд рагалари, покистон қавалли, озарбайжон муғом, ўзбек ва тожик мақомлари ва ҳ. к.) узининг миллий доираларидан чиқиб жаҳон сахналарида ижро этила бошлади, композиторлик ҳам оммавий Муסיқа йўналишларига ўз таъсирини ўтказди.

Ўзбекистонда Муסיқа, асосан, халқ ва оғзаки анъанадаги профессионал Муסיқа сифатида қадимдан ривожланиб келган. Халқ Муסיқа сидалапар, терма, яма, кўшиқлар тт турли хиллари (маросим, маиший, меҳнат, ўйин, рақс, лирик, насихатомуз ва б.), оғзаки анъанадаги ўзбек профессионал Муסיқасида эса дoston, катта ашула, ашула, мақом, чолғу йўллари каби жанрлар мавжуд. Ўзбек Муסיқа меросида 4 асосий маҳаллий услубни фарклаш мумкин (қ. Бухоро-Самарқанд муסיқа услуби, Хоразм муסיқа услуби, Фарғона — Тошкент муסיқа услуби, Сурхондарё-Қашқадарё муеща услуби). 20-а. да ўзбек ва б. Ўрта Осиё халқлари Муסיқа меросини ёзиб олиш ва ўрганиш бўйича муҳим ишлар бажарилди, юзлаб нота тўпламлари ва и. т. лар нашр этилди. Бастакор, хрфиз ва созандалар ўзбек Муסיқа мероси дурдоналари (Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарўна-Тошкент мақом йўллари ва б.) ни кенг тарғиб қилибгина қолмай, янги чолғу куй ва ашулалар яратдилар, дастлабки муסיқали драма ва комедия асарларининг муаллиф ёки ҳаммуаллифи бўлишди. 1930—40 й. ларда Ўзбекистонда авваллари бўлмаган янги (опера, балет, симфоник Муסיқа, камер Муסיқа, концерт каби) Муסיқа жанрлари юзага келди. Улар, айниқса, 1950—60 й. лардан бошлаб Ўзбекистон композиторлари ижодида кенг ривож топди, шунингдек, оммавий Муסיқанинг эстрада муסיқаси, ёшлар муסיқаси каби йўналишлари ҳам кенг ёйилган.

Муסיқа таълими тизими ЎзР Маданият ишлари вазирлиги тасарруфида булиб, 311 болалар муסיқа мактаблари, 3 махсус академик лицей, 30 га яқин санъат, Муסיқа ҳамда маданият коллежлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент давлат маданият ин-ти, Муסיқа Уйғур номидаги санъат ин-ти ва б. олий ўқув юртларида амалга оширилади.

Ҳозирда Ўзбекистонда Муסיқа фаолияти асосан ижрочи жамоалар (турли оркестр, хор ва ансамбллар), «Ўзбекнаво», Узтелерадиокомпанияси

таркибидаги ижрочи гурухлар ва яккахонлар, ҳамда мустақил равишда ижрочилик билан шуғулланаётган айрим хонанда ва созандалар томонидан амалга оширилмоқда.

(Муסיқа санъатиға, шунингдек вокал йўналиши учун луғавий сўзлар ушбу мажмуанинг охирида келтирилган)

1.3. Вокал санъати ривожланишининг асосий босқичлари

Вокал санъати ривожланишининг асосий босқичлари асосан, Қадимги давр ва ўрта аср хонандалик санъати анъаналаридан бошланади. Қадимги давр ва ўрта аср хонандалик анъаналари хусусида (жумладан, қадимги Юнонистон, қадимги Миср, Кичик Осиё давлатлари, Ўрта ва Яқин Шарқ, шунингдек бошқа регионларда) Г.Аберт, К.Закс, Ж.Комбарье, В.Багадуров, К.Мазурин, И.Назаренко, К.Кузнецов, М.Львов ва бошқа муаллифлар тадқиқотларида қимматли, илмий диққатга сазовор маълумотлар келтирилган.

Шарқ халқлари санъати нафақат қадим тарихга эга, балки халқнинг темпераменти, менталитети, психологик хусусиятлари, унинг қўшиқчилик ва қўшиқ куйлашга ҳиссий, маънавий жиҳатдан мойиллиги, вокал-нутқ маданиятининг характери ва мазмуни, адабий-сўз луғатининг бойлиги ҳамда уни хонандаликка мутаносиб, қулай ёки ноқулай товушларнинг мавжудлиги каби ўзига хос жиҳатларга эга.

Минтақанинг географик жойлашуви, инсонларнинг ижтимоий ҳаёт шароитлари ва аниқроғи товуш ҳосил қилувчи аппаратнинг тузилиши муҳим роль ўйнайди.

Умуман, профессионал қўшиқчиликнинг ривожланиши бадий даража, муסיқий-шеърый маданиятнинг жанр-услуг хилма-хиллиги, халқ, сарой ва диний муסיқа ижрочилиги анъаналари, қўшиқчининг ижтимоий мақоми ва профессионал қўшиқчилик мактабларининг фаолият юритиш шароитига боғлиқдир.

XVI – XVII аср академик хонандалигининг Европа миллий мактаблари шаклланишидаги ўрни. Операнинг ватани Италия, илҳом париси эса, дунёга беқиёс ҳайкалтарошлик, рассомлик, адабий ижод маҳсулларини берган, шахс кадр-қимматини куйлаган итальян Ренессансидир. Даврнинг эстетик идеали антик ва сарой санъати, инсон ўй-хаёллари, фаолияти, гўзаллигини акс эттиради. Ақл-идрок, уйғунлик, куч-қудрат бирлашиб мукамаллик тушунчасини ифодалайди.

Хонандалик жуда узун эволюция йўлидан ўтиб, черков, сарой ва халқ ижрочилигини энг сара жиҳатларини олиб, сайқаллаштирган ҳолда диний-

ахлоқий изланишларни, инсон ички дунёсининг турли вазият ва шароитлардаги ҳолатини ёритишга ҳаракат қилади. Бу хусусият эса мусиқани театрона образлиликка яқинлаштиради.

Хонандалик санъатининг ривожига таъсир кўрсатган бир қанча омиллар:

- Италия қўшиқлари (баркарола, тарантелла, сицилиана, лирик қўшиқ ва бошқалар) ўзининг интонацион, метроритмик, жанр-услубий хилма-хиллиги;

- ўзининг мелодик – интонацион, метро – ритмик, жанр – услубий хилма – хиллиги билан машҳур италян қўшиқлари («баркаротла», «тарантелла», «лирик қўшиқ», «йиғи» ва бошқалар); италян халқи мусиқий ҳаётининг ажралмас қисми бўлмиш хонандаликка бўлган умумхалқ муҳаббати; нафақат кўйнинг бойлиги ва матннинг мазмунига, балки куй ва овознинг гўзаллиги ва бадиий бўёқларига бўлган муҳаббат;

- Хонандаликка жуда мос ва қулай бўлган италян тилининг фонетик хусусиятлари (аниқ артикуляция, унлиларнинг ўзгармас талаффузи, мураккаб товушлар жамланмаларининг йўқлиги, резонаторни шаклланишига танглайнинг кўтарилишига олиб келадиган сонорларнинг жуфтланиши) куйлаш жараёнида катта ёрдам берган.

- Мусиқий сўзга асосий урғу берадиган, солистлар ва мусиқий ансамбл, хор жамоаси ижро этадиган унча катта бўлмаган вокал номерлари бор (май томошалари), халқ мусиқий-саҳнавий томошалари;

- Оркестр, балет, хор ва яккахонлар иштирокидаги диний пасторал драма ва комедиялар;

- Оддийдан мураккабга, ритм жиҳатидан бир хил секин ва «босқичма-босқич» ривожланадиган унисон куйдан полифоник тўлдиришгача (IX – XI а.), юқори овознинг импровизацияси (XII а.) қўшиқчидан махсус малакаларни талаб қиладиган ҳар бир вокал қаторини бойтадиган трель, форшлаг, группетто (XIV а.) ларгача ривожланган католик черков қўшиқлари;

- IX асрда пайдо бўлган диний сиғинишнинг айрим қисмларини театрлаштириш, литургик драма секин-аста ёрқин мусиқий-саҳнавий кўринишга эга бўла бошлаши, яккахонликка турли хил чолғулар жўрлиги қўшила бошлаши;

- XIV асрда машҳурликка эришган лютна, виола, арфа, кичик орган жўрлигидаги сарой мусиқаси.

XV асрда нафақат Италияда балки Европанинг барча католик давлатларида Нидерландия мактабининг кўповозли контрапункт кенг тарқалади. Черков мусиқаси ва куй йўлининг ривожига асосланган ҳолда

ижрочилар олдига бир қатор профессионал талаблар кўя бошлади. Улар овоз ҳосил қилиш ва нафас, динамика, товуш бўёқлари билан боғлиқ эди.

XVII – XVIII асрларда кенг ривож топган италян операси ва айниқса кастратлар ижодида юқори даражадаги маҳоратга эришган *bel canto* италян опера жамоалари фаолиятини бошлаган Европа монархлари саройлари ва йирик феодал зодагонлар сахналарида униб ўсди. Европанинг ривожланган мамлакатларидан таклиф килинган композитор, капелмейстер, кўшиқчи ва чолғучилари томонидан бошқариладиган жамоалар нафақат опера санъатининг оммавийлашувиغا, балки халқона асосдаги мусиқий театр жанрларининг пайдо бўлишига ҳисса қўшган.

Даврнинг энг сара кўшиқчилари қаторида – сопранолар Фаустина Гассе Бордони (1700 – 1781), Франческа Кудзони (1700 – 1770), Лукреция Агуяри (1743 – 1783), Мадлен Софи Арнольд (1744 – 1802); тенорлар Антон Рааф (1704 – 1797), Доменико Ронкони (1772 – 1839), Мануэль дель Пополо Висенте Гарсиа (1775 – 1832); баритонлар Иоган Михаэль Фогль (1759 – 1840); баслар Людвиг Фишер (1745 – 1825), Антон Крутицкий (1754 – 1803) вокал санъати тарихида чуқур из қолдирганлар.

Ҳозирги кунда Вокал санъати ўзининг бетакрор ифодаси, бой имкониятлари, психологик – ҳиссий таъсири билан ҳозирги кунда ҳам инсонлар қалбидан чуқур ўрин эгалламоқда. Хонандалик санъати фақатгина тарихий илдизга эмас, балки ўзига хос чизгилар, нутқ маданияти, бадий адабиёти, ижрочилик анъаналари, ҳамда куйлашга бўлган иштиёқ ва уни қабул қила олиш каби хусусиятларга эга.

Куйлаш – инсон ички ҳис-туйғуларини тўлиқ очиб, намоён этиб берадиган ягона ифода воситасидир. Кўриниб турибдики, ҳар бир даврнинг, ҳар бир миллатнинг ўзига хос куйлаш (вокал) мактаби ва анъаналари мавжуд.

Бугунги кунга келиб вокал санъати ривожланиб, бадий ижро даражасини шаклланиб улгурганига қарамай, ҳозирда ҳам классик *bel canto* анаъаналарига таянган ҳолда юксалиб келмоқда.

Замонавий опера ижрочиси – фақатгина актёр – хонанда эмас, балки профессионал даражадаги инсон ички туйғуларини намоён этиб бера оладиган, муаллиф ва постановкачилар фикрларига таяниб қолмасдан ўзининг дунёқараши, маданияти билан ўз фаолиятини ёрқин кўрсатиб бера оладиган ижодкор ҳамдир.

Хонандалик санъати тарихини ўрганиш жараёнида бу соҳани нақадар кенг қамровли ва чуқур илдизга эга эканлиги яққол намоён бўлди.

Бу ишни тўлиқ ўрганиб, ёритиб бериш учун келажакда яна ҳам кўпроқ изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

Назорат саволлари

1. Вокал санъат соҳаси фаолияти деганда нимани тушунасиз?
2. Фаолиятни режалаштириш ҳақида нималарни биласиз?
3. Соҳани тўғри ташкил этиш йўллари айтиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

7. Гозенпуд А. Музыкальный театр в России. От истоков до Глинки. - Л., 1959.
8. Гозенпуд А. Русский оперный театр XIX века: 1879-1889.- Л., 1973.
10. Гозенпуд А. Русский оперный театр (1917-1941). Очерк истории. - Л., 1963.
11. Дмитриев Л. Основы вокальной методики.- М., 1963.
12. Доливо А. Заметки об истоках русской классической и советской вокальной школы // О музыкальном исполнительстве. - М., 1954.
13. Дурьлин С. Рихард Вагнер и Россия. - М., 1913.
14. Зданович А. Некоторые вопросы вокальной методики. - М., 1965.
15. Зданович А. Некоторые вопросы воспитания певца и его голоса: Дисс ... канд. искусств. - Саратов, 1950.
16. Кантарович А. Культура вокального слова. - М., 1957.
17. Каплан Э. Жизнь в музыкальном театре. - Л., 1969.
18. Карасев А. Методика пения. - В 2 ч. СПб, 1914.
19. Комиссарская М. Современная советская опера. - М., 1971.
20. Кочетов Н. Вокальная техника и её значение. - М., 1930.
21. Кузнецов К. Музыкально-исторические портреты. - М.: Музгиз, 1937.
22. Левик М. История зарубежной музыки. - М., 1963.
23. Лемешев Ливанова Т. История западно-европейской музыки до 1789 года. - т. 1. - М.: Музыка, 1983.

2-мавзу: Замонавий метроритмик моделлар. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари. Овоз ёзиш студияларининг ишлаш тамойиллари.

Режа:

- 2.1. Замонавий метроритмик моделлар ҳақида тушунча.
- 2.2. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари.
- 2.3. Овоз ёзиш студияларининг ишлаш тамойиллари.
- 2.4. Вокал санъатида стилистик йўналишлар. Миллий ва замонавий куйлаш услублари
- 2.5. Вокал ижрочилигида бадиҳавийлик (импровизация) техникаси

Таянч иборалар: метроритмик моделлар, товуш гигиенаси, якка кўринишидаги вокал ижрочилиги, ансамбль кўринишидаги вокал ижрочилиги, хор кўринишидаги вокал ижрочилиги, стилистик йўналишлар, бадийҳавийлик.

2.1. Замоनावий метроритмик моделлар ҳақида тушунча.

Музикани ижро этишда ҳам, уни қабул қилишда ҳам ҳар хил ҳаракатлар юзага келади. Баданни чайқаш, қўл билан ёки оёқ билан кучли уришни уриш, овоз билан қўшиқ қуйлаш - буларнинг барчаси метрик ва ритмик пульсация ажралиб турадиган муסיқий тажрибанинг моторли табиатининг намоёнидир.

Метроритмик сезгилар қўллаб-қувватловчи ва қўллаб-қувватламайдиган товушларнинг узлуксиз алмашинуви билан боғлиқ. Кучли ва кучсиз зарбаларнинг бундай ўзгариши ҳаёт ва дам олиш даврларининг даврий алмашинуви билан боғлиқ бўлган ҳаётнинг умумий жараёнларининг аксидир. Ҳаётда таранглик ҳар доим гевҳэме билан кузатилади, фаолликнинг кўтарилиши унинг пасайишига олиб келади. Тирик органнинг иш тсикли ишлайдиган мушаклар ёки хужайралар дам олаётган фаол давр ва ҳаракатсизлик давридан иборат. Юрагимиз дам олиш билан шундай уради, ўпкамиз шундай ишлайди, ухлаш ва бедорлик шундай ўзгаради. "Фазо ва вақт материя билан тўла, абадий ритм қонунларига бўйсунди", - деган машҳур франтсуз ритм ўқитувчиси Э. Жак-Далкроз.

Ритмик ҳислар турли хил давомийликларнинг алмашилишини ўз ичига олади, улар ўзларининг мавжудлиги билан ўлчанган метрик ҳаракатни кичикроқ импульслар билан тўлдиргандай туюлади. Кейинчалик, ритм ҳақида гапирганда, биз муסיқачиларнинг кундалик амалиётида бўлгани каби, умуман метро-ритмик ҳисларни ёдда тутамиз. Унинг кўп қирралилиги туфайли муסיқа ихлосмандлари орасида ритм туйғуси баланд овозда эшитишдан кўра анча кенг тарқалган. Бироқ, ритмнинг табиий сезгиси этарли бўлмаган тақдирда, у ўзини ривожланиш учун катта қийинчиликлар билан қарз беради.

Муסיқий асбобни тартибсиз ижро этишнинг камида учта сабаби бор.

1. Ижрочининг марказий асаб тизимидаги кўзғалиш жараёнларида умумий мувозанатнинг йўқлиги. Бундай қонунбузарликнинг кўрсаткичларидан бири бу ҳарфларнинг услуби бўйича бир хил имлога эга бўлмаганлиги ва бири-бири билан нотўғри ёзишмаларда бўлганлиги сабабли, рақсга тушганда, хатнинг қўлёзмаси бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган жараёнларни бузган ҳолда, тана ва унинг алоҳида қисмлари ҳаракатлари бетартиблик, кераксиз аниқлик, бурчаклилик хусусиятига эга бўлади.

2. Қўл ва бармоқларда мувофиқлаштиришнинг этишмаслиги, улардаги асаб толалари бўйлаб ритмик импульслар оқимини тўсқинликсиз ва тўсқинлик қилмайдиган кераксиз мушак қисқичлари мавжудлиги.

3. Ўйнашда интизомнинг этишмаслиги ва мусиқий ва аудитория чиқишларининг ритмик асосларининг заифлиги. "Кўп пианистларнинг ўйнаши маст одамнинг юришига ўхшайди", деди Г. Нойхаус шогирдларига. Ритм туйғуси оркестрда ва ансамблда ўйнаш маҳоратига эга бўлган мусиқачилар орасида анча яхши ривожланган, бундан ҳам ёмони - баъзи пианистлар орасида, айниқса фортепианода "ҳис-туйғулар ғалаёни" га риоя қилмасдан мусиқа ижрочилари орасида. ритм. Ритмнинг ўзи кучли таъсирчан ҳиссий восита бўлиши мумкин. "Ҳар қандай инсоннинг иштиёқи, ҳолати, тажрибаси, - деди Станиславский, - ўзига хос темп-ритмга эга".

Ритм туйғусини ривожлантириш бир вақтнинг ўзида иккала томондан ҳам кетиши мумкин.

Ташқи томондан, бу сизнинг ишлашингизни дирижёр, ўқитувчи ёки метрономнинг уриш ҳаракати билан ўрнатилган метроном ритмига мослаштириш қобилиятидир.

Ичкаридан - туйғу орқали мусиқа асарининг ритмик чизигига кириб, унинг сўз билан ифодалаш қийин бўлган ва фақат сезилиши мумкин бўлган жонли пульсини тушунган ҳолда.

Мусиқачининг энг муҳим касбий маҳоратларидан бири бу метрли аниқ ва ритмик бир текис ижро этишдир. Метро-ритмик пульсациянинг бир хиллиги ёш мусиқачининг ҳар бир техник машғулотига сингиб кетиши керак ва агар бу эрда бепарволикка йўл қўйилса, ҳаваскорликнинг исталмаган тегинишини ўйинга киритиш хавфи мавжуд. Ритм туйғусини ривожлантиришга арифметик оғзаки ҳисоблаш, акцент билан ўйнаш, ижро пайтида дирижёр тўлкини ҳисси ёрдам беради, бунинг ёрдамида узокроқ ва катта ҳажмдаги метро-ритмик конструкциялар тушунилади ва тушунилади.

"Ҳисоблаш бебаҳодир, - таъкидлади Ҳоффманн, - чунки у ритм туйғусини ҳамма нарсадан яхшироқ ривожлантиради ва кучайтиради". Дирижёр - бу мусиқа ўқитувчилари томонидан кенг қўлланиладиган яна бир усулдир. "Мен талабаларга, - деб ёзган Нойхаус, - мусиқа стендига ёзувлар қўйишни ва асарни бошидан охиригача бошқаришни қатъий тавсия қиламан - гўё бошқаси хаёлий пианист чалаётгандек ва дирижёр унга ўз иродаси билан илҳом бераётгандек..."

Тсйпиннинг тавсиясига биноан талабаларнинг одатдаги ногиронлиги бўлган темпдаги нуқсонларни (тезлашиш, секинлашув, умуман ҳаракатда беқарорлик) бартараф этиш мумкин: талаба бирон бир асарни ижро этишда

сунъий тўхтаб, баланд овозда ва аниқ ҳисоблайди. икки ёки учта бўш бар, сўнгра ўйинни қайта бошлайди. Ритм туйғусини ривожлантиришнинг бошқа усуллари қаторида бир вақтнинг ўзида куйни куйлаш билан метро-ритмик тузилмаларни қўл билан қарсақ чалиш ўзини исботлади; дирижёрнинг имо-ишораси шаклида ўқитувчи томонидан бошқариладиган ҳаракатлар шу жумладандир.

2.2. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари

Вокал таълими – муסיқа санъатининг, хусусан, бадий ижоднинг ўзига хос тури бўлиб, энг аввало, куйлаш маҳоратини юксак даражада ўзлаштиришга асосланади ҳамда ўзининг ёрқин ифодаланган хусусияти, ўқитилишининг кўпроқ индивидуал характерга эгаллиги, ҳиссиётлар ва бадий образлар дунёсига, инсоннинг маънавий-эстетик соҳаларига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Муסיқа санъати инсон тафаккурининг алоҳида маҳсули бўлиб, унинг мазмун ва моҳияти асар билан бевосита мулоқотда, яъни унинг жарангловчи оҳангини ўзлаштириш жараёнидагина намоён бўлади. Муסיқа мазмунини (муסיқий образни) эшита билиш ва ҳиссий кечинмалари асосида ўзлаштириш – муסיқа идрокидир. Муסיқани идрок қилиш – мукамал психологик жараён. Унинг ўзагида эшитиш қобилияти, муסיқа мазмунини бадий образларда акс этишини тушуниш, асарнинг жанр хусусиятларини ўзлаштириш, бадий фикрлаш ва таҳлил қилиш ётади. Муסיқий асар оламига “кириб бориш”, муסיқа кайфиятини ҳис этиш, ғоясини тушуниб этиш тингловчининг ўзига хос ижодий фаолияти туфайли рўй беради. Муסיқа унинг ўзигагина хос бўлган ифода воситаларнинг – ладогармоник тузилиш, тембр, темп, метроритм, динамикаларнинг комплекс таъсири остида идрок қилинар экан, бу ифода воситалари асарнинг кайфияти, гўзаллиги, мазмуни ва ғоясини тингловчига етказиб беради. Аммо муסיқани тушуниш, яъни уни нафақат ҳиссий қабул қилиш, балки онг билан ҳам тушуниш, муסיқа нимани ифодалаётганлиги ва қандай ифодалаётганлигини ҳис этиш, муסיқа билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж сезиш инсондан бадий савия, муסיқий, ҳаётий тажриба талаб этади. Шунинг учун муסיқашунослар муסיқа тинглаш ақлнинг кучли фаолияти ва ўзига хос ижоддир деб таъкидлайдилар. Муסיқани онгли идрок этиш ва билиш ўз навбатида асарни бадий оҳанг ва мантиқий жиҳатдан хотирада турғун сақланишини таъмин этади. Шунинг унутмаслик лозимки, диққат, қизиқиш ва онгли равишда ўрганилган вокал асари оҳанги ва тингланган муסיқа куйи, гарчи у вақти-вақти билан такрорланиб турилмаса

ҳам, хотирада узоқ вақт муҳрланиб қолади. Бунда ижрочилик малакалари бадиий вазифаларга, яъни муסיқий асар образи, кайфиятининг ёрқин, ифодали ёритилишига қаратилган бўлиши талаб этилади. Бунда муסיқий асарнинг бадиий ижросига эришиш мақсад бўлиб, малака ва кўникмаларни эгаллаш шу мақсадга етишишда воситадир.

Бу тамойиллар ижрочида муסיқий қобилиятларни, муסיқага қизиқишни, дид ва муסיқа маданиятини ривожлантиришга қаратилган. Муסיқий қобилиятлар, уларнинг турлари, махсус (ижрочилик, бастакорлик) ва умумий муסיқий қобилиятлар, уларнинг ривожланиш шарт-шароитлари масалалари кўплаб психолог (Б.Теплов, В.Мясишев, Б.Яворский, В.Петрушин ва ҳ.з.), педагоглар (Л.Баренбойм, В.Белобородова, Ю.Алиев, Н.Ветлугина) муסיқашунослар (Б.Асафьев, А.Алексеев ва б.) томонидан кенг ўрганиб чиқилган. Мутахассислар муסיқий эшитув, ритм ҳисси, муסיқий хотирани муסיқий қобилиятларнинг асосий кўринишлари деб белгилайдилар. Муסיқий эшитув қобилияти – бу товушнинг баланд-пастлиги, кучи, тембри ва давомийлигини ҳис этишдир. Муסיқий ритм туйғуси – муסיқадаги вақт-ўлчовли ҳаракатни, унинг ифодавийлигини ҳис этиш, аниқ ижро этиш қобилиятидир. Муסיқий хотира – бу муסיқий асарни тез ва узоқ вақт ёдда эслаб қолиш қобилияти. Бу қобилиятлар умумлашма ном билан муסיқий педагогика амалиётида муסיқийлик деб ҳам юритилади. Аммо муסיқийлик 3 та қобилият билан чекланмайди. Муסיқийликнинг асосини муסיқадаги ифодавий мазмун, образни тушуна олиш, унга ҳиссий муносабат кўрсата олиш қобилиятлари ҳам ҳосил қилади. Шу нуқтаи назардан замонавий вокал таълими методикаси талабаларда муסיқа ва муסיқа ҳақидаги билимлар, йирик шаклдаги муסיқа асарларини ҳиссий онгли идрок этиш малакаларини шакллантириш, ҳиссий ва муסיқий тажрибаларни бойитиш, дунёқарашни кенгайтириш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Мазкур малака ва кўникмаларнинг шаклланиши бўлажак актёр онгининг муайян ривожланиши жараёнини талаб этади. Талабанинг муסיқа идроки қобилияти бу даражага етиши учун у муסיқий билим, малака ва кўникмаларни онгли равишда ўзлаштириши лозим. Аммо бу ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бунинг учун вокал машғулотида тизимлилик ва давомийлик, бадиийлик ва техниканинг бирлиги, тафовутли таққослаш каби тамойилларини қўллаган ҳолда талабанинг ўқув материални онгли равишда ўзлаштириши, билиш жараёнининг фаоллигини вужудга келтириш лозим. Муסיқа асарини куйлаб ёки тинглаб ўзлаштириш ва ундан бадиий-эстетик завқланиш учун мазкур асарни идрок этишга талаба – актёрнинг, энг аввало, диққат-эътиборини жалб эта билиш ва унда қизиқиш уйғота билиш шарт. Бунинг учун талабалар репертуарига киритилган асарлар бадиий жиҳатдан

етук, ёрқин образли, қизиқарли ҳамда ёшларга мазмунан яқин, уларнинг ички эҳтиёжларига жавоб бера оладиган бўлиши лозим. Талабада мусиқий идрокни ривожлантиришда сахнавий мусиқа асарлари – опера, оперетта, мусиқали драма ва комедия муҳим ўрин тутди.

Ансамблларни ташкил этиш ва уни бошқариш учун раҳбар о.,збек халқ чолг.,у асбобларининг тарихи, уларнинг ижро имкониятлари, диапазони, штрихлари, ансамблдаги вазифаси ва о.,рнини яхши билишидан ташқари, халқ чолг.,уларидан бирортасини мукамал эгаллаган бо.,лиши фойдадан холи бо.,лмайди. Раҳбар ансамбль аъзоларига ўргатадиган асарини халқ чолғу асбобида чалиб бериши мақсадга мувофиқ бо.,лади. Машг.,улот бошлашдан олдин чолг.,уларнинг созига эътибор қаратиш лозим. Чолг.,у асбобларини камертон ёки най чолг.,усига созлаш тавсия этилади. Ҳар бир чолғу ўз шакли ва конструкциясига эга, ҳамда ижро услублари турличадир. Ижрочининг техникасини шакллантириш асосида қўл ва бармоқлар ҳаракати ётади. Масалан, чанг чолғусида ижро техникасини шакллантиришда бармоқлар тезкорлиги устида ишлашнинг кераги йўқ. Доира ижрочилигида эса, аксинча, қўл ҳаракатлари бошқа кўринишда бўлади. Мизробли чолғулар ижрочилигида чап қўл бармоқларининг ҳаракати горизонтал кўринишда, камонли чолғулар ижрочилигида эса вертикал кўриниш касб этади. Ҳар бир чолғунинг ижро имкониятлари, унинг ижродаги ўрни ҳақида ансамбль аъзолари тасаввурга эга бўлишлари асар ижросида катта самара беради. Ансамбль қатнашчиларининг тўғри жойлашини, ўтиришини, мусиқа асбобини тўғри ушлашини, чиройли товуш ҳосил қилишини, штрихлар, динамик белгиларга эътибор қилишини кузатиш ва ўз навбатида хатоларни тузатиб бориш раҳбарнинг асосий вазифаларидан биридир. Раҳбар жамоа қатнашчиларининг маънавий-маърифий, эстетик тарбиясига катта эътибор бериши, одоб - ахлоқ қоидалари асосида ўз қобилиятларини такомиллаштириб боришларини кузатиб, уларга кўмаклашиб бормоғи даркор. Қатнашчиларнинг умумий сонидан қатъи назар, интизомнинг мустаҳкам бўлиши учун баъзи қатнашчилар машғулотга келмаган бўлса ҳам, жамоа ўз машқларини белгиланган вақтда, бошлаши яхши самара беради. Раҳбар ансамблга ўргатадиган асарини мукамал билиши, унинг яратилиш тарихи ва бошқа керакли маълумотлар, жумладан, ўлчови, усули, динамик белгилари, асарниг бастакори ҳақида тушунча бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу маълумотлар қатнашчиларга чалинаётган асар ҳақида тасаввур ҳосил қилишига ёрдам беради.

Шунингдек, раҳбар ижрочилик маҳоратига алоқадор вазифаларни аниқ белгилаб бериб, унинг бажарилишини қатъий талаб қилиши лозим. Берилган вазифаларнинг бажарилишини тўғри талаб қилиш, ижодий бирлик,

муваффақиятли ижро гаровидир. Раҳбар ансамбль қатнашчилари билан муомала қилишда, албатта, ўз услубини топиши керак. Машғулот вақтида ижрочилардан бирортаси адашиб кетиб нотўғри чалса, ансамблни тўхтатиб қўйиб унга танбеҳ бериш ноўрин, балки ижро вақтида ишора ёки сўз билан унинг диққатини жалб қилиши ва қилган хатосини яхши муомала билан тушунтириши лозим. Асарнинг яхши ижроси ҳар бир чолғучининг кайфиятига ҳам 17 боғлиқ бўлади. Ансамбль иштирокчиларидан бирортасининг кайфияти ёмон бўлса, қолган иштирокчиларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Асар танлашда ҳам раҳбар ансамбль иштирокчиларининг қобилиятларини инобатга олса мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумки, ҳар бир чолғучи ўзига хос, бир-бирига ўхшамайдиган мусиқий ҳис-туйғуларга эга. Раҳбар ана шу ҳис-туйғулардан ҳам фойдаланиши мумкин. Асар ҳақида, асарнинг қайси болалиги, тактида қочирим, безак, нола ишлатиш лозимлиги тўғрисида қатнашчилар фикрини билиб, ягона бир қарорга келиши ва ансамбль қатнашчиларига бу қарорга келиш сабабларини тушунтира билиши лозим.

Хор – бу қўшиқни, мусиқани чолғу жўрлигида ёки жўрсиз, яъни а сарелла ижро этувчи жамоа. Хор санъати тарихи асосан Европада вужудга келди ва бунда академик йўналишда куйланди. Европа хор санъатининг Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлиши ва ривожланиши унисонликдан кўповозли хор санъатига замин яратди. Мамлакатимиз мусиқага ихтисослашган таълим муассасаларида “Хор синфи”, яъни жамоа қўшиқчилиги фанларини ўрганишга ҳозирда катта эътибор берилмоқда. “Хор синфи” фани талабаларга семестрларда қўшиқ, жўрсиз, йирик жанрлар шаклида ёзилган ўзбек, қардош, чет эл композиторларининг нодир вокал-хор асарлари билан таништириш ҳамда профессионал услубда куйлаш малакаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мутахассислик фанлари орасида “Хор синфи” фани асосий фан бўлиб дарс жараёнида талабаларнинг нафақат вокал-хор ижрочилик қобилияти ривожлантириб борилади, балки уларни маънавий, бадиий-эстетик тарбиялайди. “Хор синфи” фанининг асосий мақсади хор ижрочилиги назарий асоси, вокал-хор кўникмаси, соз ва гармоник аккордлар софлиги, нафас малакалари, гуруҳлараро овозлар уйғунлиги, ташкилотчилик қобилияти ва педагогик малакалари кабилардан иборат бўлади. Ёш авлоднинг мусиқий-эстетик тарбияси билан шуғулланиш, шу тариқа талабаларнинг бевосита мусиқий қобилиятини ривожлантириш ҳам фаннинг мақсадларидир. Ҳозирги давр таълим тизимида юксак малакали, касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишга лаёқатли кадрларни тайёрлашдан иборат. Таълим жараёнини замонавий ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш, маънавий-маданий қадриятларни

мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий мерос, тарихий анъаналарга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ҳизмат қилади. Айнан хор фани ушбу талабларни бажаришга йўналтирилади. “Хор синфи” фанидан дарсларда талаба қуйидагиларни ўзлаштиради: – тўғри товуш ҳосил қилишни; – вокал-хор санъати тарихи ҳақидаги билимни; – нафас ва занжир нафасда куйлаш малакаларини; – овоз машқларини ижро этишни; куйлаш йўллари: – легато, нон легато ва стаккато; ритмик тўғри куйлашни; – талаффуз устида ишлашни; – динамик нюансларда куйлашни; – мусиқий жумлаларнинг гармоник аккордларини ҳис этишни; – умумий хор ансамблида куйлашни; – жамоа бўлиб куйлаш ҳолатларини; – мусиқий товуш сози ва софлиги; – а капелла асарларини куйлашни; – хор созини тинглай билишни, жўрли асарларни куйлашни; – мусиқий асарларни интонацион соф ижро этишни; – асарлар муаллифлари ҳақида маълумотларни билишни; – академик хор йўналишидаги асарларнинг тоналлигини аниқлашни; – хонандалар хор ижрочилигининг ўзаро таъсирини; – ижро маҳоратини ошириш усулларини; – кўп овозли ансамблларда куйлашни; – якка ва жамоа ижрочилигининг ўзаро уйғунлигини; – яккаҳон ва хор ижрочиси сифатида куйлашни; – сахна маданиятига риоя қилишни; фонотекадан ва аудио ёзувлардан самарали фойдаланишни; – хор жамоаси раҳбари сифатида жамоани бошқаришни; – раҳбар кўрсатмасига амал қилишни; – асарларнинг бадиий-мусиқий образлари устида ишлаш кабиларни ўрганади. Талабаларда хорда тўғри товуш ҳосил қила билиш, куйлаш, унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз ижро эта билиш, дикция, дирижёрнинг қўл ҳаракатларини тушуниб куйлаш каби кўникмалар такомиллаштириб борилади.

Хор ижрочилигида а *capella*, *motet*, *madrigal*, *messa*, *suита*, *kantata* ва *oratoriya* сингари қатор жанрлари мавжуд. *Acapella* – италянча сўз бўлиб, чолғу асбоблар жўрлигисиз хор бўлиб куйлаш маъносини англатади, бу хор ижрочилигининг энг юқори чўққиси ҳисобланади. Хор куйлаш санъати – а *capella* услуби юксалиши XV – XVI асрларда полифониячи – композиторлар (Ж.Палестрина, О.Лассо, К.Жанекен) ижодиёти билан боғлиқ.

2.3. Овоз ёзиш студияларининг ишлаш тамойиллари.

Замонавий студиялар, қоидага кўра, ўзида қуйидагиларга эга: студия хонаси (мусиқа ва овозни ижроси ва ёзиб олиш учун, унда микрофон ва ижрочилар жойлашади); назорат хонаси, унда овозни ёзиш ва унга ишлов берувчи асосий техник воситалар ўрнатилади (микшер пульталари, назорат агрегатлари, ишчи компьютер станцияси ва бошқалар) ва унда овоз режиссёри

иш жойи жойлашади; техник аппаратхонаси, унда баъзи бир техник воситалар, яъни кучайтиргичлар жамланмаси ва бошқалар жойлаштирилади. Барча студияларни қуйидаги синфларга бўлиш мумкин:

- қўлланиши бўйича - овоз ёзиш студияси, радиоэшиттириш ва телевизион овоз студиялари, тонал ва киностудия ва бошқалар:

- овоз ёзиш кўриниши бўйича — катта мусиқали, камер, адабий — драматик, суҳандон;

- ижрочилар сони бўйича, яъни ҳажми бўйича — катта, ўрта, кичик ва бошқалар.

Бошқа параметрлари бўйича ҳам студиялар синфларга бўлиниши мумкин. Мусиқани ёзиш учун студиянинг объектив акустик параметрлари концерт залларига қўйилган талабларига асосан танланади. Биринчи овоз ёзиш студиялари радиоуйи ва телемарказларда концерт заллари каби қурилган, унда симфоник оркестрларни ёзиш имконияти бўлган. Студияларда барча талаблар бажарилиши шарт, яъни турли частоталар диапазонида оптимал реверберация вақти, овоз майдонининг бир хиллик структураси, талаб этилган шовқин сатҳи, ҳамда мусқали ва овоз дастурларини эшитишдаги зарур бошқа объектив параметрлар.

Кўпича битта студия овоз, турли жанрдаги мусиқа ёзиш учун фойдаланилади, шунинг учун акустик шароитни шуларга мослаштириш имконияти назарга олиниши керак.

Зарур параметрларни таъминлаш учун, энг аввало оптимал реверберация вақти учун, студияни размерига, формасига чекловлар қўйилади. Ушбу талаблар 1-жадвалда келтирилган.

Студия	Майдони м²	Баландл иги	Оптимал реверберация вақти	Ижрочилар сони
Очиқ концерт дастурлари учун томошабинлар билан	1000	14	2-2,2	250-500
Катта мусиқали симфоник оркестр ва хорлар учун томошабинлар билан	1000	13	2	250

Катта муסיқали симфоник оркестр ва хорлар учун томошабинларсиз	750	12	2	150
Ўрта муסיқали симфоник оркестрлар учун	350-450	8,5-10	1,5-1,7	40-65
Эстрада ва жаз муסיқаси учун	350-450	9,5-10	0,9-1,1	35-60
Кичик муסיқали катта бўлмаган оркестр ва хорлар учун	250-300	8-8,3	0,9-1,1	30-35
Камерная студия	150	6	1	10-15
Катта адабий - драматик	150-200	6-6,4	0,8-1	20-30
Ўрта адабий - драматик	100	5	0,5-0,7	10-15
Суҳандон	26-30	3,2-3,5	0,4	2-4

Студияни овозлаштириш тизимини танлашда қуйидагиларга аҳамият бериш зарур:

- студиянинг белгиланиши;
- студиянинг чизиқли ўлчамлари.

Шулардан келиб чиққан ҳолда студия кўп мақсадли ва ўлчамлари етарлича катта. Бу марказлаштирилган тизимнинг қўллаш мумкинлигини билдиради. Бунда бир хил товуш майдони ҳосил қилиш мақсадида ўткир характеристика йўналганлигига эга бўлган товуш колонкаларини олиш ва уларни акустик марказидан етарлича баландликда ўрнатиш керак. Аммо биз кўраётган мисолда берилган тўғри товуш майдон сатҳи нотекислиги $DN_{T\text{Ғри}} = 6$ дБ ва кўриш ва эшитиш образлари мослигини

таъминлаш зарурати бўлганлиги учун икки қатор кам қувватли товуш колонкаларидан иборат тақсимланган овозлаштириш тизимини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳисобланган ўрнатиш қадами, зарурий товуш майдони сатҳи, унинг белгиланган нотекислиги, янгроқлик узвийлиги, нутқ аниқлигини таъминлай

олмайди. Шунинг учун колонкалар занжири қадамини 4м танлаб оламиз. Ҳар бир товуш колонка занжири залнинг ярмини таъминлайди.

Студиянинг бошқа нуқталарида товуш босими бу қийматдан фарқли бўлади.

2.4. Вокал санъатида стилистик йўналишлар. Миллий ва замонавий куйлаш услублари

Вокал санъатида стилистик йўналишлар академик ижрочилик йўлида ҳам шаклланган. Ғарбий Европа, Франция, Немис, Рус, Ўзбекистон вокал санъати ўз тарихига эга.

Ғарбий Европа вокаль санъати тарихи. Ғарбий Европа вокал санъатининг тарихи Италиялик миллий вокал мактаби. Илк опера муаллифлари. XVI-XVIII асрларда Италиядаги флоренциялик, неаполетан, венециан опера ва вокал мактаблари. XV-XXасрларда итальян вокал педагогикаси. А.Скарлатти - *Bel canto* асосчиси. Ж.Вердининг ижоди-миллий опера мактабининг чўққиси. Буюк хонандалар: В.Аркили, Ж.Рубини, Ж.Паста, А.Патти, Ф.Таманьо, М.Каллас, Р.Тебальди, Марио дель Монако ва бошқалар.

Франция вокал санъати тарихи. Француз миллий вокал мактабининг тузилиши ва ривожланиши. Ж.Люлли лирик трагедияларнинг яратувчиси. Операда речитатив ўрни. Х.Глюкнинг опера реформаси. Унинг кўшиқчиларга талаблари. Катта француз операсининг шаклланиши асослари. Ф.Обер, Д.Мейербер-янги жанр яратувчилари. Француз вокал педагогикаси. Француз опера ижрочилари: А.Нурри, Ж.Дюпре, М.Малибран, П.Виардо.

Немис миллий вокал мактаби. Немис опера яратилиши ва унинг ривожланиши. Г.Шютц - биринчи немис опера бастакори. Гамбург операси, Реалистик опера драматургия яратилишида В.Моцарт ижодининг аҳамияти. К.М.Вебер ижодида немис миллий операсининг тасдиқланиши. Немис вокал педагогикасининг асосчиси; педагогика ривожланиши. Немис буюк опера хонандалари: А.Ланге, И. Хофер, И.Шиконедер, А.Годлиб.

Рус вокал санъати тарихи. Рус операсининг яратилиши ва ривожланиши. Миллий опера театри яратилишининг муҳим асослари. М.Глинка-композитор, педагог, ижрочи, рус опера ва вокал мактабларининг илк асосчиси. Глинка операларини саҳнага қўйилиши ва рус опера кўшиқчиларини ўсишида уларнинг аҳамияти. О.Петров, А.Воробьева- Петрова, М.Степанова, С.Гулак-Артемовский-Глинка операларининг илк ижрочилари. Камер-вокал жанрида Даргомижский ижодининг аҳамияти. П.Чайковский ва Могучая кучка бастакорларининг опера ва вокал ижоди. С.Мамонтов режиссёр-новатор ва

унинг опера театрининг роли. Петербург ва Москвада консерваториялар очилиши. Биринчи устозлар: Г.Ниссен-Соломан, И.Прянишников, А.Додонов, У.Мазетти. Рус вокал педагогикасининг ривожланиши. Буюк рус опера хонандалари: Н.Фигнер, Ф.Шаляпин, Л.Собинов, А.Нежданова, В.Барсова, И.Архипова, Е.Образцова, Т.Милашкина, В.Атлантов ва бошқалар.

Ўзбекистон вокал санъати тарихи. Ўзбек операси ташкил этишининг асослари. Ўзбек опера ва вокал санъатининг ривожланиши. Миллий вокал маъданияти. Шошмақом-миллий профессионал санъати ёдгорлиги. М.Қори-Ёқубов ва Тамара Хоним ижоди. М.Ашрафий ва С.Василенконинг илк

«Бўрон» ўзбек операси. К.Зокиров, Х.Насирова, М.Муллажанов, М.Қори-Ёқубов шу операнинг биринчи ижрочилари. А.Навоий номидаги давлат театри қурилиши (1947). Рус ва ўзбек бастакорлари операларининг ўзбек тилида сахнага қўйилиши. Ўзбек опера ижрочиларининг вокал маҳорати тикланишида уларнинг аҳамияти. Ўзбек операси тараққиётида ва унинг пропагандасида С.Юдаковнинг Майсаранинг иши спектаклининг аҳамияти. М.Ашрафий-атоқли бастакор, дирижёр, жамоа арбоби. Ўзбек опера санъатида унинг ижодининг аҳамияти. “Дилором” операси. С.Қобулова, С.Ярашев, К.Зокиров-шу операнинг илк ижрочилари. Самарқандда (1964-1991) опера театрининг мавжудлиги. Ўзбек операси ривожланишида театрнинг аҳамияти. Мустақиллик даври мобайнида М.Бурхоновнинг Алишер Навоий, А.Икромовнинг Буюк Темур, М.Бафоевнинг Ал-Фарғоний ва бошқа операларнинг яратилиши.

Вокал санъатида стилистик йўналишлар эстрада-жаз ижрочилик йўлида ҳам шаклланган. “Жаз” ва “эстрада” атамасига доир тушунчалар ҳозирги даврда барча маълум. Ғарбий, Марказий, Жанубий Африка халқлари мусиқа маданияти, Африка хабашлари меҳнат ва маросим мусиқаси, XVI- XVIII асрлар Шимолий ва Жанубий Америка мусиқа маданияти, XIX аср АҚШ архаик (қадимий) ижодиёти асосида жаз услуби шаклланди.

Жаз мусиқасининг фольклор асослари. Жаз мусиқасининг фольклор асосланган. Мумтоз (классик) жаз мусиқаси ривожининг асосий тамойиллари ва услублари мавжуд. Янги Орлеан жаз услуби, Чикаго жаз услуби. Свинг жаз услуби эндиликда ҳаммага маълум.

Жаз намоёндалари. Мумтоз (классик) жаз мусиқасининг ҳам таниқли намоёндалари етишиб чикди. Замонавий (модерн) жаз мусиқаси услуб ва йўналишлари ҳам шаклланди. Модерн жаз мусиқаси таниқли намоёндалари номлари эндиликда мусиқа тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллади.

Жазнинг жаҳон маданиятидаги ўрни. Жаз - жаҳон мусиқа маданияти кесимида алоҳида ўринга эга катта аҳамият касб этмоқда. Россияда жаз

музиқасининг шаклланиш босқичлари кузатилди ва XX аср иккинчи ярмида эстрада – жаз музиқаси юксакларга кўтарилди.

Ўзбекистонда жаз музиқаси. Жаз Ўзбекистон музиқа маданияти кесимида ҳам бугунги кунда ўз мухлисларига эга. Ўзбек композиторлари ижодида симфожаз услуби пайдо бўлганлигини музиқашунлис-олимлар кейинги даврларда эътироф этишмоқда. XX аср иккинчи ярмида жаз ва оммавий музиқа ижобий ва айрим ҳолларда салбий таъсир кучи сифатида ҳам тортишувларга сабаб бўлмоқда. “Оммавий маданият”нинг бир кўриниши сифатида ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири ОАВларида тез-тез эътироф этилмоқда.

Жаз ва Рокнинг ижтимоий ҳаётга таъсири. XX аср АҚШ ижтимоий – кўшиқ фольклорида сиёсий кўшиқ жанри сифатида шаклланиб, XX аср иккинчи ярмида ёшлар ҳаракати ва ижтимоий-норозилик кўшиқлари яратилишига туртки бўлди. XX аср музиқа маданиятида эстрада музиқаси, Рок йўналишининг шаклланиши ва ривожини асосан профессионал композиторлар ижодида намоён бўлмоқда. Рок музиқаси услуб ва йўналишларининг тавсифи энциклопедиялар саҳифасидан ҳам ўрин олган.

Ўзбек музиқа маданиятида оммавий жанрлар. Композиторларимизнинг оммавий жанрларда яратаётган асарлари “оммавий маданият” намуналарига қарши қўйилиб, ёшларни келакка, порлоқ ҳаётга ишонч руҳида тарбияламоқда. XX аср бошларида, аниқроғи 1920-1930 йилларда ўзбек музиқа маданиятининг бир йўналиши сифатида ўзбек кўшиқчилик санъати тез суръатларда ривожланди. 1920-1940 йиллар ўзбек кўшиқчилик санъати, 1940-1950 йиллар ўзбек кўшиқчилик санъати янги-янги ижод намуналари билан алоҳида-алоҳида халқимиз қулоғига сингди. Бунда машҳур Эстрада-симфоник оркестрининг фаолияти катта эътирофга сазовордир. Ботир Зокиров ўзбек эстрада музиқа мактаби асосчиси сифатида тан олинди. Ўзбек кўшиқчилик санъатида симфожазга асосланган профессионал асарлар яратилди. 1960-1980 йиллар эстрада хонандалари ижоди янгича ижро услубларига қараб бурилди. Бунда аранжировка санъатининг таъсири катта бўлди. Эстрада кўшиқи ўзбек композиторлари ижодидан муносиб шрин олди. 1980 йилларда “Ялла” каби вокал-чолғу ансамбллари пайдо бўлди. 1990-2016 йилларда ўзбек эстрада музиқаси ўзбек эстрада музиқаси шоу-бизнес тизимида ҳам ўз шрига эга бўлди.

2.5. Вокал ижрочилигида бадихавийлик (импровизация) техникаси

Шарқ мусикасининг йирик олим ва тадқиқотчилари, хусусан, И.Еолян, Н.Шахназарова, Т.Ғофурбеков, Самха ал-Ҳолий, Ю Плахов, шунингдек, Б.Неттл, Т.Джани-заде ва бошқаларнинг фундаментал асарлари асосида шарқона ижрочилик амалиётидаги мусиқий асарнинг яратилиш жараёнида бадихавийликнинг роли ва аҳамияти белгилаб берилади, Муайян даврнинг услубий меъёрлари сабаб юзага келган ҳар қандай бадиханинг каноник унсурлари ажратиб кўрсатилади. Бу борада шарқона мусиқий ижрочиликнинг муҳим турини тавсифловчи «оғзаки-концерт» ижрочилиги асос солувчи аҳамиятга эга бўлган. Мусиқа санъатининг оғзаки шаклда жорий этилиши бадиха маданиятининг ривожланишига туртки бўлиб, Шарқ мусикачилари тафаккурининг ўзига хослигини акс эттиради ва «Устозшогирд» тизимининг таълим жараёнига асос бўлиб хизмат қилади.

Якка ва ансамбль амалиётида бадиханинг аҳамияти улкан, зеро бунда ансамбль ижро жараёнида юзага келадиган беллашув диалогига қараб, ижрочиларни бадихага кўпроқ жалб этади. Ҳозирги пайтда ансамбль ичидаги беллашув, концерт ижрочилиги жараёнидаги асосий роллардан бирини ўйнамоқда, унда ижрочилар бир-бирлари билан, ва ўз-ўзи билан беллашувдиалогга киришади. Замонавий концерт ижодиётининг шаклланишига нафақат Шарқ, балки Ғарб бадиха маданияти ҳам ўз таъсирини ўтказди. Айтиш жоизки, Ғарб маданиятининг алоҳида ҳолатлари концерт жанрининг асосига айланди. Шарқ ва Ғарб ижрочилик санъатида умумий жиҳатларнинг мавжудлиги шубҳа уйғотмайди, буни жамиятда кечган интеграцион жараёнлар натижасида юз берган мусиқий анъаналарнинг ўзаро таъсири билан, ва шубҳасиз, янгиликларни тезда ўзига сингдирувчи мусиқа санъатининг оғзаки шаклда жорий бўлиш спецификаси билан изоҳлаш мумкин. Айнан шу вазият, назаримизда, XX асрда концерт жанрларининг шаклланиши учун муҳим шарт-шароитлардан бири бўлган, яъни, унга (концерт жанрига) ўзбек миллий мусиқа ижодиёти шароитларида тўлақонли ва мустақил ҳаёт қуриш имконини берган.

Назорат саволлар

1. Мусиқа асари баёни ва ривожига энг баланд нуқта қандай аталади?
2. Опера, мусиқали драма, оперетталардаги қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари ва интилишларини очиб берувчи мусиқий монолог қандай номланади?

3. Бир неча банд ва нақоратлари билан ёзилган мусиқий асар нима деб аталади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Умаров Д. Эстрада якка хонандалиги. Ўқув қўлланма. – Т.; “Академия”. 2018.
2. Раззакова М. Академик хонандалик ижрочилиги. Ўқув қўлланма. – Т.: “Мусиқа”. 2018.
3. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2018.
4. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века М., 2015.
5. Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.), проблемы (коллективная монография). Т.; “Мусиқа”. 2018.
6. Раҳимов Ш. Мусиқа санъатига ўргатиш методикаси. Ўқув қўлланма. - Т.: “Мусиқа”. 2009. – 224 б.
7. Цой С. Работа с концертмейстром (в классе сольного пения) Учебные пособие. Т.: “Мусиқа”. 2018. – 130 стр.
8. Хамидова М.А., Хасанов Р. Ижрочилик санъати тарихи. Ўқув қўлланма. Т.; “Мусиқа”. 2018. – 124 б.

3-мавзу: Вокал санъат педагогикаси муаммолари. Хонанданинг ижро маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар.

Режа:

- 3.1. Вокал санъати педагогикаси муаммолари.
- 3.2. Хонанданинг ижро маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар.
Профессионал ва ҳаваскор ижрочилик
- 3.3. Вокал санъати педагогикасида устоз-шогирд тизими.
- 3.4. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари

***Таянч иборалар:** вокал педагогикаси, профессионал ижрочилик, ҳаваскор ижрочилик, устоз-шогирд тизими, хорижий адабиётлар, санъат, хориж мусиқа мактаблари.*

3.1. Вокал санъати педагогикаси муаммолари.

Баркамол авлодни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёш хонанда ва созандаларни бой маданий меросимиз, асрлар давомидаги анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ёш истеъдодли хонандаларни

кашф этиш, устоз ҳофизларнинг бетакрор ижрочилик услубини улар мисолида янада ривожлантириш мақсадини кўзловчи танловлар ўтказилиб келинмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўзбек мусиқа маданиятининг ривож топишига қаратилган. Маълумки инсон комиллиги ва унинг эстетик тарбиясида мусиқа, кўшиқ, хусусан вокал санъатининг аҳамияти катта.

Мазкур санъат асарлари инсонни эзгуликка, ватанпарварликка, дўстлик ва қардошликка чорлайди. Бир гуруҳ хорижлик мутахассислар мусиқа, хусусан, вокал асарларидан нафақат эстетик тарбия воситаси сифатида, балки инсон руҳияти билан ишлашда ва ёш даврлар психологиясининг ўзига хослигини нормаллаштиришда асосий омил сифатида фойдаланишган. Жумладан, америкалик тадқиқотчи К. Dunphy бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар кексалар орасида депрессиянинг олдини олиш ва даволашда самарадорликка эришиш мақсадида вокал асарларидан фойдаланишган.

Миллий вокал санъати бугунги кунда ривожланиб, оламга донг таратмоқда. Атоқли композиторларимиздан Мутаваккил Бурҳонов, Икром Акбаров, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Дони Зокиров, Шариф Рамазанов, Энмарк Солиҳов кабиларнинг яратган ўлмас асарлар ва уларни юксак маҳорат ила ижро этган бетакрор хонандалар – жаҳон халқлари кўшиқларини булбулона куйловчи Халқ артисти Тамара хоним, бетакрор овоз эгаси ва ижро устаси Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров, Назира Ахмедова, Саодат Қабулованинг узоқ йиллик самарали изланишлари туфайли вокал санъатининг миллий шакли вужудга келди. Бунда композиторлик ижоди ва Европача куйлаш услублари миллий оҳанг ва анъанавий хонандалик йўллари билан табиатан пайваста бўлди.

Мазкур шарафли анъанани баркамол ва изланувчан ижодлари билан давом эттираётган кейинги авлод композиторлари Дилором Омонуллаева, Надим Норхўжаев, Алишер Икромов, Алишер Расулов, Дони Илёмов ва куйлашнинг янги-янги қирраларини кашф этаётган хонандаларимиз Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Кумуш Раззоқова, Севара Назархон ва бошқаларнинг ижодий изланишлари натижасида айтиш мумкинки, ҳозирда вокал ижрочилигимизнинг миллий мактаби шаклланиб, кун сайин янада ривожланиб бораётгани яққол сезилмоқда. Шу билан биргаликда Ўзбекистон таълим тизимида вокал санъатини ўқитишнинг ўзига хос методикаси яратилди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида “Вокал” фани 5111000 – Касб таълими ((5151600– Халқ ижодиёти (вокал ижрочилиги) ва –

Халқ ижодиёти (вокал жамоаларига раҳбарлик) таълим йўналишлари бўйича ўтиладиган асосий фанлардан биридир.

Ушбу йўналишлар бўйича таълим олаётган талабаларга Вокал фани мусиқий қобилиятни янада ривожлантириш ва куйлаш маҳорати санъати кўникмаларини ўргатишга асосланади. Келгусида сахна билан боғлиқ барча қонун-қоидалар: овозни тўғри қўйилиши, нафас, эркинлик, куйлаш аппарати гигиенаси билан танишиш, вокал техникасининг барча турлари ҳар бир ижрочи талаба учун зарур.

Талабаларнинг овоз имкониятларини нафақат вокал ҳамда бадий жиҳатдан ривожлантириш, уларга куйлаш техникасини ўргатиш ишлари билан органик тарзда қўшиб олиб борилади. Шунингдек, вокал малакаларини эгаллаш, вокал педагогикасининг тизимлилик, изчиллик, оддийдан мураккабга, яқка ёндошиш каби қатор дидактик принципларига асосланади. Вокал фанининг асосий мақсади: вокал санъати воситасида бўлажак актёр ёки хонанданинг эстетик ва бадий дидларини тарбиялаш, уларни овоз қўйиш малакалари билан қуроллантириш, бадий ижрочилик маҳоратини ўстириш, уларни ўзбек ва жаҳон композиторларининг яратган нодир асарлари билан таништириш, профессионал услубда куйлаш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – ватанпарварлик руҳда тарбияланган ва ўзининг юқори савияси, ахлоқий комиллиги билан замонавий талабларга жавоб берувчи малакали хонанда ва актёрларни етиштиришдан иборатдир.

Вокал ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр – яқка ижронинг назарий асослари ва хусусиятларини, товуш ҳосил қилиш ва оҳангдошлик, асар матнини тўғри талаффуз этиш, дикция, асар мазмунига мос бадий-мусиқий ижро, ритмни ҳис этиш, хонандаликда динамика, асар талқинида фразировка, ўз ижросини созанда-жўрнавоз билан уйғунлаштириш, концерт ижрочилиги репертуаридан ахлоқий-маънавий ҳамда ватанпарварлик тарбиясида фойдаланиш, академик ва анъанавий бастакорлар ижоди, халқ кўшиқлари, академик ва анъанавий ижрочиликдаги классик ва ҳудудий услублар, катта ашула, мавригилар, опералардан ариялар, классик композиторларнинг асарларини куйлаш, ўзбек мусиқий асарларини босқичмабосқич ўргатиш, ўзбек кўшиқчилиги маданиятида пайдо бўлган замонавий ижро усулларини ўзлаштириш, Ўзбекистон ҳамда жаҳон композиторлари томонидан ёзилган мусиқий драма ва комедия жанридаги хил репертуардан фойдаланиш, вокал нафас йўллариини ўзлаштириш, оҳангдор товуш ташкил қилиш услубларининг спектакллардан ария, романс ва бошқа вокал намуналарини олиб, бой, хилма-

асосий белгиларини эгаллаш ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим. Фанни ўзлаштириш натижасида кўшиқларнинг таснифини, таниқли хонандаларнинг репертуарини, овоз созлаш машқларини, овоз тарбиясини, баланд ва паст овозда куйлашни, маҳаллий ижро услубларини, ўз овозини чолғуга мослаштиришни, миллий қочирим ва нолаларни ижро этишни, репертуар танлашни, концертларга тайёрланишни, ижрони бошқалар ижросига уйғунлаштиришни, жўровозликда куйлашни билиши ва улардан фойдалана олиши керак.

Вокал фанини ўқитиш жараёнида амалий ва яқка машғулотларни ташкил этиш бўйича қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

- ижрочилик ҳолатини ўзлаштириш;
- нафас олиш ва нафас чиқариш услубларини ўзлаштириш;
- ёқимли ва майин товуш ҳосил қилиш;
- сўзлар ва бўғинларни аниқ ва равон талаффуз этиш;
- товуш йўналиши бобидаги санъат малакаларини ўзлаштириш
- кўшиқнинг табиати ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда бўлимларга ажратиб ўрганиш;
- кўшиқ куйини алоҳида, гармониясини алоҳида ўрганиш;
- кўшиқни бир бутун мусиқий асар сифатида ўрганиш ва ўзлаштириш.

Шунингдек, вокал ижрочилиги тарихи, вокал ва ўзбек миллий мумтоз меросидан ўрин олган асарлар билан бир қаторда бастакор ҳамда композиторлар яратган асарлар, кўшиқ айтиш жараёнида гавдани тик ҳолда тутиш, ҳатто ўтириб ижро қилгандаги ҳолатлар, тўғри нафас олиш, уни тўғри сарфлаш усуллари, ижродаги нафас олиш билан жисмоний нафас олишнинг фарқи ҳам чуқур ўргатилиши керак.

Кўшиқ айтиш давомида артикуляция аппаратининг аҳамияти нечоғли катта эканлиги маълум. Шу сабабли унинг эркин ишлатилиши, унли ва ундош товушларнинг тўғри талаффуз этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Фанни ўзлаштириш жараёнида мустақил ишларни ташкил этиш ҳам аҳамиятли бўлиб, бу жараён талабанинг ўқув машғулотини давомида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Мустақил таълим мазмуни шундан иборатки, талабалар ўзлари танлаган касблари бўйича чоп этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, мутахассис ва машҳур хонандаларнинг илмий мақолаларини ва тажрибаларини ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқ. Талаба ўргана бошлаган кўшиғининг муаллифи, ижодий фаолияти, унинг ўзига хос жиҳатлари ва ўзбек миллий мусиқа маданиятида тутган ўрни ҳақида ўқиб, билиб олиши зарур.

Сўнгра қўшиқнинг сўзлари, унинг мазмунини англаб етмоғи лозим. Кейинчалик қўшиқнинг аввал куйини, сўнгра гармонияси ва фортепиано партиясини ўрганиши керак. Шундагина талаба қўшиқнинг табиати, мазмуни ва характерини идрок этиши мумкин бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина, билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади. Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш фан ўқитувчиси ва олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талабалар мустақил иши – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир. Ўқишнинг бошланғич босқичларида мустақил ишни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ.

Айниқса, биринчи курс талабалари таълимнинг навбатдаги тури – олий таълим талабларига кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб, тартибга солиш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди. Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади.

Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши

ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб, ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Фанинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадilar, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар. Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади.

Талабалар мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг яқка ижрочилик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги иш шаклларида фойдаланишлари тавсия этилади:

–вокал фани бўйича билимларини кенгайтириш, ижро йўлларини мукамал ўрганиш;

– вокал ижрочилигига оид манбаларни тўплаш ва уларни ижро қилишга эришиш;

– яқка ижрочилик кўникмасини мустаҳкамлаш бўйича иш олиб бориш;

– ҳудудий мусиқий услублар бўйича асарларни жанрлар асосида тўплаш;

– вазн асослари, нота ва шеър матни устида иш олиб бориш.

Талабалар мустақил ишини такомиллаштириш ва самарали ташкил этишда қуйидаги усулларга таяниш лозим:

– тизимли ёндошиш;

–барча босқичларни мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;

–қатъий назорат ўрнатиш;

–ташкил этиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

Талабалар мустақил ишини баҳолаш амалдаги **“Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги Низом”**га асосан олиб борилади.

Вокал санъати ашула айтиш билан чегараланмай, хонандаларга мусиқий таълим бериш ва тарбиялашнинг оммавий тури эканлиги бугунги кунда барчага аёндыр.

Улар орасида куйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиздир:

– Вокал санъати мусиқа ижрочилигининг бир мунча қулай тури. Бу қулайлик инсонга табиат томонидан инъом этилган ва доим ривожланишда бўлган овоз “табиий чолғу” билан боғлиқ.

– Қўшиқчилик кўникмасини тарбиялашнинг ўзи айна пайтда, инсон туйғусини ва ҳис-ҳаяжонини тарбиялашдир. Зотан, қўшиқчилик истеъдоди ўзининг чуқур эмоционал асосига эгадир.

– Маълумки, вокал санъати сўз билан боғлиқ, бу ўз навбатида вокал асарларининг бир мунча аниқ тушуниш учун замин яратади. Асарнинг мазмуни эса шеърӣ матн ва мусиқавий ифода воситасида очиб берилади. Мусиқавий ифода унинг ғоявий эмоционал аҳамиятини оширишда муҳим омилга айланади.

– Хорда ашула айтиш жараёнида жамоа характери кўрсатиб ўтиш жуда муҳим. Хор санъатининг ўзига хос хусусияти, ўзбек халқ педагогикасининг жамоани ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек муҳим тамойилларига, айниқса, яқин. Мусиқанинг эмоционал (ҳис-ҳаяжон) руҳи эса инсонпарварлик ва маънавий-тарбиявий жараёнига катта таъсирчанлик бахш этади.

– Хорда куйлаш мусиқавий нутққа эга бўлишга, хор иштирокчиларининг мусиқавий қобилиятларини янада аниқ ва чуқурроқ намоён этишга ёрдам беради

“Вокал” фанини лойиҳалаштиришда куйидаги асосий концептуал ёндошувлардан фойдаланилади:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштираётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимининг куйидаги белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим:

- жараённинг мантиқийлиги;
- унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги;
- яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашнинг мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш. Янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, муз ёрар, диалогик ёндошув, ўзи-ўзини назорат, лойиҳалаш ва ҳ.к. усуллари, амалий ишлар.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари. Диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив, гуруҳ ва якка.

Ўқитиш воситалари. Ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуа) билан бир қаторда компьютер ва ахборот технологиялари.

Бошқариш усуллари ва воситалари. Ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш. Ўқув машғулотида ҳам, бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида ижодий дастур ёрдамида талабаларнинг билимлари баҳоланади.

Шунингдек, замонавий санъат таълимида “Вокал” фани ўқитувчиси қуйидаги фазилатларга, қолаверса, мажбуриятларга эга бўлиши лозим:

- энг аввало, шахс сифатида шаклланганлиги;
- сиёсий етуклиги;
- юксак маънавият, одоб-ахлоқ, эстетика қонуниятлари билан қуролланмоғи ва бу борада талабаларга ўрнак бўлиши;
- ўз соҳасини чуқур ўзлаштирганлиги;
- ўз устида мунтазам ишлаши;
- дарс машғулотларини аниқ ва содда, равон ва мазмунли олиб бориши;

– дарс жараёнида танланган асарнинг тарихи, ижрочилари, ижродаги ўзига хослик кабиларни тўлақонли тушунтириб ва кўрсатиб бериш қобилиятига эга бўлиши;

– талабаларни бўлажак мутахассисларнинг касбий мослашуви учун зарурий шарт-шароитлар яратиши; мустақил равишда таълимни давом эттиришга йўналтириш, мустақил фикрларга ўргатиш;

– ҳар бир талабанинг индивидуал маҳоратини инобатга олиб, уларнинг қизиқиши ва иштиёқларини ривожлантиш учун шарт-шароитлар яратиш;

– мустақил равишда вокал асарларини таҳлил қила олиши, бу борада мустақил тақриз ёза олиши;

– мунтазам равишда матбуот ва интернет хабарлари билан танишиб бориши;

– ахборот технологиялари ва бирор хорижий тилни мукамал билиши лозим.

Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Ҳар бир таълим соҳасида ўқитиш жараёнида ўқитувчилар умум-дидактик ва махсус муסיқа педагогикасига оид принципларга асосланади. Вокал педагогикасида ҳам шундай асосий принциплар мавжуд:

Таълимда тадрижийлик ва мунтазамлик принципи. Бу умумпедагогик принцип бўлиб, у таълим жараёнида соддадан-мураккабга асосланади. Дастлабки машғулотларда овозни диапазоннинг ўрта қисмида, яъни бемалол олиндиған ноталардан бошлаб ривожлантириш керак. Диапазонни кенгайтириш аста-секин олиб борилади. Вокал машқларни оддий, осон, кичик диапазонда, куйчан ва қулайлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Репертуар танлашда, руҳий кечинмада ҳам (лирик асарлардан драматик асарларга ўтишда) тадрижийлик зарур. Талабалар билан машғулотларда овознинг сифати, товланиши, тебраниши, жарангдорлигини назарда тутиш керак. Энг муҳими - овознинг зўриқишига йўл қўймаслик лозим.

Муסיқий-бадий ва вокал техник ривожланиш принципларининг бирлиги. Вокал-техник кўникмаларни шакллантириш – ўқитувчининг асосий вазифасидир. Сабаби овозини бошқара олмайдиған хонанда композитор асарларидаги ғояни ёритиб бера олмайди. Шу билан бирга чиройли профессионал овозга эга бўлған хонанда ифода, драматик ҳиссиётларсиз ижро билан бадий мақсадга эриша олмаслиги ва тингловчиларни ўзига жалб қила

олмаслиги аниқ. Хонандани қоида бўйича тарбиялаш учун бир вақтнинг ўзида икки муаммони ҳал қилиш талаб қилинади: ижро этиш апаратини қуриш, яъни хонанданинг профессионал овозини ҳосил қилиш ва қуйлаш малакасини шакллантириш лозим. Бу икки масала бир вақтда бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак. Ҳар қандай, ҳаттоки энг содда кўникмани ҳам элементар ижро вазифаси билан боғлаш зарур. «Аввал овозни ривожлантириш, ана шундан сўнг ижро маҳоратини эгаллаш керак» деб ўйлаган хонанда катта хатога йўл қўяди. Бусиз актёр-хонандани тарбиялаш мумкин эмас. Шу туфайли бу икки масалага энг биринчи қадамдан бошлаб эътибор берилиши зарур. Ижро этилаётган асар осон бўлмаса ҳам, ўқувчига техник вазифаларни бериш билан бирга, албатта унинг олдига ижрочилик мақсадларини қўйиш лозим. Албатта, дастлабки машқларда ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчининг эътибори кўпроқ вокал-техник кўникмаларни ривожлантиришига қаратилган бўлади, кейинчалик эса талабанинг ижрочилик, ифодалилиқ, актёрлик сифатларини тарбиялаш муаммолари биринчи ўринга ўтади.

Ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашув принципи. Хонанда бу –ўзига хос мусикий асбоб. Ҳаммаси жуда алоҳидалиқни талаб қилади. Ўзгарувсиз (догматик) кўрсатмалар вокал педогогикасига зарар етказди. Ҳар бир ўқувчининг имконият даражаси ўзига хос бўлади, чунки унинг овози кучи ва чидамлилиги шахсий характерига ва жисмоний тузилишига боғлиқ. Айниқса, унинг руҳий хусусиятларини билиш ва уларга аҳамият бериш керак. Ўқувчи ҳар томонлама бетакрор – унинг овоз хусусиятлари (тембри, диапазони, кучи, чидамлилиги, жарангдорлиги ва бошқалар), овоз апаратининг физиологик тузилиши, психологик хусусиятлари (характер, темперамент, ирода, хотира, диққат, тафаккур, идрок ва бошқалар) турличадир. Шу сабабли дарсларни юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда ўтказиш зарур. Бир ҳил машқ берилса ҳам ҳар бир ўқувчи олдида ушбу машқ ижросида айнан унинг овозига тегишли вазифа қўйилади.

Ўз-ўзини мунтазам равишда мукаммаллаштириш тамойили. Талабанинг мустақил равишда ишлаши ниҳоятда муҳим. Агар ўқувчи ўз устида мустақил шуғулланмаса, педагог машғулотлар давомида бераётган билимларининг унча фойдаси бўлмайди. Хонанда – ижодкор. Ўқишни тугаллаганидан кейин ҳам у фақат бутун ижодий умри давомида изланиши, янгиликка интилиши, мунтазам фидокорона меҳнат қилиши билан маҳорат чўққисига кўтарилиши мумкин. Таълимнинг сўнгги жараёнларида талабанинг мустақил тайёрланишига катта аҳамият берилади ва бунинг учун ўқув режаларида алоҳида соатлар ажратилади. Хозирги замонда инфомацион

технологиялар кескин ривожланмоқда ва хонанда улардан албатта фойдаланиш керак.

Принцип бу – асосий ғоя, яъни бирон фаолиятда асосланадиган умумий қоида, низомлар. Ҳар бир ўқитувчи ушбу принципларга таянган ҳолда ўз услуби яратади. **Услуб** деганида ғояни тадқиқ қиладиган, ўрганадиган йўллар, яъни аниқ вазифани ечиш учун ҳаракатлар тизими бўлиб, ўқувчи турли кўникмаларни ўзлаштириши учун ўқитувчи ва ўқувчининг бирлашган фаолияти.

Вокал педагогикасида қуйидаги услублар мавжуд:

Чолғули услуб. Бу услубдан кўпроқ XVI-XVIII асрларда фойдаланганлар. Овозни сошлаш машқлари худди скрипка ёки фортепиано мактабларида каби фойдаланилган. Биринчи машқданок бутун диапазонда энг паст нотадан энг баланд нотагача овоз устида иш олиб борилган.

Эмпирик (амалиётга асосланган) услуб. Ушбу услуб қадимги итальян мактабида кенг тарқалган. XVI-XVIII асрларда вокал педагоглари албатта, маҳоратли хонанда бўлишлари шарт эди. Уларнинг асосий шиори «Мен куйлаганимдек куйла», бўлган. Лекин шу услубдан ҳалигача баъзи ўқитувчилар фойдаланади. Одатда бундай ҳолатларда ўқитувчилар чиқарилаётган овозга ҳеч қандай изоҳ бермасдан ўқувчидан фақат ўзи айтганидек қайтаришни сўрайди.

Концентрик услуб. Ушбу услубнинг асосчиси – XIX аср буюк рус композитори, вокал ўқитувчиси ва хонанда Михаил Глинка ҳисобланади. У айтганидек, овозни қулай ва чиройли куйланадиган ноталардан бошлаб диапазонни тепа ва пастга ривожлантириш керак.

Примар (қулай) тон услуби. Бу услубнинг асосчиси XIX аср немис педагоги Фридрих Шмитт. Унинг фикрича примар (биринчи, энг қулай) тон диапазоннинг ўрта қисмида жойлашган. Тўғри шаклланган овоз диапазоннинг бемалол кенгайишига олиб боради. Шу нуқтаи назардан примар тон услуби концентрик услубга ўхшаб кетади.

Амалда педагогик услублар жуда кўп ва бир-биридан фарқ қилади. Буюк итальян хонандаси Энрико Карузонинг фикрича, «Хонанда қанча кўп бўлса, шунча услуб бўлиши лозим». Ҳар бир ўқитувчи тўртта асосий принципга асосланиб ўз услубидан фойдаланиши мумкин.

3.2. Хонанданинг ижро маҳоратида қўйиладиган асосий талаблар.

Вокал-техник кўникмаларни шакллантириш – ўқитувчининг асосий вазифасидир. Сабаби овозини бошқара олмайдиган хонанда композитор

асарларидаги ғояни ёритиб бера олмайди. Шу билан бирга чиройли профессионал овозга эга бўлган хонанда ифода, драматик ҳиссиётларсиз ижро билан бадий мақсадга эриша олмаслиги ва тингловчиларни ўзига жалб қила олмаслиги аниқ. Хонандани қоида бўйича тарбиялаш учун бир вақтнинг ўзида икки муаммони ҳал қилиш талаб қилинади: ижро этиш апаратини қуриш, яъни хонанданинг профессионал овозини ҳосил қилиш ва куйлаш малакасини шакллантириш лозим. Бу икки масала бир вақтда бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак. Ҳар қандай, ҳаттоки энг содда кўникмани ҳам элементар ижро вазифаси билан боғлаш зарур. «Аввал овозни ривожлантириш, ана шундан сўнг ижро маҳоратини эгаллаш керак» деб ўйлаган хонанда катта хатога йўл қўяди.

Бусиз актёр-хонандани тарбиялаш мумкин эмас. Шу туфайли бу икки масалага энг биринчи қадамдан бошлаб эътибор берилиши зарур. Ижро этилаётган асар осон бўлмаса ҳам, ўқувчига техник вазифаларни бериш билан бирга, албатта унинг олдига ижрочилик мақсадларини қўйиш лозим. Албатта, дастлабки машқларда ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчининг эътибори кўпроқ вокал-техник кўникмаларни ривожлантиришига қаратилган бўлади, кейинчалик эса талабанинг ижрочилик, ифодалилиқ, актёрлик сифатларини тарбиялаш муаммолари биринчи ўринга ўтади.

Хонандалик санъатининг мустақил, бадий ва эстетик шаклланган, кенг тарқалган машҳур жабҳаси сифатида тингловчига бўлган ҳиссий таъсири, туганмас ифода воситалари туфайли умуминсоний маданият тизимида алоҳида ўрин тутади. У шаклланиш жиҳатидан таркибини жамлаш ва такомиллаштириш, товуш ҳосил қилишнинг шакли ва сифатини ривожлантириш тарихи йўлида мисли кўрилмаган даражага кўтарилиб, ҳар тарафлама умумлаштирилган изланиш ва ўрганишга лойиқ катта манбаларга эга бўлди.

Маълумки, овоз устида тинимсиз ишлаш, ижрочилик маҳоратини юксалтиришсиз кутилган бадий натижаларга эришиб бўлмайди. Профессионал ижодкорлик эса: академик хонандалик санъати тарихи, назарияси ва амалиётини билмасдан, ўтган асрлар малакалари ва изланишларини англамай туриб, алоҳида услуб, мактаблар тажрибаси ва хусусиятларини таҳлилисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳар бир янги тарихий босқич хонандалик санъати ривожига ўз талабларини қўйган бўлиб, жамоанинг гуманитар, эстетик дунёқараши, жанр – услуб йўналишлари, шунингдек, иқтидорли композитор ва ижрочилар, муסיқий

дид ва фикр уйғунлиги каби бир қатор белгилар билан бойитилиб, ўз даврининг рухий, ахлоқий мезони сифатида тараққий этган.

Хонандалик тушунчасининг мақсад ва вазифалари, ҳамда бадиий талаблари ўзига хосликни касб этади. Бу тасодиф эмас: инсон овозининг тасвирий ва ифодавий воситалари шунчалик бойки, тинимсиз ўзгариш ва ривожланиш орқали ўзининг чексиз имкониятлари ва бўёқларини намойиш этиб, ҳозирги кунда ҳам бетакрорлик, бадиий-техник маҳорат, умуминсоний ва миллий маданиятга бўлган таъсири, изчиллиги, даврга хос тамойиллари нуқтаи назаридан ўзига нисбатан қизгин қизиқишлар уйғотиб келмоқда.

Олдин қандай куйлашган, ҳозир қандай куйлашади, аввалги талаблардан мерос бўлиб нималар қолган, ҳозирги талаблар қандайдир? Нега қўшиқчи овози ҳаяжонга солади, қувонч ёшларини чақиради, баъзан эса асабга тегади, эътирозларга сабаб бўлади? «Хонандалик мактаби», «чиройли овоз», «эски классик италян, немис, француз, рус мактаблари нимани билдиради? Вокал амалиёти ва педагогикасида нималар ўзгарди, охирги асрларда бу ўзгаришлар нималар билан белгиланади?»

“Санъат” сўзи арабча сўздан олинган бўлиб, “яратиш” деган маънони англатади. Санъат сўзи кўп қиррали сўз бўлиб, кўплаб санъат турларини ўз ичига олади. Масалан, кино, театр, мусиқа, тасвирий ва амалий санъат ва бошқалар. Санъат – бу бирор бир жанр орқали ўзи яратган санъат асарини изҳор қилиш. Санъат инсонни эзгуликка ва ижод қилишга, нафосат оламига етаклайди, улуғлайди, янгидан янги асарлар яратишга ундайди

Бугунги ижроларда сахна маданиятининг етишмаётганлиги кўзга ташланади. Масалан, хонандалик, сахнада ўзини тутиш маданияти ёки созандаларнинг стулда ўтириш маданиятида ҳам камчиликлар (аслида оёқни жуфт ҳолатда тутиш, чап оёқ бироз олдинда, ўнг оёқ бироз орқада, гавдани тўғри тутиш ва ҳ.к.) сезилмоқда.

Санъатга илк бор қадам қўяётган ёш ижрочилар энг аввало санъатни чуқур ўрганмоғи керак. Ҳар бир қўшиқчи ёки созанда энг аввало юқорида айтиб ўтганимиздек, мақом санъатини чуқур эгалламоғи, устоз санъаткорлар ижро намуналарини билмоғи зарур. Бундан ташқари ижро пайтида сахнада турли хил тақинчоқлар (узук, занжир ва ҳ.к.) билан чиқишлар ҳам тингловчи-томошабинларни чалғитади.

Қандай қўшиқ ижро қилинишидан қатъи назар, танланган кийим қўшиққа мос бўлиши керак. Ижро этиладиган сўзларнинг аниқ талаффузига эътибор қаратилиши керак. Бугунги кунда қайси жанрда ижро этилмасин, хонанда ва

созандалар, энг аввало шоирлар, бастакорлар, композиторлар билан ҳамкорликда ижод қилган тақдирдагина юқори натижаларга эришадилар.

Вокал - чолғу, эстрада йўналишида эса, асарнинг мукаммал (профессионал) даражада ижро этилишини таъминлашда чолғу созларининг етарли бўлиши ва ранг-баранглигига эътибор қаратилгандагина ундан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бугунги кунда ижод қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўзбек мумтоз санъатимиз нафақат Ўрта Осиёда, балки чет элларда ҳам ўзининг довруғини таратиб келмоқда. Шундай экан, бугунги кундаги долзарб масалалардан бири – дурдона бўлган ўзбек мумтоз санъатини қандай бўлса, шундайлигича ёш авлодга етказиш, ёш, истеъдодли санъаткорларни кашф қилиш ва уларни санъатга бўлган меҳрларини ошириш ва тарбиялашдан иборат.

Айниқса, устоз-шогирд анъаналарига таянган ҳолда, бугунги кунда устоз санъаткорларнинг ижро йўлларини, улар яратиб қолдирган мумтоз асарларни ва ижро йўлларидаги айрим (қочирим ва нолаларни) ижро услубларини ёш, истеъдодли хонанда ва созандаларга ўргатиш бугунги кундаги устозларнинг ва шу мураккаб ижроларни қандай бўлса, шундайлигича ўзлаштириб, ижро қилиб бориш ёш ижрочилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Зеро, санъат йўлида тинмай изланиб, мумтоз санъатимизни мукаммал даражада эгаллаб бораётган кўплаб истеъдодлар орасидан халқимиз севган санъаткорлар:

Юнус Ражабий, Лутфихон Саримсоқова,
Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева,
Тамарахоним, Коммуна Исмоилова,
Ортиқхўжа Имомхўжаев, Турғун Алиматов,
Фахриддин Содиқов, Ғанижон Тошматов,
Берта Давидова, Саодат Қобулова,
Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов,

Ботир Зокиров, Муяссар Раззоқова ва бошқа кўплаб шу каби санъат усталаридек буюк санъаткорлар етишиб чиқса ажаб эмас.

3.3. Вокал санъати педагогикасида устоз-шогирд тизими.

Муסיқа санъати соҳасидаги муносабатлар, таълим шакллари, турлари, услуб ва воситалари, муסיқа ва унинг тарбиявий аҳамиятга оид таълимотлари, ғоялари ва қарашларидан замонавий талқинда фойдаланиш устоз-шогирд анъаналарини ифода этиш масалалари Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино,

Алишер Навоий каби Шарқ мутаффаққирлари, шунингдек педагог олимлар Д.Кабалевский, Н.Ветлугина, рус мусиқашунос олимлари В.Успенский, Е.Романовская, Э.Глиер, Т.Соломоновалар томонидан ўрганилган.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, ўқитиш ва тарбиялаш мазмунига миллий қадрият ва анъаналарни сингдириш, уларни илғор ғоялар билан бойитишга йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган бебаҳо маънавий мерос, унитилган қадриятларни қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий анъана ва қадриятлар қайтадан мустаҳкам қарор топиши натижасида ўқитувчи-устоз фаолияти бўлажак юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда нафақат фан асослари юзасидан билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда, балки аудиториядан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, уларнинг иқтидори, қизиқиши ва интилишларини инобатга олган ҳолда илмийтадқиқот ишларига жалб этишда, уларда юксак маънавиятлиликни шакллантиришда “устоз-шогирд” анъаналаридан фойдаланиш эҳтиёжга айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат юқори малакали муттассис кадрлар тайёрлашда “устозшогирд” тизимининг аҳамияти беқиёсдир. Мазкур тизим асосида замонавий миллий кадрларни етиштиришда устознинг шогирд билан, яқин, самимий, оқилона муносабатларини жонлантиришга қаратилаётган жиддий эътибор диққатга сазовор.

Шунингдек, мазкур тизим бу икки таълим субъектлари орасида нафақат илм-фан маълумотларини ўзаро алмашиш, балки юқоридаги хулоса: қайси фазилат ва сифатлар асосида илмий тадқиқотлар олиб боришга киришиш, олинган билимларни амалиётга қандай тадбиқ этиш, қайси мақсад ва ғоялар амалиётига йўналтириш ва бошқа шу каби маънавий-маърифий тарбия масалалари билан уйғунликда олиб боришни кўзда тутмоқда. Демак, бугунги “устоз-шогирд” муносабатларида устоз – мураббийларнинг ўз издошларига фақатгина билим бериш билан чекланиб қолмаслигига аҳамият қаратилаётгани ўзига хос ва муҳим хусусият сифатида намоён бўлади.

Ҳатто, тизимнинг ташкил этилиши ва уни янада такомиллаштиришга берилаётган эътибор марказида – шогирдларнинг маънавий камолотига ғамхурлик қилтинаятгани алоҳида феномендир. Глобал муносабатлар ривожланиб, турли ахборотлар билан бир қаторда, ранг-баранг ғоя ва қарашлар шиддат билан оммавийлашиб бораётган ҳозирги даврда, ёшлар маънавий

камолотига эътибор бериш ҳар қачонгидан долзарблашиб, “устоз-шогирд” тизими олдига ҳам бир қатор вазифаларни қўйиши табиийдир.

Ҳар қандай юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг чуқур билимга эга бўлиши – маънавий камолот билан уйғунликда олиб боришни тақозо этади. Ёшларда касбий маҳоратни тарбиялаш, уларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, изланиш, ижод қилиш, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришда ўзига хос тарбиявий таъсир кўрсатиш мавжудлиги билан “устоз-шогирд” анъаналари катта аҳамият касб этади.

“Устоз-шогирд” анъаналарининг яна бир характерли жиҳати шундаки, унда шогирднинг ўз имкониятларига ишонч, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда иродавий сифатлари шаклланади, энг асосийси унинг ижтимоий фаоллиги устозлар назоратида бўлади. Устознинг энг буюк бурчи – юрт равнақида ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган, ақл-идрокли, фаҳм-фаросатли ва қобилиятли шогирдлар тайёрлашдан иборат. Устоз яхши шогирд тайёрлаш учун аввало унинг ўзи касбий салоҳиятли, маънавий баркамол, кенг дунёқараш ва соғлом фикрга эга бўлмоғи лозим.

Қадимдан “устоз-шогирд” анъаналарида устоз нафақат шогирдига йўлйўрик, кўрсатма берибгина қолмай, ўз навбатида уларни мустақил фаолиятга тайёрлаган ҳамда ўзидан кейин иш тажрибаси, билим ва маҳоратини авлодданавлодга ўтишига имконият яратган. “Устоз-шогирд” муносабатлари муайян дастур, режа асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Бу борада шогирд билан олиб бориладиган иш шаклларида устоз қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

- шогирдга тарбиявий таъсир кўрсатишда уларни замон талабларига, жамият қонун-қоидаларига мос билимлар билан қуроллантириш;

- ягона мақсад сари интилишга, ишнинг натижасини кўра билишга ўргатиш;

- шогирднинг руҳияти, маънавиятига ижобий таъсир кўрсата олиш ва ўз ўрнида талабчан бўлиш; - ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилишга одатлантириш;

- муваффақиятни кўзлаган ҳолда олға одимлаш;

- ижобий қайтувчан алоқани ўрнатиш;

- тарбияда турли хил усуллардан фойдаланишга эътибор қаратиш;

- тарбия жараёнида устознинг ҳар томонлама: маънавий, ахлоқий, касбий жиҳатдан намуна бўлиши;

- бурч, масъулият, жавобгарлик ҳиссини шакллантириб бориш ва ҳоказо.

Юқори малакали ҳар томонлама етук мутахассис кадрлар тайёрлашга

қаратилган “устоз-шогирд” анъаналарида қуйидаги педагогик тамойиллар муҳим аҳамият касб этади:

- онглилик ва фаоллик, яъни эгаллаётган у ёки бу фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари, моҳиятини онгли тарзда тўлиқ англаб етиш, унинг истиқболи ва равнақида фаоллик билан ҳаракат қилиш;

- таълим-тарбиянинг турмуш, ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлигини инобатга олиш;

- ўқитиш, тарбиялаш мазмуни ва шогирдлик босқичлари изчиллик билан белгилаб қўйилган аниқ мантиқий тартибга эга бўлиши;

- илм-фаннинг сир-асрорларини эгаллашда пухталиқ;

- шогирднинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

- мутақилликка, ижодий изланишга йўналтириб боришда назарий билимларнинг амалиёт билан боғлиқлигини ҳисобга олиш;

Юқорида таъкидланганидек таълим-тарбия тизимида “устоз-шогирд” муносабатларин шакллантириш ва ривожлантириш таълим-тарбиянинг янада самарадорлигини ошишига ёрдам беради, юқори малакали шогирд тайёрлашдан кўзланган самарани беради. Педагогик таълимот ғояларига кўра амалий кўникма ва малакалар бевосита машқлантириш, яъни муайян фаолиятни амалга бевосита бажариш орқали шаклланади.

“Устоз-шогирд” анъанаси эса талаба-ёшларда бевосита ишлаш, уларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш, мавжуд иқтидорларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитни яратиши билан аҳамиятлидир. Бу каби ҳолатлар ёшларни нафақат меҳнат ва ишлаб чиқариш фаолиятига масъулият билан ёндашиш, балки ўзгалар меҳнатини қадрлаш, ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат самарадорлигидан ғурурланиш каби маънавий-ахлоқий сифатларни ҳам тарбиялайди. Фарзанд тарбиясида шарқона, қадимий аجدодлар урф-одатлари, анъаналари, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишда халқимизнинг миллий тарбия тизимидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериш ва бу борада устозлар ўз кучи, ақл-заковотини аямасликлари лозим.

Юқоридаги фикрлардан кўринадик, ҳозирги кенг қамровли демократик ислохотлар муҳитида келажак авлоднинг ватан равнақида ўз ҳиссаларини қўша оладиган юқори малакали кадрлар қилиб тарбиялаш давр талабига айланди. Бу борада таълим-тарбия тизимида “Устоз-шогирд” анъаналари имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

3.4. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари

Вокал санъатида стилистик йўналишлар академик ижрочилик йўлида ҳам шакллانган. Ғарбий Европа, Франция, Немис, Рус, Ўзбекистон вокал санъати ўз тарихига эга.

Ғарбий Европа вокаль санъати тарихи. Ғарбий Европа вокал санъатининг тарихи Италиялик миллий вокал мактаби. Илк опера муаллифлари. XVI-XVIII асрларда Италиядаги флоренциялик, неаполетан, венециан опера ва вокал мактаблари. XV-XX асрларда итальян вокал педагогикаси. А.Скарлатти - *Bel canto* асосчиси. Ж.Вердининг ижоди-миллий опера мактабининг чўққиси. Буюк хонандалар: В.Аркили, Ж.Рубини, Ж.Паста, А.Патти, Ф.Таманьо, М.Каллас, Р.Тебальди, Марио дель Монако ва бошқалар.

Франция вокал санъати тарихи. Француз миллий вокал мактабининг тузилиши ва ривожланиши. Ж.Люлли лирик трагедияларнинг яратувчиси. Операда речитатив ўрни. Х.Глюкнинг опера реформаси. Унинг кўшиқчиларга талаблари. Катта француз операсининг шаклланиши асослари. Ф.Обер, Д.Мейербер-янги жанр яратувчилари. Француз вокал педагогикаси. Француз опера ижрочилари: А.Нурри, Ж.Дюпре, М.Малибран, П.Виардо.

Немис миллий вокал мактаби. Немис опера яратилиши ва унинг ривожланиши. Г.Шютц - биринчи немис опера бастакори. Гамбург операси, Реалистик опера драматургия яратилишида В.Моцарт ижодининг аҳамияти. К.М.Вебер ижодида немис миллий операсининг тасдиқланиши. Немис вокал педагогикасининг асосчиси; педагогика ривожланиши. Немис буюк опера хонандалари: А.Ланге, И. Хофер, И.Шиконедер, А.Годлиб.

Рус вокал санъати тарихи. Рус операсининг яратилиши ва ривожланиши. Миллий опера театри яратилишининг муҳим асослари. М.Глинка-композитор, педагог, ижрочи, рус опера ва вокал мактабларининг илк асосчиси. Глинка операларини сахнага кўйилиши ва рус опера кўшиқчиларини ўсишида уларнинг аҳамияти. О.Петров, А.Воробьёва-Петрова, М.Степанова, С.Гулак-Артемовский-Глинка операларининг илк ижрочилари. Камер-вокал жанрида Даргомижский ижодининг аҳамияти. П.Чайковский ва Могучая кучка бастакорларининг опера ва вокал ижоди. С.Мамонтов режиссёр-новатор ва унинг опера театрининг роли. Петербург ва Москвада консерваториялар очилиши.

Биринчи устозлар: Г.Ниссен-Соломан, И.Прянишников, А.Додонов, У.Мазетти. Рус вокал педагогикасининг ривожланиши. Буюк рус опера

хонандалари: Н.Фигнер, Ф.Шаляпин, Л.Собинов, А.Нежданова, В.Барсова, И.Архипова, Е.Образцова, Т.Милашкина, В.Атлантов ва бошқалар.

Ўзбекистон вокал санъати тарихи. Ўзбек операси ташкил этишининг асослари. Ўзбек опера ва вокал санъатининг ривожланиши. Миллий вокал маъданияти. Шошмақом-миллий профессионал санъати ёдгорлиги. М.Қори-Ёқубов ва Тамара Хоним ижоди. М.Ашрафий ва С.Василенконинг илк «Бўрон» ўзбек операси. К.Зокиров, Х.Насирова, М.Муллажанов, М.Қори-Ёқубов шу операнинг биринчи ижрочилари. А.Навоий номидаги давлат театри қурилиши (1947). Рус ва ўзбек бастакорлари операларининг ўзбек тилида сахнага қўйилиши. Ўзбек опера ижрочиларининг вокал маҳорати тикланишида уларнинг аҳамияти. Ўзбек операси тараққиётида ва унинг пропагандасида С.Юдаковнинг Майсаранинг иши спектаклининг аҳамияти. М.Ашрафий-атоқли бастакор, дирижёр, жамоа арбоби. Ўзбек опера санъатида унинг ижодининг аҳамияти. “Дилором” операси. С.Қобулова, С.Ярашев, К.Зокиров-шу операнинг илк ижрочилари. Самарқандда (1964-1991) опера театрининг мавжудлиги. Ўзбек операси ривожланишида театрнинг аҳамияти. Мустақиллик даври мобайнида М.Бурхоновнинг Алишер Навоий, А.Икромовнинг Буюк Темур, М.Бафоевнинг Ал-Фарғоний ва бошқа операларнинг яратилиши.

Ўзбекистонда жаз мусиқаси. Жаз Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида ҳам бугунги кунда ўз мухлисларига эга. Ўзбек композиторлари ижодида симфожаз услуби пайдо бўлганлигини мусиқашунлс-олимлар кейинги даврларда эътироф этишмоқда. XX аср иккинчи ярмида жаз ва оммавий мусиқа ижобий ва айрим ҳолларда салбий таъсир кучи сифатида ҳам тортишувларга сабаб бўлмоқда. “Оммавий маданият”нинг бир кўриниши сифатида ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири ОАВларида тез-тез эътироф этилмоқда.

Жаз ва Рокнинг ижтимоий ҳаётга таъсири. XX аср АҚШ ижтимоий – кўшиқ фольклорида сиёсий кўшиқ жанри сифатида шаклланиб, XX аср иккинчи ярмида ёшлар ҳаракати ва ижтимоий-норозилик кўшиқлари яратилишига туртки бўлди. XX аср мусиқа маданиятида эстрада мусиқаси, Рок йўналишининг шаклланиши ва ривож асосан профессионал композиторлар ижодида намоён бўлмоқда. Рок мусиқаси услуб ва йўналишларининг тавсифи энциклопедиялар саҳифасидан ҳам ўрин олган.

Ўзбек мусиқа маданиятида оммавий жанрлар. Консерваторияда “Анъанавий ижрочилик” бўлими 1992 йил ташкил қилинди. Композиторларимизнинг оммавий жанрларда яратаётган асарлари “оммавий маданият” намуналарига қарши қўйилиб, ёшларни келакка, порлоқ ҳаётга ишонч руҳида тарбияламоқда. XX аср бошларида, аниқроғи 1920-1930 йилларда ўзбек мусиқа маданиятининг бир йўналиши сифатида ўзбек

қўшиқчилик санъати тез суръатларда ривожланди. 1920-1940 йиллар ўзбек қўшиқчилик санъати, 1940-1950 йиллар ўзбек қўшиқчилик санъати янги-янги ижод намуналари билан алоҳида-алоҳида халқимиз қулоғига сингди. Бунда машҳур Эстрада-симфоник оркестрининг фаолияти катта эътирофга сазовордир. Ботир Зокиров ўзбек эстрада мусиқа мактаби асосчиси сифатида тан олинди. Ўзбек қўшиқчилик санъатида симфोजазга асосланган профессионал асарлар яратилди. 1960-1980 йиллар эстрада хонандалари ижоди янгича ижро услубларига қараб бурилди. Бунда аранжировка санъатининг таъсири катта бўлди. Эстрада қўшиқи ўзбек композиторлари ижодидан муносиб ўрин олди. 1980 йилларда “Ялла” каби вокал-чолғу ансамбллари пайдо бўлди. 1990-2016 йилларда ўзбек эстрада мусиқаси ўзбек эстрада мусиқаси шоу-бизнес тизимида ҳам ўз ширнига эга бўлди.

Ўзбекистонда академик вокал ижрочилиги. Ўзбекистонда академик хонандалик таълими шаклланди, вокал педагогикасининг ривожланиши дунёга машҳур бўлганини катта саҳналарга чиқаётган ёш авлод вакиллари маҳоратида кўриниб турибди, албатта. Ўзбекистоннинг буюк опера хонандалари: М.Қориёқубов, Х.Носирова, Н.Ахмедова, С.Қобулова, С.Ярашев, А.Азимов, Н.Хошимов, Қ.Муҳитдиновлар санъат мактабларини бугунги кунда М.Раззоқова, Н.Султонов, А.Ражабов, Р.Усмонов кабилар давом эттирмоқдалар.

Назорат саволлари

1. Яккахон хонанда учун мўлжалланган камер мусиқий-шеърый асар қайси?
2. Ўзбек операси санъати дарғалари кимлар?
3. Меъёрдаги товуш баландлигидан чекиниш ёки ноаниқ куйлаш қандай номланади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ю.Ражабий. «Ўзбек халқ мусиқаси I, II, III, IV, V». – Т., 1958.
2. Турли муаллифлар. Нота адабиётлари. 1956-2008.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда
3. Раззоқова М.Қ. Академик хонандалик асосларига кириш. – Тошкент: 2014, Шарқ. – Б. 200.
4. Д.Амануллаева. «Эстрада хонандалиги». Магистрлар учун дарслик (қўлёзма). – Т., 2014.

5. Д.Амануллаева. Вокализлар (қўлёзма). – Т., 2014.

4-мавзу: Овоз ҳосил қилиш жараёнининг анатомик ва гигиеник талаблари. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари. Овоз ҳосил қилиш жараёни.

Режа:

4.1. Овоз ҳосил қилиш анатомик ва гигиеник талаблари.

4.2. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари.

Овоз ҳосил қилиш жараёни.

4.3. Вокал санъатининг ўзига хос томонлари.

4.4. Услублар, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши, касб сифатида шаклланиши, созанда ва дирижёр касбига нисбатан қўйиладиган талаблар.

4.5. Вокалист-катта билим ва тажрибага эга ижодкор, ташкилотчи ва бошқарувчи сифатида.

4.6. Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.

***Таянч иборалар:** анатомик ва гигиеник талаблар, овоз постановкаси, артикуляция, дикция, замонавий дирижёрлик, вокал услублари,, вокалист, санъат, овоз постановкалари.*

4.1. Овоз ҳосил қилиш анатомик ва гигиеник талаблари.

Хонандалик фаолияти барча меҳнат каби ишлаш ва ҳордиқ чиқаришда ўзининг меъёрига амал қилишини, уларни вақт бўйича тўғри тақсимлашни талаб этади. Хонанда – бу энг аввало соғлом, руҳияти тетик, асаблари баққуват, мускул фаолияти яхши ва ички аъзолари соғлом инсон. Ишга лаёқатлилигини тиклаш учун 7-8 соатлик уйқу зарур. Тўғри овқатланиш жуда муҳим. Хонанда сўлак пардаларини қитиқловчи ўткир таомлардан қочиши, шунингдек ўта иссиқ ёки ўта совуқ ичимликлар истеъмолидан ўзини тута билиши керак. Тунда тўйиб овқатланмаслиги муҳимдир. Ҳар қандай артист у ўзининг ташқи кўринишига эътибор бериши лозим, негаки у сахна кўринишини ўзида мужассамлаштириши керак. Организмни чиниқтириш катта аҳамият касб этиб, хонанда доимо соғлом, сахнага чиқишга тайёр бўлиши шарт. Шамоллаш каби тез учрайдиган касалликлар хонанданинг иш меъёрини узоқ муддатга бузиб юборади.

Ашула айтишни ўрганаётганлар, ўзини санъатга бахшида этганлар спиртли ичимликлар истеъмоли ва чекишдан сақланиши шарт.

Замонавий хонанда-ўқитувчи катта билим ва тажрибага эга бўлган ижодкор бўлиши керак. Хонанда ҳар куни ашула айтишга тайёр бўлиши керак. Бунинг учун у маълум гигиеник қоидаларга риоя қилиши лозим. Товуш аппаратини толиқишдан асрай билиши, кўп гапирмаслик, ортиқча куйламаслик, юқори ноталарни суистеъмол қилмаслик керак. Ҳеч қачон тайёргарлик кўрмай туриб ашула айтиш керак эмас. Машғулотларни шундай тақсимлаш лозимки, тўхтамасдан ашула айтиш бир соатдан ортмаслиги шарт.

Ашулачилик овозларидаги мавжуд бўлган нуқсонларини бартараф этиш йўллари. Овоз гигиенаси ва хонанда тартиби.

Кўплаб хонандалар овоз тембрида табиатан ёки аввалги ўқиш натижасида йўл қўйган камчиликларга эга. Бир мунча тез учраб турадиган табиий тембрдан қочиш ҳолатига тўхталиб ўтамиз. Бу энг аввало вибратор бузилиши билан боғлиқ камчиликлар бўлиб, у тремоляция, овознинг ўйнаб кетиши ва текис (шуттак) овоздир.

Термоляцияда вибратор жуда тез ва унинг амплитудаси кичкина. Аввало, бу ҳиқилдоқ ишидаги ортиқча зориқишлар билан боғлиқ. Бу зориқишларни енгиш жараёни узок муддатли ва ҳамма вақт ҳам керакли самара бермайди, шунингдек вибратор частотасидаги нурларни бартараф этиш, унинг чуқурлигидаги нуқсонларига нисбатан бир мунча қийин кечади.

Жуда камёб ва чуқур вибратор **овознинг «чайқалиши»**, ўйнаб кетиши билан ажралиб туради. Одатда у хонандаларнинг мускул зориқиши оқибатида ўзларининг табиий тонусини йўқотишига, кексайиб бораётганларда асаб-мускул тизимидаги умумий тонус пасайиши оқибатига олиб келади. Овоз чайқалишининг жадаллашишида – бу йўлдош ҳолат ҳисобланиб, унинг сабаби жадаллашишга яширинган бўлади. Худди мана шу ҳолатга ўқувчи диққатини тортиш керак.

Шуттак сифатли, текис овозда вибратор мавжуд эмас. Унинг сабаби битта – ҳиқилдоқнинг зўриқиши, сиқиклиги. Ўқувчи диққатини табиий жарангдорликни излашга қаратиш керак. Аммо вибратор ишлаб чиқаришга қийинчилик туғдирувчи қаттиқ овозлар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда умуман равонлик устида ва қисман овознинг титраб чиқиши устида ишлаш лозим.

Зўриқиб куйлаш – бу шунчаки қаттиқ айтиш эмас, балки товуш аппаратининг ортиқча фаоллик билан ишлатишдир. Жадал куйлаш натижасида аста-секин тембр ўчирилиб, вибратор бузилиб, товуш қаттиқ тебрана бошлайди. Уни тузатиш жуда қийин кечади. Жадаллашган жарангдорлик зарарини аниқ

тушуниб етгандагина бирор бир натижага эришиш мумкин. Куч ва қаттиқ куйлаш бир хил тушунча эмаслигини тушуниб етмоқ зарур. Зўриқтирилган товуш хонанда томонидан катта куч сарфланганига қарамай тембрни йўқота бориб, сезиларли даражада кам парвозли бўлади. Репертуарни ўзгартириш энг яхши восита ҳисобланиб, бу хонанданинг бир мунча тинч ёки эластиклик ва нафисликни талаб этувчи тез асарларни ижро этишга ўтиши билан боғлиқдир. Ҳис-туйғуни кўзқатувчи, қаттиқ (бақириб) айтишга ундовчи асарларни тавсия этиш таклиф этилмайди. Жадалликка қарши курашишнинг энг яхши воситаси – равлонлик устида ишлаш. У эшитиш аппаратини ортиқча кескинликдан халос этади.

Бурунли товуш ашула айтиш пайтида юмшоқ танглайнинг тушиши ва товушнинг бурун-халқум билан эркин муносабатда бўлишига боғлиқ.

Бундай ҳолларда ўқувчи диққат-эътиборини юмшоқ танглайни кўтартилишга қаратмоғи лозим.

Томоқ, сиқик товуш миллий кадрлар учун жуда характерли, негаки ундан анъанавий ижро услубида куйлашда фойдаланилади. Сиқик товушга ҳиқилдоқнинг нотўғри ишлаши сабаб бўлади, унда товуш бойламларининг жипслашиши жуда кучли ва қаттиқ. Бу билан курашишнинг энг яхши воситаси олдин нафас ҳужуми ҳисобланади, бироқ уни суистеъмол қилиш керак эмас, акс ҳолда у товушнинг соф интонациясини бузиб қўйиши мумкин.

Овоздаги бўғиқлик энг аввало овоз бойламларининг носоғлом ҳолати билан боғлиқ. Бироқ товушдаги бўғиқлик овоз аппарати ишининг мувофиқлаштирилмаганидан, ҳиқилдоқ мускулларининг суст ишлашидан ҳам юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда нафас олишни тўхтатиб туриш, жарангли ва портловчи ундошларнинг қаттиқ ҳужумидан фойдаланиш яхши самара беради. Овозга жаранглилик ва енгиллик берадиган резонатор бурун ҳисобланади. Кроссовер ўзига Рок ва поп жанрларини қамраб олади.

Одатда сохта интонация овоз аппарати иши ва нафас олишнинг мувофиқлаштирилмаганидан келиб чиқади. Ёш хонандаларда интонациянинг бузилиши кўпинча, нафас олишга тўғри ёндоша олмагани оқибатида юзага келади. Кексая бошлаган хонандаларда интонациянинг пасайиши мускуллар умумий ҳолатининг пасайиши билан боғлиқ. Олий таълим муассасаси аттестациясининг моҳияти олий таълимнинг ривожланишини ўрганувчи тадбир.


Куйлашда рўй берадиган кўпгина камчилик нутқдаги нуқсонлар билан боғлиқ. Бундай ҳолларда логопедда даволаниш лозим, негаки нотўғри талаффуз этиш хонандага бадий асарларни юқори даражада ижро этиш имконини бермайди.

Хонандалик фаолияти барча меҳнат каби ишлаш ва ҳордиқ чиқаришда ўзининг меъёрига амал қилишини, уларни вақт бўйича тўғри тақсимлашни талаб этади. Хонанда – бу энг аввало соғлом, руҳияти тетик, асаблари баққуват, мускул фаолияти яхши ва ички аъзолари соғлом инсон. Ишга лаёқатлилигини тиклаш учун 7-8 соатлик уйқу зарур. Тўғри овқатланиш жуда муҳим. Хонанда сўлак пардаларини қитиқловчи ўткир таомлардан қочиши, шунингдек ўта иссиқ ёки ўта совуқ ичимликлар истеъмолидан ўзини тута билиши керак. Тунда тўйиб овқатланмаслиги муҳимдир. Ҳар қандай артист у ўзининг ташқи кўринишига эътибор бериши лозим, негаки у сахна кўринишини ўзида мужассамлаштириши керак. Организмни чиниқтириш катта аҳамият касб этиб, хонанда доимо соғлом, сахнага чиқишга тайёр бўлиши шарт. Шамоллаш каби тез учрайдиган касалликлар хонанданинг иш меъёрини узоқ муддатга бузиб юборади.


Ашула айтишни ўрганаётганлар, ўзини санъатга бахшида этганлар спиртли ичимликлар истеъмоли ва чекишдан сақланиши шарт.

Хонанда ҳар куни ашула айтишга тайёр бўлиши керак. Бунинг учун у маълум гигиеник қоидаларга риоя қилиши лозим. Товуш аппаратини толиқишдан асрай билиши, кўп гапирмаслик, ортиқча куйламаслик, юқори ноталарни суистеъмол қилмаслик керак. Ҳеч қачон тайёргарлик кўрмай туриб ашула айтиш керак эмас. Машғулотларни шундай тақсимлаш лозимки, тўхтамасдан ашула айтиш бир соатдан ортмаслиги шарт.

Овоз ҳосил қилувчи органларга қуйидагилар киради: хиқилдоқ, оғиз ва бурун бўшлиқлари, кекирдак ва ўпка ҳолати.



5-расм. Овоз апаратининг тузилиши:




1 – пешана бўйлиги; 2 – юқори чуқурча (раковина); 3 – ўрта чуқурча (раковина); 4 – остки раковина; 5 – қаттиқ танглай; 6 – юмшоқ танглай; 7 – тил ости суяги; 8 – ҳиқилдоқ қопқоғи; 9 – қалқонсимон тоғай; 10 – ҳақиқий товуш бойламлари; 11 – кекирдак; 12 – асосий бўшлик; 13 – Евстахий трубанинг халқум тешиги; 14 – танглай бодом безлари (миндалинаси); 11, 15 – бўйин умуртқаси; 16 – узуксимон тоғай; 17 – овқат ўтиш йўли.

Ундан ташқари, овоз ҳосил қилишда марказий нерв системаси ҳам қатнашади, у ашулачилик жараёнини бошқаради. Ҳиқилдоқ кекирдак (трахея) ва халқум орасида жойлашган. У уч хил фаолиятини бажаради: нафас олиш, ҳимоя қилиш ва овоз чиқариш. Ҳиқилдоқ тиккасига кесилган ҳолда қум соатга ўхшайди (6-расм).

Ҳиқилдоқ ичидан шилимшиқ парда билан қопланган ва тўрта томоқ тоғайдан иборат: қалқонсимон, иккита чўмичсимон ва узуксимон тоғайлар. Улар ўзаро боғланган ва мушаклар билан таъминланган, томоқ тоғайлари ёшига қараб аста-секин қаттиқлашиб суякка айланиб боради. Бўғизнинг юқори бўлими – устки бойлам бўшлиғи сохта товуш бойламигача чўзилган. Морганлар ошқозони номини олган, икки томонлама чуқурлашган қисм ёлғон товуш бойлаmidан ҳақиқий товуш бойламигача чўзилган.

6-расм. Лорингоскоп ёрдамида кўрилган ҳиқилдоққа кириш ва ҳиқилдоқ бўйлигининг кўриниши: 1 – ҳиқилдоқ қопқоғи; 2 – ҳиқилдоқнинг орқа томони; 3 – ҳақиқий товуш бойламлари; 4 – нафас олиш пайтида кўринадиган кекирдак доирачалари.


Ҳиқилдоқнинг пастки бойлам бўшлиғи бармоқсимон тоғайнинг пастки чеккаларигача етади. Ҳиқилдоқнинг юқоридаги тешиги овал шаклига эга бўлиб «ҳиқилдоққа кириш» номини олган, унинг олдинги қисмида ҳиқилдоқ қопқоғи жойлашган (7-расм). Нафас олинганида ҳиқилдоққа кириш очилади, ютиниш пайтида ҳиқилдоққа кириш энгашиб ҳиқилдоққа киришни ёпади. Овоз ҳосил бўлишда ҳиқилдоққа кириш тораяди, ҳиқилдоқ қопқоғи эса уни устидан бироз беркитиб туради. Ашулачилик овози аъло сифатлари пайдо бўлиши учун бу ҳолат муҳим рол ўйнайди. Қалқонсимон тоғай товуш бойламининг узунлигига боғлиқ бўлиб, эркакларда аёлларникига нисбатан узунроқ, кучли ривожланган.



Бу ҳиқилдоқнинг катталигига таъсир қилади – аёллар ҳиқилдоғининг энг каттаси тахминан эркаклардаги энг кичкина ҳиқилдоқ билан тенг. Ҳиқилдоқ тил

остидаги ҳаракатчан суякка маҳкамлаган ва унга умуртқа олди мускул пардаси билан боғланганлиги сабабли ҳиқилдоқ аста ва фаол ҳаракат қилиши мумкин (8-расм).

Ёлғон товуш бойламлари ашула айтишда қатнашмайди, лекин улар таркибида суюқлик билан таъминлайдиган безлар бўлиб, улар ҳақиқий товуш бойламларини намлаб туради. Ҳақиқий товуш бойламларининг қирғоқлари садаф рангга эга. Товуш бойламларининг ишида икки гуруҳ мускуллари: ички ва ташқи чўзиқ мускуллар товуш ҳосил бўлишида иштирок этади. Мазкур гуруҳдагиларнинг ҳар бири маълум вазифани бажаради. Ички мушаклар кўкрак регистрда товуш бойламларининг узунлигини, йўғонлигини, кенглигини ўзгартиради, товуш бойламларининг оралигини кенгайтиради ва торайтиради.



8-расм. Ҳиқилдоқни ушлаб турадиган ташқи мушаклар:

1 – бир томони билан остки жағга, бошқа томони билан тил остидаги суякка боғланган мушаклар; 2 – юқоридан тил ости суягига ва ҳиқилдоқнинг қалқонсимон тоғайга, пастидан эса кўкрак қафасига боғланган мушаклар; 3 – ёрдамчи нафас мушаги; 4 – юқоридан бош чаноғига, пастидан эса тил ости суягига боғланган мушаклар.

Тинч нафас олинаётганда бойламлар орасида учбурчак шаклидаги тешик очилади – товуш тешиги орқали ҳаво бемалол ўтади. Овоз ҳосил қилишда товуш бойламлари бир-бирига яқинлашиб товуш тешигини беркитади. Ҳиқилдоқ овқат тушиб қолишдан ҳимоя қилиш учун ютинган вақтда томоқ учбурчакли кемирчак пластинка, яъни ҳиқилдоқ қопқоғи билан беркитилади.


Буруннинг таркиби суякли ва кемирчакли скелетдан иборат. Бурун бўшлиғи шилимшиқ пардалар билан қопланган, бир-бирига тенг иккита яримликдан иборат бўлиб, бу жой бурун чиғаноғи дейилади ва уларнинг остидан бир нечта бурун

бўшлиғидаги чиқиш жойлар очилади: пешона, иккита гаймор, панжарасимон бўшлиқлар.

Халқум найсимон оралиқ тушунилиб, юқориси бош миянинг туби билан чегараланади, пасти эса ҳиқилдоқ ва овқат йўлига ўтади. Олдиндан унга оғиз ва бурун бўшлиғи ўтади, натижада учта алоҳида анатомик қисм пайдо бўлади: бурун-халқум бўшлиғи, оғиз-халқум бўшлиғи ва халқумнинг ўзи.

Эснаш юқоридан танглай пардалари билан, пастдан эса икки томонлама танглай дўғачаси орқали тилгача чегараланган. Танглай пардаси шилимшиқ пардалар пластинка билан қопланган ва орқага давом этган қаттиқ танглай ҳисобланади. Кичкина тилча юмшоқ танглай ўртасида жойлашган, у ўзининг шахсий мушакларига эга.

Ҳиқилдоқ нафас йўлига – найча ҳалқали томоқ кемирчакларидан таркиб топган трахеяга давом этган (9-расм). Трахея иккита йирик бронхга бўлинади, у эса ҳамма нарсанинг бўғизигача майдалаб иккита ўпка ҳосил қилади. Кўкрак бўшлиғи қорин бўшлиғидан диафрагма билан ажиратилган. Бу кучли мушак орқасидан умуртқа поғанасигача, олдиндан эса офтоб ўрамаси билан мустаҳкамланган. Диафрагма нафас олинишида қисқаради ва пастга тушади, шунда кўкрак қафасининг ҳажми кўпаяди, нафас чиқарилаётганида эса кўтарилади. Аммо нафас олиш ва нафас чиқаришни онгли равишда назорат қилиш мумкин бўлса ҳам, диафрагма ҳаракатлари бизнинг онгимизга бўйсунмайди.



9-расм. Ўпка, бронхлар, ҳиқилдоқ ва юқори резонаторларнинг тузилиши:
1 – ўпка; 2 – бронх; 3 – бронхиола; 4 – альвеолалар; 5 – тил; 6 – шиқилдоқ; 7 – кекирдак;
8 – кичик тилча; 9 – ҳиқилдоқ қопқоғи

4.2. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари. Овоз ҳосил қилиш жараёни.

Нутқ жараёнида талаффуз органлари: лаб, жағ, тилнинг турлича ҳаракатига артикуляция дейилади.

Артикуляцион машқлар, асосан, талаффуз аъзоларининг фаолиятини фаоллаштириш, кейинги иш жараёни бўлган нутқ товушларининг аниқ талаффузини таъминлашни кўзда тутлади. Шунинг учун бу машқларга эҳтиёж ҳар бир ўқувчи ва ҳаваскор ижрочининг заруриятига айланиши, кўп вақт сарфланмаса ҳам, мунтазам қайтарилиб турилиши лозим.

Товушлар ва сўзларнинг талаффуз этилишига эса дикция дейилади. Аниқ ва равшан талаффуз яхши дикция, ямланиш, ноаниқлик каби салбий хусусиятли талаффуз эса ёмон дикция деб юритилади.

Артикуляцион машқларни бажаришда ҳеч қачон зўрма-зўракилик, кучанишга йўл қўймаслик керак, аксинча, мўътадиллик, эркинликни таъминлаб, машқларни энг оддий, содасидан мураккаблари томон мунтазамликда ўзлаштириш, нутқ органларини чиниқтириш, ўргатиш йўли билан бориш керак. Акс ҳолда машқлар зарар келтириши ҳам мумкин.

Машқларни қўллаш даври, миқдори, услуби ўқувчи ва ҳаваскор-ижрочиларнинг индивидуал имкониятларига боғлиқ. Агар уларнинг нутқида табиий нуқсонлар бўлмаса, машқлардан енгилгина ўтиб кетиш ва машқлар фақатгина талаффузни янада такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Ундошини й ёки л, с ундошини ш шаклида талаффуз этиш ёки тиш орасидан гапириш каби нуқсонлар мавжуд бўлса, уларни бартараф этувчи машқларни то ижобий натижага эришгунча давом эттириш лозим. Бу меҳнат ҳатто йиллар бўйи давом этиши ҳам мумкин.

Нутқ органларининг мўътадил ва нормал талаффузи меъёрини таъминловчи машқлар асосан қуйидагилардан иборат:

Лаб машқлари. Юқори лаб машқи. Юқори лаб бир вақтда икки ёнга ва юқорига тортилади, «табассум» ҳолати пайдо бўлади. Худди шундай активлик билан пастга тортилади ва юқори тишлар усти ёпилади. Машқ бир неча марта қайтарилди ва кун сайин лаб фаолияти оширила боради.

Машқ бажарилиши пайтида имконият борича юз ё бўйин аъзоларидан ҳеч бирининг тиришиб-тортишувига йўл қўймаслик, ҳаммаси эркин ҳолатда бўлишини таъминлаш керак.

Машқ пайтида пастки лаблар пастки тишлар қаторини ёпиб туради, жағ эркин (табиатда оддий юриш чоғидаги каби икки тиш оралиғи сал очик), бошқа органлар имкони боричаюқори лаб ҳаракатидан холи бўлиши лозим.

Бу машқ асосан юқори лабнинг фаолиятини оширишни назарда тутиб п, б, м каби товушларнинг тўғри талаффуз этилишини таъминлайди.

Пастки лаб машқи. Юқоридаги тартиб тўла-тўқис ва айнан пастки лаб воситаси билан бажарилади. Бунда жағнинг қимирламаслигига алоҳида эътибор берилади.

Бирлаштирувчи машқ. 1 ва 2 машқлар яхши ўзлаштирилгач бирлаштирилади (яъни иккаласи навбатма-навбат), бирин-кетин бажарилади. Демак, бунда бир марта юқори лаб, кейин пастки лаб, кейин яна юқори лаб ва шу тартибда (қайтарилади). Умумий манзара тишлар қаторини лаблар воситаси билан навбатма-навбат «артишни» эслатади.

Умумий машқ. Зикр этилган машқлар яхши такомиллаштирилгач, лаблар о товушини талаффуз этаётганидек ҳажмда очилади ва олдинга чўзилади; кейин аста-секин у товушини талаффуз этарли ҳолатгача қисқартирилади, шу ҳолдан тишлар оша оғиз бўшлиғи томон қайтарилади; ундан кейин иккала лаб тишлар қаторини «артган» каби икки томонга (бир вақтда) тортилади ва яна олдинга чўзилиб, бошланғич о шаклини олади. Умумий манзара **и-э-а-о-ў-у-и** товушларини сўзсиз, фақат артикуляция воситаси билан бажараётганга ўхшаб кетади. Машқ аввал аста-секинлик билан, кейинчалик эса тезроқ, бир неча мартаба қайтарилади.

Бу машқни ҳар доим эслаб туриш маслаҳат берилади, чунки бу барча товушлар талаффузини такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Юқори лабни «тараш» машқи. Юқори лаб имконият борича (икки ёнга тортилган ҳолда) тишлар оша ичкарига қайрилади; жағ бир оз олдинга ҳаракат қилиб, пастки тишлар қатори билан юқори лабларни «тарай» бошлайди.

Пастки лабларни «тараш» машқи. Юқори тишлар қатори ҳаракат қобилятидан маҳрум эканлиги туфайли пастки лаб жағ тишлари қатори оша ичкарига қайрилади ва тишлар сиқуви оралиғидан чиқиб «таралади».

Айниқса 2- ва 6-машқлар **ф-в** товушларини тўғри талаффуз этишда муҳим роль ўйнайди. Маълумки, бу товушларни қўллашда, айниқса, ўзбек тилида жуда кўп ўринсиз ўзгариш, редукция ҳодисаси рўй беради.

Тўртинчи ва бешинчи машқлар навбатма-навбат қайтарилади.

Лабларни чўччайтириш машқи. Тишлар қатори бир-бирига зич ёпишган ҳолда, лаблар ўзидан узоқда турган бир нарсани ўпмоқчи бўлгандек олдинга чўзилади, кейин чуқур илжайиш ҳолатида икки ёнга тортилади.

Машқ давомида тишлар кўринмаслиги, лаблар бир-бирига зич ёпишган ҳолда туриши шарт.

Лабларни айлантириш машқи. 7-машқ ҳолатидан лаблар юқорига, пастга, чапга, ўнгга плюс (+) шаклида ҳаракатлантирилади. Машқнинг

такомиллашган иккинчи босқичида лаблар аввал бир томонга, сўнгра қарама-қарши томонга доира шаклида айлантиради. Бунда ҳам албатта лаблардан бошқа талаффуз органларининг машқдан холи туришини таъминлаш лозим.

Б. Тил машқлари. Тилни чиариш ва тортишмаси. Бу машқда тил «тарновча» этилган ҳолда (яъни тилнинг икки чеккаси юқорига кўтарилган бўлиб, оралиғида ариқча - «тарновча» ҳосил бўлади) имконият борича олдинга чўзилади ва юқори милкларни, кейин танглайни силаб ўтиб, томоққа томон чуқур қайрилади. Бу машқда асосан тил остидаги жағ билан боғловчи парданинг фаолияти оширилади ва р, л каби товушларнинг тўғри талаффуз этилишига имконият яратилади.

Лабларни «ялаш» машқи. Тишлар оралиғи бир бармоқ сиғарли даражада очиқ бўлиб, тил учи эркин турган лаблар доирасини аввал бир томон, сўнгра қарама-қарши йўналишда «ялаб» чиқади. Машқда тилдан бошқа барча талаффуз органлари осойишта туриши лозим.

Юзларни туртиш машқи. Тил учи ичкаридан юзларни навбатма-навбат туртиб бўрттиради.

Тилни айлантираш машқи. Лаблар юмук ҳолда, тил учи тишларнинг атрофини аввал бир томонга, сўнгра қарама-қарши йўналишда доира шаклида айланиб чиқади. Машқ овқатланиб бўлгач, тишни тозалаш учун қилинган уринишни эслатади. Ўқувчининг ўзлаштириш ва имкониятига қараб машқнинг суръатини тезлаштириш ва секинлаштириш мумкин.

В. Жағ машқлари. «Эснаш» вазияти машқи. Тил ясси ва эркин бўлиб, уч томондан пастки тишлар қаторига тегиб туради, жағ бир оз пастга томон туширилиб, айни замонда енгилгина нафас олинади; кичик тил бир оз ёйилиб юқорига кўтарилади ва ширин «эснаш» вазияти пайдо бўлади. Аксарият машқлардаги каби бунда ҳам талаффуз органларининг тўла осойишталигини сақлаш ва асосий диққатни ҳаво йўлининг мулойим кенгайишини таъминлашга қаратиш керак. Бу машқ унли товушларнинг тўғри талаффуз этилишини ва тиш орасидан гапириш нуқсонининг олдини олишни таъминлайди.

Жағни олдинга ҳаракат илдириш машқи. Тил олдинги машқдаги каби эркин ва ясси ҳолатда туриб, жағ бир оз пастга туширилади ва олдинга, орқага қараб ҳаракат қилади. Зоҳиран, бўрттирилган ы ва и товушларини машқ қилиш вазиятини эслатади.

Жағни икки ёнга аракат илдириш машқи. Юқоридаги машқ ҳолатида жағ икки ёнга шошилмай бориб келади. Кейин машқни енгиллаштириш ва тезлаштириш мумкин.

«Кавш айтариш» машқи. Аввалги машқлар ҳолатидан жағ ўнгга, пастга, чап ёндан юқорига кўтарилиб доира ясайди ва шу ҳаракат тескари йўналишда ҳам қайтарилади.

Барча жағ машқлари аксарият товушларнинг тўғри талаффуз этилишида кўмаклашув билан бирга тиш орасидан гапириш каби айрим камчиликларни йўқотишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Артикуляция ва дикция машқларини мунтазам қайтаришдан ташқари биринчи босқичда ўқиётган талабаларнинг сонига, уларнинг ҳар бирига хос имкониятларига қараб, тез айтиш, мақол ва топишмоқлардан композицион лавҳалар тузишни ўргатиб бориш керак. Бу эса ўз навбатида талабанинг нутқи равлонлигига, ўйлаш-фикрлашга ва муомала қилишга ўргатади.

4.3. Вокал санъатининг ўзига хос томонлари.

Вокал санъатига ўргатиш - бу ниҳоятда узоқ, оғир жараён, унда тизимлилик бўлиши зарур.

Ҳозирги кўшиқ айтишга ўргатиш мактабларида у икки йўналишда олиб борилади. Биринчи йўналиш бу машқлар ва вокализмлар ёрдамида кўшиқ овозини ҳосил қилиш ва овозшунослик малакаларини эгаллашдир. Иккинчи йўналиш- асарларнинг бадиий моҳиятини у ёки бу даражада ўрганишни назарда тутати, шунингдек талабани вокал адабиётининг бойлиги билан таништирати. 1-йўналиш ишнинг 2-босқичига асосланади.

Яхши пойдеворсиз яхши бино бўлмаганидек яхши вокал мактабисиз яхши кўшиқчи ҳам бўлмайди, у қанчалик иқтидорли бўлмасин бари бир юксак ниятига эриша олмайди.

Аммо бу икки йўналишни уйғунлаштириш бошловчи кўшиқчи вокал малакалари ва машқлардаги тасаввурларни ўзлаштиришга улгурмай қолишдек ҳавф туғилади, асар устида мураккаб иш бошланганда эса талаба ўзини йўқотиб қўяди. Баъзан фақат машқлар ва вокализмлар билан кифояланган маъқул, бу билан талабага эгалланган малакаларини мустаҳкамлаш имконини беради ва шундан сўнг энг содда асарларга ўтиш мумкин.

Бошловчи кўшиқчилар билан фақат машқлар ва вокализмлар устида ишлаш анчайин қийин бўлади, негаки уларда бу иш босқичининг аҳамияти ва муҳимлиги ҳақида ҳам етарлича тасаввур бўлмайди. У дарҳол асарни кўшиқ қилиб айтишга интилиб машқларда зерикиб қолади. Педагогнинг вазифаси талабани қизиқтириш, бу иш мақсадини унинг онгига етказиш, бизнинг мусиқа асбобимиз бўлган овоз аъзосининг муҳимлиги ва зарурлигини тушунтириш лозим бўлади. Бошловчи кўшиқчиларнинг шахсий имкониялари ва

эҳтиёжларини ҳисобга олиб репертуар танлашга эътибор бериш ниҳоятда муҳимдир.

Овоз устида ишлашда овоз аъзолари, умуман танасининг жисмоний ҳолати ва машғулотларининг доимийлиги муҳимдир. Талабани ўз тана аъзоларини “тинглашга” ўргатиш, уни соғломлаштириш учун зарур бўлган тадбирларни қўллашга ургатиш кўникмасини ҳосил қилиш зарур.

Овоз аъзоларидан касбий фойдаланиш гигиенаси ва маданияти бўйича маълумотлар

Овоз аъзолари сурункали касал бўлган кишилар кўшиқчи, педагог, юрист сингари “овоз” касбларини эгалламагани маъқул. Негаки айнан шу ҳолат уларни яхши касб эгаси бўлишларига тўсқинлик қилади. Негаки овоз аъзоларини тез-тез касал бўлиб туриши уларнинг, айниқса ёш педагоглар ва кўшиқчилар имкониятини чеклаб қўяди. Аммо овознинг касбий яроқлилиги нафас овоз аъзоларининг яхши ҳолатига, балки юрак-қон томир, асаб, мушак, нафас тизими, қорин, эшитиш ва кўриш, хотира кабиларининг ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Баъзан овоз аъзолари меъёрда, овознинг ўзида эса муаммо бўлиши мумкин. Бунда овоз аъзоларининг вазифасини бузилиши сабабларини қидириш керак бўлади, сабаб эса кўп бўлиши мумкин. Негаки юқорида санаб ўтилган тизимлар кишилар олдида чиқиш қилаётган одам танаси ишида иштирок этади. Шунинг учун овоз билан боғлиқ касбга тайёрловчи ўқув юртларига талабалар қабул қилишда уларнинг тиббий кўрсаткичларига жиддий эътибор бериш зарур бўлади.

Овозни меъёрда ривожланиши ва ундан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи патологик ўзгаришларга йўл қўймаслик учун фонатор абитуриентларнинг томоқ аъзоларига эътибор бериши лозим бўлади.

Бодомсимон без. Катта бодомсимон безлар юмшоқ тебраткичларнинг айрим қисмлари ҳаракатини қийинлаштиради, бу тўғри талаффузга ҳалақит беради. Беморлашган бодомсимон без томоқ, трахеяни тез-тез оғриб қолишига олиб келади.

Аденоид ўсимталар. Димоғдаги аденоид ўсимталар бурунни доимий битиб қолишига олиб келади, шунингдек суюқлик ажратиш пастки нафас йўллари касалланишига олиб келади, овоз эса пинғиллаб қолади.

Тишлар. Касал тишлар бодомсимон безларни ҳам касаллантиради, ҳалқум шиллиқ пардасига салбий таъсир кўрсатади, бу овозни бузилишига олиб келади.

Эшитиш аъзолари. Яхши эшитиш, соғлом овоз аъзолари- бу овоз билан иш кўрувчи касбларда энг муҳим жиҳат ҳисобланади.

Ички секреция безлари. Улардан чиқадиган гормонлар тана шаклланиши, ўсиши ва ривожланишига таъсир қилади.

Юқоридагиларнинг барчаси айниқса ўсаётган ёш тана учун муҳимдир. Бирор без иши бузилса овоз аъзоларининг анатомик ривожига таъсир қилади, шунинг учун ўсиб келаётган ёшларни доимий кузатиш зарур бўлади. Кўпинча овоз билан боғлиқ касб эгалари соғлом, яхши овозга эга бўлади, аммо овоз гигиенасига риоя қилмай, у ўз овозининг энг яхши хислатларини йўқотади ва ҳақиқий маҳоратни эгаллай олмайди.

Ҳар бир овоз билан иш кўрувчи шахс овоз гигиенаси бўйича энг оддий билимга эга бўлиши керак ва касб, кун тартибига риоя қилиши зарур. Айнан шу нарса касб маданиятининг жиҳатларидан биридир, бунга оддий тиббий билимлар ҳам киради.

Гигиена қоидаларига риоя қилиш ва бошқаларни ҳам бу соҳада маданиятли бўлишга ўргатиш лозим. Юқоридаги маълумотлар овоз ҳосил қилиш ва унинг гигиенаси соҳасидаги нуқсонларни бартараф этиш ва унинг анатомияси ҳақида маълумотлар бериш учун овоз билан боғлиқ мутахассислар тайёрлайдиган ўқув юртлари дастурларига киритиш зарур.

Гигиеник талаблар касб маҳорати дарсларида ва меҳнат фаолиятида албатта эътиборга олиниши зарур, шунда овоз аъзолари юзасидан тиббий ёрдамга муҳтожлик сезилмайди.

Иш чоғида ташқи ва ички таъсир этувчилар бўлади:

Ички таъсирлар:

1. мушаклар фаолияти;
2. асаб тизими фаолияти;
3. нафас аъзолари, юрак иши;
4. эшитиш, кўриш аъзолари иши;
5. хиссий таъсирлар;

Ташқи таъсирлар;

1. Ишчи вазият;
2. ёруғлик;
3. бошқа шовқинлар, товушлар;
4. дарсга кирган бегона шахслар;
5. педагог гаплари.

фақат кўзгатувчиларнинг салбий таъсирини бартараф этиб, машғулот ёки иш учун мақбул шароит яратиб биз ҳар қандай ижодий фаолият учун кутилган натижани олишимиз мумкин. Ниҳоят, касб касаллигини олдини олишга ёрдам берувчи гигиеник қоида ва усуллари, сўнгра кўп тарқалган касалликлар ва

оддий тиббий маълумотлар ҳақида сўз юритиш зарурати вужудга келганлиги сезилиб қолди.

Ҳақиқий касбий овоз ҳосил қилиш учун зарурий шароитлар

1. Руҳий ва ахлоқий шароит. Соғлом, меъёрдаги ижодий иш билан шуғулланиш учун энг аввало меъёрдаги осойишта руҳий муҳит зарур бўлади, бу асаббозликнинг олдини олади. Негаки асаббозлик ҳолатида энг аввало овозга путур етади. Мулоқот маданияти- бу соғликни асрашнинг бош шартидир. Ўқиш ва иш пайтида мажбурий сунъий усулларни қўллаб бўлмайди, тажовуз ва адоватга умуман йўл қўймаслик керак. Мулоқот чоғида табиийлик ва хайрихоҳлик зарур бўлади. Ҳар бир кишига унинг хусусий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим.

2. Устозларнинг физиология ва гигиена соҳаларида етарли билимга эгаллиги. Вокал- мусиқа соҳасида етарли меҳнат қиладиган ҳар бир шахс ҳар қандай овознинг табиати ва хусусияти, унинг физиологик имкониятларини билишга жиддий эътибор бериши керак. Бу педагоглар, дирижёрлар, концертмейстерлар, хормейстерлар ва, айниқса, композиторларга тегишли, негаки кўпинча асарлар овознинг табиий имкониятларини ҳисобга олмай яратилади.

3. Машғулот ва репетициялардаги тизим. Бу ниҳоятда муҳим ҳолатдир, негаки асаб тизими фаолиятининг асосий механизмларининг иши айнан шу тизимга боғлиқдир. Тизим ва машғулот жисмоний етукликни таъминлайди ва кўникмаларни ҳосил қилади. Машғулотлар тизимининг мукамаллиги ҳам ижодий, ҳам жисмоний натижалар беради, касб касалликларини камайтиради, касб маҳоратини мукаммаллаштиради. Нотекис, етарлича бўлмаган машқ овоз аъзоларини чарчаши, чидамсиз бўлиб қолишига олиб келади.

Овоздан самарасиз фойдаланиш овоз ҳосил қилиш аъзоларини касалланишига олиб келади. Талабаларни ўз танасига қулоқ солишига, унинг имкониятларини билишга ўргатиш лозим. Бу ўқув жараёнини жадаллаштиришга, овоз билан боғлиқ аъзоларни асрашга ўргатади. Махсус ўқув юртининг дастури тўлақонли касб маҳоратига эга бўлган мутахассисни тайёрлашдек вазифага йўналтиради. Бунинг учун ишлаб чиқилган амалий машқлардан иборат доимий равишдаги машғулотлар учун тегишли миқдорда дарс соатлари ажратиш лозим бўлади.

4. Касал бўлганда нафақат кўшиқ айтиш, балки репетицияда бўлиш ҳам тавсия этилмайди. Касаллик пайтида танани ва умуман овоз аъзоларини зўриқишдан асраш керак. Акс ҳолда уларни ишдан чиқариб қўйиш мумкин. Овоз аъзоларида рўй бераётган ўзгаришларни дарҳол ўрганиш лозим.

5. Овозни чарчашдан асраш лозим. Агар овоз аъзоларига ортиқча юк тушган бўлса, овоз чиқармасликка интилиб, уларга дам берган маъқул. Бугунги кун ижодий ишнинг кейинги кунлари учун ҳам зарур эканлигини унутмаслик керак.

Чарчаш овозни йўқотиб қўйгунча давом этиши мумкин. Овоз аъзоларига ортиқча юк тушганда овоз жарангдорлигини йўқотиб, оғирлашиб қолади. Овоз аъзоларига дам бериш-энг яхши даво ҳисобланади. Ёш овозларни тарбиялаш ва улардан фойдаланишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур бўлади. Касбий фаолиятда слғликни сақлаш меъёри белгиланади.

Педагог, маърузачи, экскурсиячи кабиларга узлуксиз равишда орада 15 мин. танаффус билан бир кунда тўрт академик соат ишлаш меъёр қилиб белгиланган. Тана аъзоларидан тўғри фойдаланиш уларни касалланишдан асрайди.

6. Рухий ва жисмоний чарчаш зарари. Танловларга шошилиш тайёрланиш чоғида кўпинча касбий касаллик пайдо бўлади. Бу ортиқча жисмоний зўриқиш, асаб тизимига юк тушганда ҳам рўй беради.

Касб гигиенаси кўрсатадики, баъзи ақлий фаолият турларида ҳам кўплаб жисмоний куч сарфланади. Масалан, юир соат фортепиано чалиш, бир соат тоққа чиққандек бўлар экан.

7. Товушни ҳеч қачон кучайтирманг. Овоз борича кўшиқ айтиб бировни ҳайратга солиш шарт эмас.

8. Қийин асарлар ва юқори ноталарда қайта-қайта кўшиқ айтиш ярамайди. Бу фойда келтирмайди, фақат овозни чарчатиб хирқиратиб қўяди. Ўзига хос бўлмаган овозда кўшиқ айтиш овоз ҳосил қилиш тизимини бузилишига олиб келади, зарарли шартли рефлексни ҳосил қилади. Ортиқча баланд овозда куйлаш овозни кўпроқ қаритади.

9. Ўқув юртларида машғулотлар жадвали. Жадвалда овозли ва овоз керак бўлмайдиган машғулотларни ўзаро алмаштириб жойлаштирилиши зарур. Концертлар, имтиҳонлар бўлиб ўтаётган кунларда талабага ўзини жисмоний ва рухий жихатдан ўнглаб олиши учун баъзи дарсларга қисман қатнашмаслигига рухсат бериш мумкин.

10. Тўғри вокал кўникмалари етарли бўлмаса хорда ишлаш ниҳоятда зарарли. Кўпгина тажрибали бўлмаган вокалчиларни хорда иштирок этишига қарши бўлишади.

11. Ҳар қандай вокал ишидан аввал хиргойи овоз киздириш машқи бўлади. Бу шундай эътиборлики, хиргойи нафақат овоз аъзоларини қиздиради, балки бутун танани кўшиқ айтишга руҳан тайёрлайди:

-хиссий соҳани уйғотади;

-ижодий фантазияни қиздиради;

-товуш ҳосил қилишдек мураккаб жараённи йўлга қўяди (аъзолар мушаклари ишини мувофиқлаштиради);

-доимий машғулотларда ишлаб чиқилган шартли рефлексларни мустаҳкамлайди;

-ижодий эътиборни жамлайди. Бу мураккаб жараёнларни эгаллаш касбий фаолиятдаги турли қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради, хусусан қўшиқ айтиш пайтидаги хаяжонни босишга ёрдам беради.

12. Характер сифатлар. Ҳар бир касб кишида интизом, ирода, муқим кайфият, эътибор, ўзига ишонч сингари хислатларни тарбиялаш лозим. Улар ёрдамида кейинчалик фожеага айланиши мумкин бўлган турли сабабларни бартараф этишга ёрдам беради. Яхши касбий тайёргарлик, ижодий жараён ҳақида яхши тасаввур ҳосил бўлгандан кейингина ўзига ва ўз кучига касб жиҳатдан ишонч ҳосил қилади.

13. Доимий овоз сифатини сақлаш. Бу ҳам энг муҳим талаблардан биридир. Анчайин тажрибали ва иқтидорли қўшиқчилар ҳам ўз овози жарангини текшириб туриши керак бўлади. Ҳар бир қўшиқчи ўз шартли рефлекси, овоз ҳосил бўлишига асосланадиган қўшиқчилик малакаларини тиклаб, доимий назорат қилиб бориш фойдалидир. Қўшиқчи ўз овозига ўрганиб қолади, ўзининг баъзи йўқотишларини сезмайди. Бунинг учун “бегона қулоқ” эшитиб баҳо берса маъқул бўлади.

Энг маъқули бундай “эшитиш” ишлари қўшиқчига аввал дарс берган ўқитувчи билан ўтказилса маъқул бўлади. Бу аввалари яхши натижа берган қўшиқчилик малакаларини тез тиклаш имконини беради. Педагогни фақат таълим бошида алмаштириш тавсия этилади. У педагогдан бунисига ўтиб юриш ярамайди. Ҳар қандай педагогнинг талаблари, методлари, терминологияси бир-биридан фарқ қилади, бу ёш қўшиқчида иккиланишларни вужудга келтириш.

14. Чиқиш қилаётганда ўз куч ва вақтини жамлай билиши лозим бўладию Маълумки, омма олдида чиқиш қилиш жуда катта жисмоний ва руҳий кучни талаб қилади. Ҳар бир қўшиқчи ўз имкониятларини, танасини билиши, чиқиш куни ижод учуе ўз кучи ва тетиклигини сақлаб қола олиши лозим. Ортикча ташвишларни бошқа кунга қолдиришни ҳам билиш керак.

Чиқиш олдидан ухлаш мумкинми эканлигини ҳам яхши билиш керак бўлади. Негаки, уйқу баъзиларга жисмоний ва ижодий фаолликни берса, баъзиларни бўшаштириб, овозига ҳам таъсир этади. Ҳар ким ўз чиқиши куни ўзига маъқул шароитни яратиши лозим. Бу кунда ортикча жисмоний иш билан шуғулланиш тавсия этилмайди.

Фаоллаштирувчи ва тинчлантирувчи турли воситаларни истеъмол қилиш қатъиян ман этилади, улар тана фаолиятига салбий таъсир этиши мумкин.

Ҳаёт маромини билиш тавсия этилади. У иш ёки ўқиш жадвалига қараб ишлаб чиқилади. Бу соғлиқ ва уйқуга путур етказмаслик, танани чарчаиб қўймаслик учун зарур бўлади.

Дам олишнинг вазифаси - чарчокни олиш, иш қобилиятини тиклашдан иборат. Инсон ўз ҳаёти давомида меҳнатни дам олиш билан алмаштириб боради. Меҳнат фаолияти ва дам олиш яхши ташкил этилган кишининг юрак фаолияти яхши бўлади. Уйқу асаб тўқималари қувватини тиклаши ва асрашини ёдда тутиш зарур. Ёши катталар 7-8 соат ухлашлари лозим, у осойишта ва тинч бўлиши керак.

Ўзининг меҳнат ва ҳаёт тарзини ташкил этиш нафақат инсоннинг ҳаёт шароити, балки унинг руҳий ҳолати, иродаси, ўз ҳаётини асосий вазифасини хал этишга қарата олишига боғлиқ.

16. Қўшиқчи учун овқатланиш муаммоси ҳам муҳимдир. Шу ўринда ҳамма учун умумий бўлган ўта иссиқ, ўта совуқ, ўта аччиқ таомни ёқтириш билан боғлиқ бўлган муаммо бор, улар томоқ қисмидаги шиллиқ пардаларга салбий таъсир этади. Ҳар қандай озикқа ҳар бир киши ўз имконияти даражасида ёндашиши лозим бўлади, негаки ҳар бир кишининг мижози турлича бўлади. Энг муҳими овқат курилиш материали эканлигини ёдда тутиш зарур, у ҳам тана учун, ҳам овоз учун қувват беради. Негаки, овоз ҳам кўп куч, яхши овқатланишни талаб қилувчи жисмоний жараён ҳисобланади. Овқатланиш тартибига эътибор бермаслик турли касалликларга олиб келиши сир эмас.

Қўшиқ айтишдан аввал ёнғоқ, писта, печенье, ўсимлик ёғи, шokolод, узум емаган маъқул, негаки бу маҳсулотларнинг майда бўлаклари шиллиқ пардаларда тутилиб қолиб овоз аъзоларини аниқ ишлашига халақит беради. Бу озикларнинг майда бўлаклари томоқни қичиши, йўталтириши мумкин, бу эса ишга халақит беради.

Овозга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи инсоннинг ҳаёти ва касб фаолиятига боғлиқ бўлган юқоридаги зарурий шарт ва талабларни ўзлаштириб олиш ва ўз фаолиятига жиддий эътиборда бўлиш зарур. Овозга онгли муносабатда бўлингандагина уни бир умрга сақлаб қолиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари яна бир қатор фойдали тавсияларни бериш мумкин:

Ҳеч қачон қўшиқ айтибоқ ташқарига чикманг, айникса бу совуқ кунларда зарарли. Совуқ пайтида кўчага чиқишдан аввал хона ҳароратидаги сувдан ичиб олишни одат қилинг. Бу ҳалқум деворларини совутиб туради. Тез ўзгарувчан

ҳароратдан сақланинг. Иссиқ овқат еб ичгандан кейин 15-30 минут хонада бўлиб, кейин ташқарига чиқинг.

Совуқ ҳавода гаплашманг, тез-тез нафас олмаслик учун тез юрманг ва югурманг. Совуқотишдан ўзингизни асранг. Музқаймоқ ейиш, елвизакда ўтириш, шамоллаш учун энг осон имкониятдир.

Намгарчилик ва совуқ пайтида пойафзалингизга алоҳида эътибор беринг. Нам пойафзал дарҳол шамоллатади. Агар шамоллаш белгилари пайдо бўлса оёғингизни иссиқ солиб ванна қилинг, спирт билан ишқанг, иссиқ пайпоқ кийинг, иссиқ-иссиқ чой ичинг.

Ҳар бир либос об-ҳавога мос бўлсин. Кийим, пойафзалдан ташқари бош кийими ҳам енгил ва иссиқ бўлиши лозим. Номос бош кийими туфайли невралгия касаллиги келиб чиқиши кўп кузатилган. Ўта оғир ва иссиқ бош кийим самаралироғига алмаштирилса невралгия тезроқ тузалади. Бошни ортиқча иситиб юбориш бошга қон оқимини кучайтириб юборади, бош оғриб қолади, у совуққа чидамсиз бўлиб, касалланишга мойил бўлиб қолади.

Ҳаёт ва фаолият давомида имкон қадар бурун билан нафас олиш тавсия этилади. Бу нафас йўлини чанг ва инфекциядан асрайди, шунингдек ҳалқум, бўғизни маъданли сув билан чайиб уриш фойдали, у шиллиқ пардаларни яхши тозалайди.

Репетиция қилинадиган хона ўта қуруқ, чангли, совуқ бўлмаслиги керак (меъёр +15 даражадан юқорироқ бўлсин).

Чекилган хонада кўшиқ айтиш ярамайди. Кўшиқчи ҳам чекмагани маъқул. Алкогол ва никотин тана ҳолатини яхшиламайди, асаб тизимини ҳам ишдан чиқаради.

Тўқ қоринга нутқ сўзлаш ва кўшиқ айтиш қийин бўлади, негаки тўла ошқозоннинг механик таъсиридан ташқари, овқат хазм қилиш аъзолари қон оқиб келишини талаб қилади. Бу ҳалқумнинг эркин мушаклар фаолиятини сиқиб қўяди. Овқат истеъмол қилгандан сўнг камида бир соатдан сўнг овоз фаолияти билан шуғулланиш мумкин.

Аёллар учун маслаҳатлар. Томоқ ва бошқа аъзолар оғриғи пайтида индамаслик ва уни зўриқтирмаслик. Бунга амал қилмаслик овоз фаолиятини бузилишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Бундай пайтда қон-томир тармоқлари ниҳоятда нозик бўлиб қолади ва қон қуйилишига олиб келади.

Ўта нозиклик ва чиниқмаганлик томоқ оғриғини чақирувчи омиллар ҳисобланади. Овоз билан иш кўрадиган кишилар кўпроқ шамоллашга мойил бўлади. Юқори нафас йўллари кўпроқ шамоллайди. Томоқ оғриғи совқотиш, иш шароити, асабийлашиш ва эҳтиётсизлик оқибатида вужудга келиши

мумкин. Томоқ оғриғининг дастлабки белгилариданоқ ўз-ўзига биринчи ёрдам кўрсатишни билиш лозим. Санъат соҳасида аъзоларни чиниқтириш бўйича билимга эга бўлиш талаб қилинади, бу касалликни анча камайтиришга имкон беради. Қуйида айнан шу масала кўриб чиқилади.

Танани чиниқтириш. Чиниқтириш масаласи ҳаммага таниш. Барча кишилар чиниқиш яхши нарса эканлигини яхши билади, айниқса бу бизнинг шароитимизда жуда зарурдир. Аммо кишилар ҳаётидаги етишмовчилик ва ташвишлар, энг муҳими ҳақиқий жисмоний, овқатланиши, ўз танасига эътибор маданиятининг шаклланмаганлиги кабилар чиниқишига эътибор берилмаётганлиги сабабларидандир.

Чиниқиш доимий бўлиши керак. Агар тана аъзолари совуққа ўргатиб борилса, кейинчалик шамоллашга чидамли бўлиб бораверади.

Саҳна фаолияти жуда мураккаб. Саҳнада чиқиш қилаётган киши танасига ундаги чироқлар, елвизак кабилардан жуда катта асабий-руҳий ва жисмоний, нафас-овоз оғирлиги тушади. Шунини ёдда тутиш керакки, қорин оч пайтида чиниқиш ярамайди ва овқатлангандан сўнг бир соат кейингина чиниқишга киришиш мумкин бўлади.

Кейинчалик ҳаво ваннаси, жисмоний тарбия, совуқ сувда ювиниш, артиниш, уқалаш сингари чиниқиш турларини мувофиқлаштириб юбориш мумкин.

Шамоллаб қолган кишиларга ухлашга ётишдан аввал доимий равишда оёқни ювиш, сочиқ билан артиш ва қизаргунча уқалаш тавсия этилади.

Дастлаб ювинишга киришган пайтда сув ҳаракати этни жунжуктирмайдиган (тахминан +18 даража) бўлиши зарур, сўнгра сув ҳароратини аста-секин тушириб боравериш мумкин. Бундай чиниқиш фақат соғлом ҳолатдагина бошлаш мумкин.

Томоқни чайиш ва ундан кейин уқалаш унинг фаолиятини мустаҳкамлашга имкон берувчи профилактик гигиеник тадбирлардан ҳисобланади. Буни овоз аъзоларидан кўп фойдаланадиган кишиларга тавсия қилиш мумкин. Бу усул аъзоларни чарчашини бартараф этади, уларга қон қуйилишини камайтиради.

Томоқни юрак тамонга қаратиб силаш энг содда уқалаш тури ҳисобланади. Уқалаш енгил босим билан бажарилиши зарур. Томоқ чарчоғини олиш, овоз кучини қайтариш учун беш минутлик уқалаш етарли бўлади. Бўғизни чиниқтириш учун ҳар куни бурунга +18, +20 даража илиқликдаги сув тортиб туриш фойда беради, сув аста-секин совутиб борилади.

Бурун эрталаб чайқалгани маъқул, у йоғлар чинқишига ўхшайди. Буруннинг бир тешиги беркитилади, бошқаси билан кафтдаги сув тартилади,

сув шиллик бўғизни ювиб оғизга тушади. Сўнгра худди шу ҳаракат буруннинг бошқа тешиги билан бажарилади.

Сувни шошмай тортиш зарур, акс ҳолда кескин оғриқ сезиш мумкин. Дастлаб сув оғизга ўтмайди, бунинг учун кўплаб машқ қилиш зарур бўлади.

Бундай процедуранинг натижаси кишининг ақл билан ишлашига боғлиқ. Бурунга тортиш учун ҳар қандай тоза сувни яравермайди. Фақат натижага шошилиш ярамайди, хатто сув оғизга тушмаган чоғда ҳам у шиллик пардани тозалайди, уқалайди, чиниктиради.

Юрак-қон томир ва нафас тизимини мустаҳкамлайдиган гимнастик машқлари ҳам жуда фойда.

Тана ҳолатини мўътадиллаштиришга қаратилган шарқона даволаш машқларининг барча турлари ҳам фойда беради. Кўпчилик лўкиллаб чопишни ёқтиради. Энг мухими ҳар бир инсон ўзига маъқул чиникиш турини топиб олиши зарур.

Чиникиш ҳар бир киши учун ўта хусусийдир, сизнинг танангиз ҳолатини яхши билувчи врач билан маслаҳатлашиб олиш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Овоз аъзолари унчалик чидамли бўлмаган, нутқ ва кўшиқ этаётганда тез чарчайдиганлар учун овоз аъзоларини мустаҳкамлашга қаратилган нафас машқлари тавсия этилади.

Бу машқларни хатто жарроҳлик амалиётидан кейинги даврларда овоз аъзоларини қайта тиклашда даволаш гимнастикаси сифатида фойдаланса ҳам бўлади, улар жуда самаралидир. Албатта бу машқларни сурункали доимий равишда бажариш лозим. Машқлар осойишта ва эътибор билан бажарилади, бунда эътибор машқ пайтида ишлаётган мушакларга қаратилади. Машқларни бажаришдан аввал хона шамоллатилади, сўнгра стулга ўтириб елкадар текисланади, ҳеч нарсага чалғимасдан машқларни бажаришга киришилади.

Нафас машқлари

1. Бурун орқали тез нафас олиш ва чиқариш (6 марта)

2. Тез бурун билан нафас олиб, оғиздан чиқариш (6 марта)

Бу овоз аъзоларини ўзиша ҳос “уқалаш” бўлади.

3. Оғиз билан нафас олиб, бурундан чиқариш (6 марта)

4. Панжа билан беркитиб, тешигидан нафас олиб, бошқасидан чиқариш (6+6 марта)

5. Бурундан нафас олиб лаблар орасидан чиқариш. Нафас чиқарилганда ҳаво лаблар орасидан туртиб чиқарилади. Бу машқ лаблар мушагини ва нафас жадаллигини таъминлайди.

6. Лунжлар шар сингари ишширилади. Ҳаво “лабларни чўччайтириб” кескин чиқарилади. Бу машқ чаккаклар мушакларини ва лаб мушакларини фаоллаштиради ва артикуляцияга катта ёрдам беради.

7. Овозсиз “э” товушини талаффуз қилинг. Бу товушнинг юзароқ ва юқори тишлар илдизида талаффуз қилинг (эснагандек). Машқ қаттиқ ва юмшоқ танглайлар мушакларини фаоллаштиради.

8. Бошни ўнг ва чапга елкага қўллар қаришлигини енгиб эгилади. Кафтлар чаккакларга қўйилади ва ҳаракат қийинлаштирилади. Нафас эркин.

9. Лаблар орасида ҳаво симиралади. Ҳаво ўпка тўлгунга қадар насос билан симирилгандек олинади, сўнгра лаблар орасидан бутун ҳаво қайтариб чиқарилади. Бош айланишидан кўркмаслик керак. Дастлаб машқ 15 секунд бажарилади, сўнгра машқ давомийлиги узайтирилаверилади: 15, 30, 60 секунд ва ҳақозо.

10. Қулай вазиятда “хиргойи” қилинг (30 секунд). Лаблардаги тебранишни хис қилиш учун тишларга яқинлаштирилиб хиргойи қилинг. Лаблар сиқилади, тишлар эса очик бўлади. “Хиргойидан” аввал оғиз очилади, сўнгра фақат лаблар юмилади, чуқур нафас олиб хиргойи қилинади.

11. Хиргойидан кейин бўш томоқ орқали товуш чўзиб талаффуз қилинади. Лаблар ва тишларга яқинлаштирилади. Товуш чуқурлаштирилмайди:

М _____	З _____
Н _____	В _____

12. Иккинчи бўғизга урғу қўйиб худди шундай товуш чўзилади. Иккинчи бўғин аниқроқ талаффуз қилинади.

ма – ма’,	на – на’,	ва – ва’
ма – мо’,	на – но’,	ва – во’
ма – му’,	на – ну’,	ва – ву’
ма – мэ’,	на – нэ’,	ва – вэ’
ма – ми’,	на – ни’,	ва – ви’

Эркин ва қулай талаффуз қилишга интилинг. Ҳар бир жуфтликдан аввал нафас олинг.

13. Ўтиринг ва бир пайтда кескин нафас олиб, “ох, ах” денг. Шошилманг, аста айтинг. Осойишта нафас олинг. Ўтирганда нафасни чиқаринг, турганда нафас олинг.

14. Юзингизни енгил уқаланг. Панжалар билан юқори тишлар илдизини ва яноқларни босиб чиқинг. Бурунни пастдан юқорига ва ён томонларга қараб

уқалалб чиқинг. Уқалашдан кейин эсноқ бўлса, у яхши. Томоқ тўқималари кислород билан яхши таъминланаётган бўлса, у соғломдир, мушаклар фаоллиги эса кислород етказиш беришга хизмат қилади.

4.4. Услуглар, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши, касб сифатида шаклланиши, созанда ва дирижёр касбига нисбатан қўйиладиган талаблар.

Вокал санъати ўзининг бетакрор ифодаси, бой имкониятлари, психологик – ҳиссий таъсири билан ҳозирги кунда ҳам инсонлар қалбидан чуқур ўрин эгалламоқда. Хонандалик санъати фақатгина тарихий илдизга эмас, балки ўзига хос чизгилар, нутқ маданияти, бадий адабиёти, ижрочилик анъаналари, ҳамда куйлашга бўлган иштиёқ ва уни қабул қила олиш каби хусусиятларга эга.

Куйлаш – инсон ички ҳис-туйғуларини тўлиқ очиб, намоён этиб берадиган ягона ифода воситасидир. Кўриниб турибдики, ҳар бир даврнинг, ҳар бир миллатнинг ўзига хос куйлаш (вокал) мактаби ва анъаналари мавжуд.

Бугунги кунга келиб вокал санъати ривожланиб, бадий ижро даражасини шаклланиб улгурганига қарамай, ҳозирда ҳам классик *bel canto* анаъаналарига таянган ҳолда юксалиб келмоқда.

Замонавий опера ижрочиси – фақатгина актёр – хонанда эмас, балки профессионал даражадаги инсон ички туйғуларини намоён этиб бера оладиган, муаллиф ва постановкачилар фикрларига таяниб қолмасдан ўзининг дунёқараши, маданияти билан ўз фаолиятини ёрқин кўрсатиб бера оладиган ижодкор ҳамдир.

Хонандалик санъати тарихини ўрганиш жараёнида бу соҳани нақадар кенг қамровли ва чуқур илдизга эга эканлиги яққол намоён бўлди.

Бу ишни тўлиқ ўрганиб, ёритиб бериш учун келажакда яна ҳам кўпроқ изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

1. Мусиқа таълими ва санъатида илмий тадқиқот йўналишларида илмий-назарий ишларни ташкил этилиши.

Вокал санъатида стилистик йўналишлар кўп асрлар мобайнида, ер юзининг турли қитъаларида босқичма-босқич шаклланиган. Хусусан, Осиё мамлакатларида халқ кўшиқчилиги, Европада черков вокал айтимлари, Африка, Австралия, Америка мамлакатларида куйлаш санъати ўзгача ўзига хослик билан ривож топган.

Ўзбекистон мисолида куйлаш санъати тарихини кузатадиган бўлсак, касбий мусиқа сифатида илк шаклланиш даври - Кушон подшолиги даври

мусиқага оид ашъвий манбаларида ўз аксини топган. Касбий мусиқа намуналарини яратишда халқ мусиқаси муҳим замин ва манба эканлиги олимлар томонидан эътироф этилган. Касбий мусиқанинг оғзаки услубда яшаш анъанаси ва ривож топиши барчага маълум.

Ўн икки мақом ва Шашмақом. Мақомларнинг қадимий тарихи ўзаро фарқли икки йирик даврга ажралган. Биринчи давр - мазмунини мақомларнинг макон-замон нуқтаи назаридан дастлабки куй-оҳанг қатламлари ташкил этган. Мақомларнинг иккинчи муҳим даври - мақом тизимларининг шаклланиш жараёни бўлганлигидир. Айни пайтда уларнинг касбий мусиқа қатламининг маълум босқичи, шунингдек, ривожланган мусиқа илми, фалсафа, математика фанлари ҳамда шахар (сарой) маданий муҳити каби омиллар билан шартланганлиги ҳам асослидир. Аллома Абу Наср Форобийнинг бу борадаги буюк хизматлари унинг мусиқага оид рисолаларида ўз аксини топган. Ўн икки мақом тизими Урмавий ва Шерозийларнинг мусиқа илмига оид асарларида ёритилган. Мароғий,

Жомий, Ҳусайний, Кавкабий ва Чангий каби амалиётчи ва назариётчи олимлар ҳам кўп изланишлар қилишган. Ўн икки мақом мажмуасига мансуб мақомлар, овоза ва шўъбалар бугунги кунгача сақлаб келинмоқда.

Шашмақом туркуми - Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ жеб номланган бўлимлардан иборат. Шашмақом Ўн икки мақом тизимининг миллий (маҳаллий) мусиқий макон шарт-шароитларида ривожлантирилиши натижасида XVIII аср ўрталаида узил-кесил шаклланган. Унда бастакорлик санъати анъаналари илмий жиҳатдан муайян тизимга солиниб, тасниф этилган. Шашмақом – олти мукамал парда ва уларга мос куй ва ашулалар мажмуасидир. Унинг таркибидаги мақомларнинг ҳар бири йирик шаклдаги туркумли асарлардан иборат. Бу мақомлар оғзаки анъана тарзида, яъни устоздан шогирдга “оғзаки услуб” воситасида ўтиб, бизнинг даврга қадар етиб келган. Улар Мушкилот (чолғу) ва Наср (ашула) бўлимларидан иборат.

Наср бўлими. Шашмақомнинг ашула бўлимлари мураккаб шаклдаги шўъбалардан таркиб топган. Ашула бўлимларида тузилиши жиҳатидан бир-биридан ажралиб турувчи икки хил шўъбалар гуруҳининг мавжуд. Булардан биринчисига - Сарахбор, Талқин, Наср каби шўъбалар ва Уфар қисми киради. Шўъбаларнинг мураккаб шаклий тузилмалари мавжуд. Намудлар уларнинг шўъба авжларида келади. Шашмақомнинг II гуруҳ шўъбалари ўзига хосдир. Уларнинг Шашмақом туркумида нисбатан кеч шаклланганлиги ва уларда назирагўйлик анъанасининг ўзига хос акс этган. Савт ва Мўғулча номли шўъбаларнинг етакчилиги ҳамда ҳар бирининг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар номли шохобчаларидан иборат. Ушбу шохобчаларнинг

юзага келишида асосий шўъбаларнинг куй-оҳанглари сақланиб, уларда доира усулларининг ўзгариб боради.

Мақом ижрочилиги анъаналари. Мақом чолғу ва ашула йўлларининг тингловчига тўғри етиб боришида ижрочилик санъатининг аҳамияти катта, албатта. Созанда ва ҳофиз маҳсус малакага эга бўлиши, бунинг учун “устоз-шогирд” мактабида таҳсил кўрган бўлиши лозим. Мақомларни ижро этишда икки чолғу – танбур ва дойранинг ўрни муҳимдир. Мақомларни турли таркибдан иборат ансамбл шаклларида ижро этиш анъанаси мавжуд. Мақомларнинг туркум шаклида ижро этилиши азалдан шаклланган.

Хоразм мақомлари. Хоразм мақомлари Шашмақом шаклидадир. Шашмақом Хоразм шароитига мосланиб, катта ўзгаришларга учраган. Хоразмлик машҳур бастакорлар - Ниёзжон Хўжа, Феруз. Комил Хоразмий, Муҳаммадрасул Мирзо ва бошқалар мақомларга янги чолғу қисмлари басталаганлар. XIX асрда Хоразм мақомларининг Комил Хоразмий ихтиро қилган «Танбур чизиғи» воситасида ёзиб олинган. XX асрнинг 50- ва 80-йилларида Матниёз Юсупов томонидан беш чизиқли нота ёзувларига олиниб, нашр этирилган.

Хоразм мақомларининг “айтим йўллари”. Хоразм мақомларининг ашула бўлими «айтим йўли» дейилади. Ашула бўлимининг тузилиши, таркиби ўзига хос. Шашмақом туркуми билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳам бор. Хоразм мақомларининг машҳур ижрочилари. Хоразм мақомларининг бизга маълум бўлган маҳоратли ижрочилари бир неча авлоддан иборатлиги. XIX аср бошларида Комил Хоразмий, XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларида Комил Хоразмийнинг шогирдлари фаолияти.

Фарғона-Тошкент мақом йўллари. Бу турдаги мақомлар Бухоро ва Хоразм мақомларидан фарқли ўлароқ яхлит бир туркумни ташкил этмай, балки алоҳида-алоҳида чолғу ва ашула йўлларида иборатдир. Хусусан, Баёт, Дугоҳ Хусайн, Чоргоҳ, Гулёр-Шаҳноз, Сегоҳ ва Насруллои кабилар ташкил топган. Фарғона-Тошкент мақом йўллари таркибида бир қисмли намуналардан, беш-етти қисмгача бўлган туркум асарларнинг мавжудлигини эхтироф этиш мумкин.

Фарғона-Тошкент мақом ашула йўллари. Фарғона-Тошкент мақом йўлларида “Фарғона -Тошкент мусиқа услуби”га хос бўлган - ялла, ашула, ва катта ашула жанрларининг хусусиятлари намоён бўлади. Ашула йўллари мумтоз шеърят асосида “ўқилиши” тадқитот қилинган, уларни ижро этганлар таниқли ижрочиларнинг номлари машҳур . Ёввойи мақом. Фарғона- Тошкент мақом йўллари катта ашула йўлига мослаб айтиш амалиёти мавжуд. Ёввойи мақом ибораси “усулсиз мақом” ўрнида ҳам ишлатилади.

Анъанавийлини замонавийлашувчи ҳамда унинг омаллашувидаги салбий холатлар.

Вокал санъатида стилистик йўналишлар академик ижрочилик йўлида ҳам шаклланган. Ғарбий Европа, Франция, Немис, Рус, Ўзбекистон вокал санъати ўз тарихига эга.

Ғарбий Европа вокаль санъати тарихи. Ғарбий Европа вокал санъатининг тарихи Италиялик миллий вокал мактаби. Илк опера муаллифлари. XVI-XVIII асрларда Италиядаги флоренциялик, неаполетан, венециан опера ва вокал мактаблари. XV-XX асрларда италян вокал педагогикаси. А.Скарлатти - *Bel canto* асосчиси. Ж.Вердининг ижоди-миллий опера мактабининг чўққиси. Буюк хонандалар: В.Аркили, Ж.Рубини, Ж.Паста, А.Патти, Ф.Таманьо, М.Каллас, Р.Тебальди, Марио дель Монако ва бошқалар.

Франция вокал санъати тарихи. Француз миллий вокал мактабининг тузилиши ва ривожланиши. Ж.Люлли лирик трагедияларнинг яратувчиси. Операда речитатив ўрни. Х.Глюкнинг опера реформаси. Унинг кўшиқчиларга талаблари. Катта француз операсининг шаклланиши асослари. Ф.Обер, Д.Мейербер-янги жанр яратувчилари. Француз вокал педагогикаси. Француз опера ижрочилари: А.Нурри, Ж.Дюпре, М.Малибран, П.Виардо.

Немис миллий вокал мактаби. Немис опера яратилиши ва унинг ривожланиши. Г.Шютц - биринчи немис опера бастакори. Гамбург операси, Реалистик опера драматургия яратилишида В.Моцарт ижодининг аҳамияти. К.М.Вебер ижодида немис миллий операсининг тасдиқланиши. Немис вокал педагогикасининг асосчиси; педагогика ривожланиши. Немис буюк опера хонандалари: А.Ланге, И. Хофер, И.Шиконедер, А.Годлиб.

Рус вокал санъати тарихи. Рус операсининг яратилиши ва ривожланиши. Миллий опера театри яратилишининг муҳим асослари. М.Глинка-композитор, педагог, ижрочи, рус опера ва вокал мактабларининг илк асосчиси. Глинка операларини сахнага қўйилиши ва рус опера кўшиқчиларини ўсишида уларнинг аҳамияти. О.Петров, А.Воробьева-Петрова, М.Степанова, С.Гулак-Артемовский-Глинка операларининг илк ижрочилари. Камер-вокал жанрида Даргомижский ижодининг аҳамияти. П.Чайковский ва Могучая кучка бастакорларининг опера ва вокал ижоди. С.Мамонтов режиссёр-новатор ва унинг опера театрининг роли. Петербург ва Москвада консерваториялар очилиши. Биринчи устозлар: Г.Ниссен-Соломан, И.Прянишников, А.Додонов, У.Мазетти. Рус вокал педагогикасининг ривожланиши. Буюк рус опера хонандалари: Н.Фигнер, Ф.Шаляпин, Л.Собинов, А.Нежданова, В.Барсова, И.Архипова, Е.Образцова, Т.Милашкина, В.Атлантов ва бошқалар.

Ўзбекистон вокал санъати тарихи. Ўзбек операси ташкил этишининг асослари. Ўзбек опера ва вокал санъатининг ривожланиши. Миллий вокал маъданияти. Шошмақом-миллий профессионал санъати ёдгорлиги. М.Қори-Ёқубов ва Тамара Хоним ижоди. М.Ашрафий ва С.Василенконинг илк «Бўрон» ўзбек операси. К.Зокиров, Х.Насирова, М.Муллажанов, М.Қори-Ёқубов шу операнинг биринчи ижрочилари. А.Навоий номидаги давлат театри қурилиши (1947). Рус ва ўзбек бастакорлари операларининг ўзбек тилида сахнага қўйилиши. Ўзбек опера ижрочиларининг вокал маҳорати тикланишида уларнинг аҳамияти. Ўзбек операси тараққиётида ва унинг пропагандасида С.Юдаковнинг Майсаранинг иши спектаклининг аҳамияти. М.Ашрафий-атоқли бастакор, дирижёр, жамоа арбоби. Ўзбек опера санъатида унинг ижодининг аҳамияти. “Дилором” операси. С.Қобулова, С.Ярашев, К.Зокиров-шу операнинг илк ижрочилари. Самарқандда (1964-1991) опера театрининг мавжудлиги. Ўзбек операси ривожланишида театрнинг аҳамияти. Мустақиллик даври мобайнида М.Бурхоновнинг Алишер Навоий, А.Икромовнинг Буюк Темур, М.Бафоевнинг Ал-Фарғоний ва бошқа операларнинг яратилиши.

Вокал санъатида стилистик йўналишлар эстрада-жаз ижрочилик йўлида ҳам шаклланган. “Жаз” ва “эстрада” атамасига доир тушунчалар ҳозирги даврда барча маълум. Ғарбий, Марказий, Жанубий Африка халқлари мусиқа маданияти, Африка хабашлари меҳнат ва маросим мусиқаси, XVI- XVIII асрлар Шимолий ва Жанубий Америка мусиқа маданияти, XIX аср АҚШ архаик (қадимий) ижодиёти асосида жаз услуби шаклланди.

Жаз мусиқасининг фольклор асослари. Жаз мусиқасининг фольклор асосланган. Мумтоз (классик) жаз мусиқаси ривожининг асосий тамойиллари ва услублари мавжуд. Янги Орлеан жаз услуби, Чикаго жаз услуби. Свинг жаз услуби эндиликда ҳаммага маълум.

Жаз намоёндалари. Мумтоз (классик) жаз мусиқасининг ҳам таниқли намояндалари етишиб чиқди. Замонавий (модерн) жаз мусиқаси услуб ва йўналишлари ҳам шаклланди. Модерн жаз мусиқаси таниқли намояндалари номлари эндиликда мусиқа тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбек анъанавий ашула ижрочилиги. Ўзбек анъанавий ашула ижрочилигида уч хил усул мавжуд. Бинниги, гуллиги, ишками атамаларининг маънолари ва таърифлари шу хил куйлаш усуллари билан белгилади. Бинниги ва гуллиги усулида айтадиган ижрочилар, ишками услубида ижро этадиган ашулачилар номлари элу юртга таниш. Ишканининг ханақойи гумбазли тури ва унинг таърифи тадқиқотлар объекти бўлган.

Машҳур хонандаларнинг қисқача ижодий фаолияти. XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган Ота Жалол Носир ўғли 1845-1928 йилларда

ижодий фаолият олиб борган. Унга Устози Куллий деб ном берилган. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов 1852-1936 йилларда яшаб ижод қилиб, хонанда, созанда, бастакор сифатида машҳур бўлган. У хонандаликни асосан дутор жўрлигида амалга оширган. Мулла Тўйчи Тошмухамедов 1868- 1943 йилларда яшаб, Фарғона-Тошкент йўлларининг машҳур ижрочиси ҳисобланган. Курбонниёз Авазматов 1868-1961 йилларда, Абдулла Файзуллаев 1869-1944 йилларда, Леви Бобохонов 1873-1926 йилларда ўз ижодий фаолиятини олиб борганлар ва санъатимиз ривожига беқиёс хизмат қилганлар.

Янги давр мақом ижрочилиги анъаналари. Бугунги кунда Ўзбекистонда мақомотнинг уч тури – Бухоро мақомлари, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига доир ижрочилик анъаналарининг маданий меросимиздан бирдай ўрин эгаллаган. Ю.Ражабий ва Ф.Содиқовларнинг бадиий анъаналари ижодий давом эттирилаяпти. Хоразм мақомларига хос кўхна бадиий анъаналар Хоразм вилоятининг Ҳожихон Болтаев номидаги мақом ансамбли томонидан қайта тикланмоқда. Шунингдек, Фарғона-Тошкент мақом ижро йўлларига доир анъаналар ансамбллар фаолиятида давом эттирилмоқда. Мақом ижрочиларининг Республика танловлари ноёб мусиқий маданий меросимиз кейинги авлодларга ўтиб боришига катта туртки бўлмоқда.

Жазнинг жаҳон маданиятидаги ўрни. Жаз - жаҳон мусиқа маданияти кесимида алоҳида ўринга эга катта аҳамиёт касб этмоқда. Россияда жаз мусиқасининг шаклланиш босқичлари кузатилди ва XX аср иккинчи ярмида эстрада – жаз мусиқаси юксакларга кўтарилди.

Ўзбекистонда жаз мусиқаси. Жаз Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида ҳам бугунги кунда ўз мухлисларига эга. Ўзбек композиторлари ижодида симфожаз услуби пайдо бўлганлигини мусиқашунлис-олимлар кейинги даврларда эътироф этишмоқда. XX аср иккинчи ярмида жаз ва оммавий мусиқа ижобий ва айрим ҳолларда салбий таъсир кучи сифатида ҳам тортишувларга сабаб бўлмоқда. “Оммавий маданият”нинг бир кўриниши сифатида ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири ОАВларида тез-тез эътироф этилмоқда.

Жаз ва Рокнинг ижтимоий ҳаётга таъсири. XX аср АҚШ ижтимоий – кўшиқ фольклорида сиёсий кўшиқ жанри сифатида шаклланиб, XX аср иккинчи ярмида ёшлар ҳаракати ва ижтимоий-норозилик кўшиқлари яратилишига туртки бўлди. XX аср мусиқа маданиятида эстрада мусиқаси, Рок йўналишининг шаклланиши ва ривож асосан профессионал композиторлар ижодида намоён бўлмоқда. Рок мусиқаси услуб ва йўналишларининг тавсифи энциклопедиялар саҳифасидан ҳам ўрин олган.

Ўзбек мусиқа маданиятида оммавий жанрлар. Композиторларимизнинг оммавий жанрларда яратаётган асарлари “оммавий

маданият” намуналарига қарши қўйилиб, ёшларни келакка, порлоқ ҳаётга ишонч руҳида тарбияламоқда. XX аср бошларида, аниқроғи 1920-1930 йилларда ўзбек мусиқа маданиятининг бир йўнилиши сифатида ўзбек кўшиқчилилик санъати тез суръатларда ривожланди. 1920-1940 йиллар ўзбек кўшиқчилилик санъати, 1940-1950 йиллар ўзбек кўшиқчилилик санъати янги-янги ижод намуналари билан алоҳида-алоҳида халқимиз қулоғига сингди. Бунда машҳур Эстрада-симфоник оркестрининг фаолияти катта эътирофга сазовордир. Ботир Зокиров ўзбек эстрада мусиқа мактаби асосчиси сифатида тан олинди. Ўзбек кўшиқчилилик санъатида симфожазга асосланган профессионал асарлар яратилди. 1960-1980 йиллар эстрада хонандалари ижоди янгича ижро услубларига қараб бурилди. Бунда аранжировка санъатининг таъсири катта бўлди. Эстрада кўшиқи ўзбек композиторлари ижодидан муносиб шрин олди. 1980 йилларда “Ялла” каби вокал-чолғу ансамбллари пайдо бўлди. 1990-2016 йилларда ўзбек эстрада мусиқаси ўзбек эстрада мусиқаси шоу-бизнес тизимида ҳам ўз шрнига эга бўлди.

Ўзбекистонда академик вокал ижрочилиги. Ўзбекистонда академик хонандалик таълими шаклланди, вокал педагогикасининг ривожланиши дунёга машҳур бўлганини катта саҳналарга чиқаётган ёш авлод вакиллари маҳоратида кўриниб турибди, албатта. Ўзбекистоннинг буюк опера хонандалари: М.Қори-Ёқубов, Х.Носирова, Н.Ахмедова, С.Қобулова, С.Ярашев, А.Азимов, Н.Хошимов, Қ.Муҳитдиновлар санъат мактабларини бугунги кунда М.Раззоқова, Н.Султонов, А.Ражабов, Р.Усмонов кабилар давом эттирмоқдалар.

4.5. Вокалист-катта билим ва тажрибага эга ижодкор, ташкилотчи ва бошқарувчи сифатида.

Ёшларимизга мусиқа санъати олами ва унинг жозибаси, гўзаллигининг бўйтароватини англашти, мусиқа сирларидан баҳраманд этиш давримизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада Тошкент давлат педагогика университети «Мусиқий таълим» кафедрасида мазкур соҳа бўйича кўплаб ихтисослик фанларидан талабаларга самарали билим, кўникма ва малакалар бериб борилмоқда.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги, аввало, мусиқа назарияси, чолғу ижрочилиги ва албатта хонандалик (вокал ижрочилиги) бўйича билим, малакаларни пухта ўзлаштирганликлари билан баҳоланади. Мусиқа ўқитувчиси қаерда иш олиб бормасин, у аввало, яхши мусиқа тарғиботчиси, созанда, хонанда бўлиши талаб этилади. Дунёнинг ривожланган давлатлари ҳамжамиятидаги эталон, яъни қолип сифатида тан

олинган хонандалик (вокал) ижрочилиги қонун-қоидаларини миллий кўшиқчилик санъатимиз анъаналарини эътиборга олган ҳолда бекаму-кўст ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Хонандалик фаолиятида талабаларимиз ўзбек халқ кўшиқ ва мумтоз ашулалари, бастакорлар ижоди, композиторлар асарлари, жаҳон халқлари кўшиқчилиги намуналари, опера асарларини куйлаш малакаларини шакллантириб боришлари талаб этилади.

Назарий билимларни ўзлаштириш талабалар учун мураккаб жараёндек туюлади. Аммо талабалар келажакда ўқитувчи сифатида самарали фаолият юритиши учун овоз ҳақида керакли илмий-назарий маълумотларга эга бўлишлари лозим. Фақат шундагина улар амалиётда пайдо бўлган муаммоларга бемалол илмийназарий ечимлар топишлари мумкин бўлади. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси куйлаш малакаларини шакллантириш учун бу малакаларнинг назарий асослари – вокал мусиқа педагогикасининг асосий тамойил ва услублари, овоз ҳосил бўлишининг психологик, физиологик ва акустик асослари, ашулачилик малакалари шаклланишининг асосий йўллари каби жараёнлар ҳақида назарий-амалий билимларга эга бўлишлари ва замонавий илмий-услубий адабиётлар билан яқиндан танишиб олишлари талаб этилади.

Таълим жараёнида умумдидактик ва махсус мусиқа педагогикасининг асосий тамойиллари ва уларнинг мазмун-моҳияти талабаларга сингдирилади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Таълимда тадрижийлик ва мунтазамлик. Ўқитишда соддадан-мураккабга, талабалар ижро диапазонини кенгайтиришда, машқларни мураккаблаштиришда, репертуар танлашда, лирик асарлардан драматик асарларга ўтишда тадрижийлик зарур. Машғулотларда овознинг сифати, товланиши, тебраниши, жарангдорлиги назарда тутилади. Овознинг зўриқишига йўл қўймаслик лозим.

2. Мусиқий-бадий ва вокал техник ривожланиш тамойиллари. Вокал-техник кўникмаларни шакллантириш ўқитувчининг асосий вазифасидир, чунки овозини бошқара олмайдиган талаба асар актёрлик сифатларини тарбиялаш муаммолари биринчи ўринга ўтади.

3. Ҳар бир талабага алоҳида ёндашув тамойили. Ҳар бир талабанинг ижрочилик даражаси ўзига хос бўлади. Унинг овоз кучи, тембри, диапазони, шахсий характери ва жисмоний тузилишига аҳамият бериш керак. Шу сабабли машғулотларни юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда ўтказиш зарур.

4. Ўз-ўзини мунтазам равишда мукаммаллаштириш тамойили.

Талабанинг мустақил равишда ишлаши ниҳоятда муҳим. У ижодий жараёнларда изланиши, янгиликка интилиши, мунтазам фидокорона меҳнат қилиши билан бирга маҳорат чўққисига кўтарилиши мумкин. Таълимнинг сўнгги жараёнларида талабанинг мустақил тайёрланишига катта аҳамият берилади. Хонандалик малакалари вокал педагогикасида қуйидаги услубларда шакллантирилади.

А) Чолғули услуб.

Куйлаш жараёни ёки овоз созлаш машқлари чолғу асбоблари жўрлигида олиб борилади. Бунда фортепиано, скрипка ва бошқа асбоблар назарда тутилади.

Б) Амалиётга асосланган (эмпирик) услуб.

Ушбу услуб қадимги италян мактабида кенг тарқалган. XVI-XVIII асрларда вокал ўқитувчилари маҳоратли хонанда бўлишлари шарт эди. Уларнинг асосий шиори «Мен куйлаганимдек куйла» бўлган.

В) Концентрик услуб.

Бу услуб асосчиси буюк рус композитори Михаил Глинка ҳисобланиб, унинг айтишича, овозни қулай ва чиройли куйланадиган ноталардан бошлаб диапазонни кенгайтириш устида иш олиб борилади.

Г) Примар (қулай) тон услуби. Бу услубнинг асосчиси немис педагоги Ф.Шмиттнинг фикрича, примар (қулай) тон диапазоннинг ўрта қисмида жойлашган. Тўғри шакллантирилган овоз диапазоннинг кенгайишига олиб келади³.

Биз ўз тажрибаларимиздан келиб чиқиб навбатдаги услубларни жорий қилдик.

Бу услуб орқали талабалар куйланиши ноқулай ва мураккаб бўлган жумла ва матнларни «Рананна, рананна», «Лялалля» орқали тез ва қулай куйлаб кетадилар.

2. Таниш оҳанглар услуби (услуб муаллифи Д.Қодиров). Талаба машғулотлар чоғида ўрганилаётган асар ғоясига яқин бўлган муқобил ижроси таниш бўлган асарлар ижроларидан кенг фойдаланиб борилади. Сабаби, бундай кўшиқларни талабалар баралла, авж пардаларидаги мураккабликларга қарамай, иштиёқ билан куйлайдилар, ўқитувчи доимо талабалар билан ишлашда уларнинг вокал-техник кўникмаларини тарбиялашда уларнинг рефлекторлик моҳиятини эътиборга олиши лозим. Бунда қуйидаги асосий хусусиятларни кўриш керак:

Қўзғалиш. Талаба куйлашдан олдин уни ички эшитиш қобилияти ёрдамида тасаввур қилганда бош мия пўстлоғида фонация функцияларини бошқарадиган асаб хужайралари гуруҳлари қўзғалади.

Тормозланиш. Асаб хужайралари фаолиятининг ўзгариши, сустрлашиши жараёнидаги ташқи ва ички ҳолатлар, ижрочилик сезгиларининг ўзига хос хусусиятлари, билиш жараёни, эшитиш, идрок, кузатиш, диққат, хотира, фикрлаш, тасаввур, ҳиссиёт, ирода каби руҳий ҳолатларни бошқариш фаолиятларини шакллантириш устида иш олиб боради.

Тормозланиш жараёни асаб хужайралари фаолиятининг ўзгариши, пасайиши бўлиб, улар иш фаолиятининг тиклаш жараёнини амалга оширади. Рус олими И.П.Павлов тормозланишнинг ташқи ва ички ҳолатларини ажратган. Ашулачиликни ўрганиш амалиётида ташқи тормозланишга дуч келиш вазиятлари учраб туради. Маълумки, имтиҳон, академик концерт ёки бошқа сахна чиқишларида талабалар кўпинча дарсда олган малакаларини тўлиқ намоён эта олмайдилар. Ташқи тормозланишнинг механизми куйидагича: пайдо бўлган қўзғалувчи (комиссия, аудитория) марказий асаб тизимининг маълум бир ҳудудларини қўзғатади, бу эса ўз навбатида ўзаро индукция қонуниятларига кўра талабага салбий таъсир кўрсатади.

Ашула ижро этиш фаолияти – ашулачилик (кейинги ўринларда ашулачилик) мураккаб руҳий-физиологик жараёндир. Вокал-техник ва ижрочилик кўникмаларини онгли равишда ўзлаштириш хонанданинг руҳиятида катта роль ўйнайди ва билим олишда кўп нарсани белгилайди. Одатда инсоннинг ички дунёси уч тоифага бўлинади: билиш, ҳис қилиш ва ирода. Билиш жараёни бир нарсани сезишдан ва бизнинг онгимизда алоҳида хусусиятли ҳодисаларни ҳамда нарсаларни тасаввур этадиган оддий руҳий жараёнлардан бошланади.

Сезги аъзолари ахборотни қабул қилиб олади, саралайди, жамлайди ва мияга етказиб беради. Сезги аъзолари ташқи оламнинг киши онгига кириб келадиган ягона йўлидир. Бирон ибора ёки нотани олганда овоз аппаратининг турли қисмларида (оғиз, кўкрак, ҳалқумда ва хоказо) қандай сезгилар пайдо бўлганини таҳлил қилиб, уларни эслаб қолиб, керак бўлса қайтариб олишни ўрганиш керак. Шундай қилиб кўникмалар ишлаб чиқилади. Овоз аппарати ишлаётганига баҳо бериш ва ушбу ишни бошқариш йўли фақат битта – сезгиларни таҳлил қилишдир. Албатта, сезгилар ривожланмаганда овоз аппарати ҳаракатлари суст бўлади.

Сезги турларининг энг муҳим жиҳатларидан бири – эшитиш. Сезгининг ривожланиши билан бирга эшитиш қобилияти ўсиб боради. Овоз аппарати фақат эшитиш орқали қабул қилинган ҳодисаларнигина узатиши мумкин.

Ашулачилик аппарати билан қулоқ яхлит тизимдир. Овоз аппарати эшитиш орқали нимани қабул этса, айнан ўшани ифодалайди.

Болалиқдан эшитмайдиган киши овоз аппарати соғлом бўлса ҳам гапира олмайди. Қаерда болаларда вокал тасаввурлар тўғри шаклланган бўлса, у ерда яхши хонандалик овози кўпроқ етишиб боради. Нима учун Италиядан кўпдан-кўп ажойиб опера хонандалари чиқади? Чунки у ерда болалиқдан бошлаб вокал мусиқасига қизиқиш катта ва унинг ривожланишига катта аҳамият берилади. Демак, ёш хонандалар овозлари тўғри янграши ҳақида тасаввурга эга бўлишлари учун улар машҳур опера хонандаларининг ёзувларини эшитишлари зарур. Шу билан бирга ёмон ижрони эшитишдан ҳам фойда бор. Эски итальян мактаби машҳур ўқитувчиси П.Този бошқаларнинг хатоларини ўрганиш - «бу арзон турадиган, лекин кўп нарсани ўргатадиган катта мактабдир», деган². Ашулачиликда «вокал эшитиш» тушунчаси мавжуд.

Бу дегани – овоз янграшини нафақат эшита билиш, балки овоз аппаратида содир бўлаётганларни ҳис қилиб, уларни тасаввуркилиш ва амалга оширишдир. Вокал кўникмалари ривожлангани сари хонандада вокал эшитиш қобилияти ҳам аста-секин ривожлана бошлайди. Ашулачида вокал эшитиш қобилияти ривожланмаса, у ҳеч қачон яхши хонанда, айниқса яхши ўқитувчи бўла олмайди. Вокал эшитиш қобилияти – мураккаб мусиқий сезги, у вибрацияли, мушакли, эшитиш, кўриш ва бошқа ҳиссиётларнинг ўзаро таъсирига асосланади. Рус олими В.П.Морозов қуйидаги тажрибани ўтказган³. Хонандалардан катта гуруҳ тузиб, уларнинг ҳар бирининг қулоғига қулоқчин тақиб, у орқали шовқин юборади ва ҳар бир хонандадан биронта асарни айтиб беришни илтимос қилади. Тажиба натижасида хонандалар иккита гуруҳга бўлиндилар.

Биринчи гуруҳдагилар оҳангни бемалол, адашмасдан куйлаб беришди. Бошқалари эса ўзини йўқотиб, куйни айтиб бера олмадилар. Шунга кўра Морозов мушакли сезгиларга асосланганларни «мушаклилар» тури деб номлади, иккинчи гуруҳдаги эшитиш сезгисига таянган хонандаларни эса «эшитиш» тури деб атади. «Мушакли» турга кирувчи хонандалар ҳар қандай акустик ҳолатларда иккиланмай кўшиқ айта оладилар, чунки улар ижро вақтида фақат эшитиш қобилияти орқалигина эмас, балки мушак тўқималари орқали сезиш билан овоз аппарати ҳаракатини бошқарадилар. Шундай қилиб, эшитиш ва мушак тўқималари орқали сезиш қобилияти ривожлаган хонандаларни аъло тоифали хонанда деб ҳисоблаймиз. Овоз аппарати ишини бошқаришда эшитиш ва мушак сезгиларидан ташқари вибрацияли ва кўриш сезгилари ҳам ёрдам беради. Ашула айтиш пайтида кўкрак ва бошнинг юз қисмида резонанция пайдо бўлиши ҳар бир хонандага маълум. Кўкракда пайдо бўлаётган резонанцияни

қўлни кўкракка қўйиб сезиш мумкин. Овоз бош резонатор, «маска»га тушганида бошнинг юз қисмида тебраниш пайдо бўлади, шу пайтда овозни бошқариш ҳаракатлари анчагина енгиллашади. Машғулотлар давомида, айниқса дастлабки дарсларда кўзгу ёрдамида ўз ҳаракатларини кузатишнинг фойдаси катта. Кўзгуга қараганда оғизнинг очилиши, лаблар, тил, жағ, юмшоқ танглай ҳаракатлари ойдин кўринади. Уларнинг ҳаммаси вокал-техник кўникмалар шаклланишига катта ёрдам беради. Турли кўринишдаги машғулотлар жараёнида инсон фаолиятида касбий зехн ва мураккаб сезгилар ривожланади.

Вокал ижрочилигида бундай мураккаб сезгилар қуйидагича:

1. Товуш сезгиси.

2. Таянч сезгиси.

Товуш сезгисидан фойдаланган ҳолда хонанда товушни тиш олди ёки орқага юбориши, уни йиғиб ёки ёйиб, қисиб ёки кенгайтириб олиши мумкин.

Таянч сезгиси – мураккаб сезги. У эшитиш, нафас мушаклари ҳаракати, нафас таянчи, вибрацияли сезгилардан иборат.

Хонанда муваффақиятли ижод қилиши учун унда яхши хотира ривожланган бўлиши шарт.

Хотира – маълумотларни эсга олиш, эсда сақлаш, эсга тушириш билан боғлиқ психик жараёндир. Баъзиларнинг хотираси аъло даражали феноменал равишда бўлиши мумкин. В.А.Моцарт ёшлигидан асарни бир мартаба эшитиб, уни чалиш ва нотага тушира олиш хусусиятига эга бўлган. Баъзиларда эса хотира жуда суст ривожланган бўлади, асарни ёдлаш учун уни кўп мартаба такрорлашлари керак. Хотира кишиларда ривожлантириладиган хусусият. Ёдлаб олишнинг асосий йўли – такрорлаш. Аммо фақат такрорлаш билан мақсадга эриша олмаслик ҳам мумкин. Шунинг учун такрорлаш билан бирга «ёдлаб олиш» мақсадини олдига қўйиш зарур. Ҳеч қандай фаолият тури фикрлашсиз ўтмайди. Баъзида дарс бошланишида бир-иккита машқ берганидан сўнг ўқитувчи талабага: «Бугун сен қуйламаганинг маъқул, овоз аппаратинг жойида эмас, шифокорга боришинг керак» деб айтади. Ўқитувчи шогирдининг овоз аппаратини кўра олмади, лекин унинг қуйлашини таҳлил қилиб шу хулосага келади. Бундай билиш фикрлашга тегишли. Шахс олдида бирорта масала ёки муаммони ечиш вазифаси турганида унда фикрлаш бошланади.

Фикрлашда биз таҳлил қиламиз, умумлаштирамиз, ассоциатив ҳолда ҳодисаларни бирбирига солиштирамиз, айрим ҳоллардан умумий қоида (индукция) ёки умумий ҳоллардан айрим қоидаларни (дедукция) чиқарамиз, унинг сабаб ва натижаларини аниқлаймиз. Юқорида кўрсатилган мисолда ўқитувчи хулоса чиқаришдан олдин бир неча масалани ҳал қилди. Энг аввало,

у талабанинг овоз сифатлари ўзгарганлигини, ёмонлашгани сабабини аниқлади. Овози нима учун чиқмади? Кеча чарчаганиданми, шамоллаганиданми ёки техникаси нотўғри бўлганиданми? Ўйлаб кўриб техникаси тўғри деб хулоса чиқарди. Талабадан «Кеча кўп куйламадингми, чарчамадингми?» деган саволига жавоб олиб овоз чарчамаганлигини аниқлади. Ундан кейин талабанинг ҳолатини кўриб, овоз янграшини эшитиб, ўқитувчи уни шифокорга юборишга қарор қилди.

Албатта, бундай вазифани ечиш учун тажриба ва билимларга эга бўлиши зарур. Ўқитувчи талаба олдида турли вазифаларни қўйиб,

уларни ечиш йўлларини кўрсатиши, овоз хусусиятлари ва сезгиларни бир-бирига солиштириши, уни фикрлашга ўргатиши керак. Ижрочилик фаолияти ижодий тасаввур билан чамбарчас боғлиқдир. Вокал мусиқасида асарнинг матни образ яратишда ёрдам беради. Талабада тасаввур қилишни талаб қилиб, уни ривожлантириш зарур. Ижодий муносабатсиз ижро этишга йўл қўймаслик керак. Тасаввурни адабиёт, тасвирий санъат, тарихни ўрганиш ва ҳис-туйғуларни уйғотиш билан ривожлантириш мумкин.

Талабаларда вокал малакаларини юзага чиқаришда товушнинг акустик тузилиши, хонандалик форманталари¹, яхши эшитиш доирасини шакллантириш, товуш баландлиги, товуш кучи, товуш тембри ижролари устида ишлаш ҳам муҳим омиллардан биридир. Товуш баландлиги – тебранма ҳаракат частотасини субъектив равишда қабул этиш. Ҳавонинг даврий тебраниши қанчалик тез содир бўлса, товуш ҳам шунчалик юқори бўлади. Товушнинг баландлик сифати туғиладиган товуш аппаратининг ягона услуби одам товуш бойламлари ҳисобланади. У туғилгандан кейинги баландликни организмда ўзгартира оладиган бошқа ҳеч қандай механизм йўқ.

Тембр ашулчилик овозининг бир мунча мураккаб сифати саналади. Тембр – товуш таркибидаги обертонларни субъектив қабул этиш. Товуш оҳанглари бошқа мусиқа товушлари каби мураккаб товуш ҳисобланиб, биргина маълум частотали тебраниш (амплитуда)лардан эмас, балки турли-туман частотали ва амплитудаларни ўз ичига олган бир қатор оддий тебраниш обертонларидан ташкил топган. Машғулотларда ўқитувчи томонидан талабаларда вокализация турларини ривожлантириш, овозлар классификацияси, овоздаги нуқсонлар ва уларни енгиш йўллари, овоз гигиена тарбияси устида жиддий услубий, амалий, ташкилий ва тарбиявий жараёнлар устида иш олиб борилмоғи лозим. Бу фаолият машаққатли меҳнат ва фидойиликни талаб этиб, ўқитувчи ва талабалар томонидан пировард натижада хонандалик малакаларини мукамал шакллантира олишларига замин бўлади.

Талабалар билан ишлаш жараёнида унинг имконият ва қобилиятини (ижро маҳорати) тушуниб олиш ўқитувчининг биринчи даражали вазифаларидан ҳисобланади. Машғулотларни ўрта диапазонда, четки ноталарни қамраб олган ҳолда ўтказиш керак бўлади.

Ўтказиладиган дарслар мураккаб бўлмаслиги лозим.

Бугунги кунга келиб товушлар классификацияси атрофлича ўрганиб чиқилган. Кўплаб талабалар овоз тембрида табиатан ёки аввалги ўқиш натижасида кўплаб камчиликларга йўл қўядилар. Биз кўп учраб турадиган табиий тембрдан қочиш ҳолатига тўхталамиз. Бу, энг аввало, вибратор бузилиши билан боғлиқ камчиликлар бўлиб, овознинг ўйнаб кетиши ва текис (шуттак) овоздир. Шуттак сифатли, текис овозда вибратор мавжуд эмас. Унинг сабаби битта - ҳиқилдоқнинг зўриқиши, сиқиклиги. Талабанинг диққатини табиий жарангдорликни излашга қаратиш керак.

Зўриқиб куйлаш – шунчаки қаттиқ айтиш эмас, балки товуш аппаратини ортиқча фаоллик билан ишлатишдир. Жадал куйлаш натижасида аста-секин тембр ўчирилиб, вибратор бузилиб, товуш қаттиқ тебрана бошлайди. Уни тузатиш жуда қийин кечади. Репертуарни ўзгартириш энг яхши восита ҳисобланиб, бу ижрочини бир мунча тинч ёки эластиклик ва нафисликни талаб этувчи бошқа асарларни ижро этишга ўтиш билан боғлиқдир. Бурун товуши ашула айтиш пайтида юмшоқ танглайнинг тушиши ва товушнинг бурун-ҳалқум билан эркин муносабатда бўлишига боғлиқ.

Овоздаги бўғиқлик, энг аввало, овоз бойламларининг носоғлом ҳолати билан боғлиқ.

Куйлашда рўй берадиган кўпгина камчилик нутқдаги нуқсонлар билан боғлиқ. Бундай ҳолларда логопедга мурожаат этиш лозим, негаки нотўғри талаффуз этиш хонандага бадий асарларни юқори даражада ижро этиш имконини бермайди.

Талаба ҳар куни ашула айтишга тайёр бўлиши керак. Бунинг учун у маълум гигиеник қоидаларга риоя қилиши лозим. Товуш аппаратини толиқишдан асрай билиши, кўп гапирмаслик, ортиқча куйламаслик, юқори ноталарни суистеъмол қилмаслик керак. Машғулотларни шундай тақсимлаш лозимки, тўхтамасдан ашула айтиш бир соатдан ошмаслиги шарт. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, талабаларда куйлаш малакаларини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, аввало «Устозшогирд» анъанасида ўқитувчи ва талаба ўртасидаги рухий-ҳиссий ижодий мулоқот ва ҳолатни вужудга келтириш узоқ вақт талаб этиладиган машаққатли меҳнат майдонидир.

4.6. Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.

Дирижёрлик санъати энг ёш ижро тури бўлишига қарамай, унинг илдизлари, бизнинг эрамыздан аввалги XV – X асрларга бориб тақалади. Ўша давр жамоасини тўпланишини ташкил этишда таёқ, кўл, кафт ҳаракати билан уриб усуллар чиқариш, йўлбошчилар чақириғи билан ўрин алмашган. Бу ҳаракатларда, дирижёрликнинг илк белгиларини кузатиш мумкин. Инсонга хос бўлган ҳис-ҳаяжон руҳий ҳолатларни ўша даврда, усуллар асосида ҳаракатланиб, рақсга тушиш билан тасвирланган. Бу ҳаракатларни кўлдаги таёқ ёки ёғочда уриб бошқарганлар. Натижада гуруҳни тезлик ва усул ёрдамида бошқаришга сабаб бўлинган. Шу бошқарув фаолиятини, дирижёрликнинг илк кўриниши деб тушунтирилади. Бундай ижрочиларни бошқаришда, урма шовқинлик товуш чиқариш услубидан фойдаланилган. Бошқарувчи рақс ҳаракати жараёнини назоратга олган.

Дирижёрлик тараққиётининг кейинги босқичи, қадимий Греция, Рим, египет билан боғлиқ. Қадимги Греция сахнасида асосий иштирокчилардан бири хор эди. Хор бошқарувчиси корифей дирижёр вазифасини бажарарди.

У сахнадан туриб, ўлчовнинг кучли ҳиссаларини, контури билан уриб кўрсатарди. Бу даврда, мусиқа асосий ўринга чиқади. Рақс, ҳаракат ҳукмронлиги кўшиқ, куй билан ўрин алмашади.

Секин аста, урма шовқинли бошқарув, кўл ҳаракат имо-ишораси билан ўрин алмашди. Бундай раҳбарлик “хейрономия” (грек. “херг” – кўл, “уотсос” - қонун) деб ном олган. Бу кўл имо-ишора ҳаракатлари бўлиб, дирижёрлик ижро санъатига асос солди.

Хейрономия кўллар ҳаракатига эркинлик берди. Уриб бошчилик қилинганда, фақат пастга ва юқорига бўлган ҳаракат билан чекланилган. Хейрономияда эса, анча эркин (ичкари ва ташқарига) ҳаракатланиш имконияти яратилди.

Ўрта асрларда дирижёрлик санъатининг ривожини, черков ҳаёти билан боғлиқ бўлди. XVI асрга келиб, Франция, Италия, Германияда баттута, черков хорининг бошқарган дирижёрнинг, рамзий мақоми сифатида пайдо бўлди. У, ҳозирги дирижёрлик таёқчаси образини эди. Баттута билан дирижёрлик жуда кўп танқидларга учради. Ижро вақтидаги шовқинли бошқарув, мусиқа садоланишига катта халақит берарди.

Изланишлар натижасида, дирижёрлик тарихида кейинги босқич – Генерал басга ўрин берилди. Генерал баснинг пайдо бўлиши, ансамбль бошқарувини тубдан ўзгартирди. Клависинда ўтирган генерал-бас, ўлчовни тезликни белгилаган ҳолда, бир хил кетма-кетликда, гармоник аккордлар билан ҳиссаларни аниқлаштирган.

Шовқинли бошқарувдан, шовқинсиз бошқарувга ўтиш дирижёрлик ижросидаги юқори эҳтиёж эди. XVI-XIII асрларда генерал-бас оркестр бошқарувида ҳукмронлик қилди. Клависин ёки органчи партитура билан фақат ўз партиясини эмас, балки, оркестрни ўз партияси билан биргаликда бошқариши керак эди. Бундай бошқарувда асосан ансамблни назорат қилиниб бадий талқин ҳақида гап бўлмаган.

Кейинчалик И.С.Бах ижод қилган даврларида, иккиталаб дирижёрлик яъни, клависинчи хор ва солистка, скрипкачи эса, оркестрга бошчилик қила бошлади. Камонни баттута ўрнида ишлатиб, баъзи опера речитативларида, бас йўналишини чалаётган виолончел бошқарарди.

Бир гуруҳга боши билан, бошқасига оёғида ер тепиниб, қолганларига бармоқлар ишораси билан кўплаб бошқарув, ижро ансамблини узилишига олиб келди ва ўз вазифасини оқламади. Чолғуда ижро билан бандлик, ансамбль бошқарувида халақит бера бошлади.

Дирижёрлик ижро санъати мустақил санъат тури бўлиб, тасдиқлангунча узоқ ва мураккаб тарихий жараёни босиб ўтди. XVII аср Италияда дирижёрликнинг назарий асоси, такт чизмаси пайдо бўла бошлади. Такт мусиқада бошқарувнинг асосий тизимига айланди. Дирижёрлар ижодий изланиб, ўлчам бирлигига риоя қилган ҳолда, ҳар бир ҳиссани аниқ кўрсатишни бошладилар.

XVIII аср иккинчи ярмига келиб эса, концертмейстр – жўрнавон оркестрни бошқарди. Чолғучиларга асарнинг бадий томонини тушунтиришга ҳаракат қилаётган скрипкачининг “дирижёрлиги” уларнинг талабини кўпроқ қондирди. Шу йўсинда маъно ва мазмунга эга ижро техникаси ҳаракатлари пайдо бўлди. Баттута теридан қилинган найчага, ёки қоғоз ўрамаларига алмаштириб берилди.

XIX асрда ҳам, дирижёрлик санъати ҳали туғилиш даврини бошидан кечирди. Консерваторияларда дирижёрлик мутахассислиги йўналиши йўқлиги сабабли, қобилиятли ва зеҳли созандалар дирижёрлик пультага чиқишарди. Симфоник мусиқани ривож билан биргаликда концертмейстрлар ўрнини дирижёрга бўшатди. Дирижёрлик қилувчи ижродан озод бўлди. Бу ўзгаришлар дирижёрлик санъати ривожини йўлидаги энг асосий ютуқлардан бири эди.

европада К.М.Вебер ва И.Мозел симфоник оркестр ижроси ривожига катта ҳисса қўшиш билан биргаликда, биринчилардан бўлиб, классик дирижёрлик мактабини асосчиларига айланишди.

Кейинчалик Венада бўлиб ўтган мусиқий фестивалда И.Мозел (1812 й.) К.М.Вебер (1817 й. Дрезден), Л.Шпор (1817 й. Франкфурт. На Майне) амалиётда таёқча қўладилар. Янгилик жуда танқид ва таҳлилларга юз тутди.

Шунга қарамай, мақсадга мувофиқлиги сабабли таёқча дирижёрнинг асосий белгисига айланган.

XVIII асрда композиторлар ўз асарларига дирижёрлик қилган бўлсалар, кейинчалик гастролларда бошқа композитор асарларига муурожаат қилаётганларини кўп учратиш мумкин бўлди.

Йилдан йилга чолғуларда ижро имконияти ривожланади. Оркестр таркиби кенгайди. Мусиқада фақат такт уриш билан чегараланмай, балки, ифода воситаларини, ҳаракатлар орқали тушунтириш йўллари изланди. Дирижёрнинг оркестр билан узвий алоқаси талаб этилди. Изланишлар натижаси, дирижёрларнинг оркестрга қараб юзма-юз туриб мулоқот қилишига олиб келди. Биринчи бўлиб оркестр билан Р.Вагнер, Г.Берлио ва Ф.Менделсонлар тўлиқ ижодий мулоқотни бошлаб беришди. Дирижёрлик ижро санъатида катта бурилиш юз берди. Бу бурилиш оркестр ва дирижёр алоқасида катта имкониятлар яратди. Асарда характер, штрих, фраза йўналишини қўл ҳаракатлари орқали тасвирлаш жуда қулай бўлди. Чамбарчас мулоқотга эришилди. Изланишлар натижасида, ҳозирги дирижёрлик ҳолатига асос солинди.

Тарихни яхши билиш бажарилаётган, режалаштирилаётган ишларимизга тўғри йўналиш кўрсатади.

Хулоса қилиб, дирижёрлик санъати ривожини маълум босқичларга бўламыз:

1. Усулни (қўл, оёқ, таёқ билан) уриб шовқинли бошқариш.
2. Хейрономия – куйда баландлик ва чўзим йўналишни (қўл, бармоқ, бош билан) бошқариш.
3. Батгута билан бошқарув.
4. Чолғуда чалиб бошқариш (генерал бас)
5. Оркестрга юзланган мустақил бошқарув.

Охирги бошқарув, дирижёрлик ижрочилиги тарққиётининг чўққиси бўлди.

Дирижёрлик касби, ҳозиргача кам ўрганилган ҳисобланади. Мусиқа ижрочилигида мавҳум санъат йўналишидир. Шу сабабли, ҳозирда ҳам, жуда кўп назарий ва амалий баҳс мунозараларга тўқнаш келады. Дирижёрлик универсал касб бўлиб, юқори мусиқий маданият, хотира, иродади, педгогика услубиётлари билан таниш, ўз фикрини бошқаларга тушунтира оладиган, оркестр таркибидаги ҳар бир чолғу имконияти ва хусусиятлари билан яхши таниш, қўшиқчилик, рақс санъатидан хабардор ташкилотчи ва раҳбардир.

Дирижёр ўзининг бадий фикрлашларини чолғуда эмас, балки бошқа ижрочилар ижроси ёрдамида акс эттиради. Унинг вазифаси асарни ёдлаб,

ўрганиб, турли хил мусикий қобилиятга, билимга, характерга эга бўлган шахсларни, ўз тушунчасига бўй сингдириб, гуруҳ ижросини бир оқимда йўналтиришдир.

Оркестр дирижёрлиги ижросининг ривожланиши европада кескин тус олди. Бундай ижодий талқин дирижёрлигини ўсиш жараёнининг туғилишига немис композитори Вагнернинг мактаби ва Берлиознинг ёрқин дирижёрлик концерт услублари катта тurtки бўлди. Натижада бир қатор дирижёрлар: Германияда-Г.Рихтер, Ф.Мотл, А.Никиш, Г.Малер, Англияда-Г.Вуд, Д.Барбиролли, Францияда-П.Монте, Ш.Мюнш, Италияда-А.Тосканини, В.Ферреро ва бошқалар етишиб чиқдилар. Мана шу даврга таниқли немис тадқиқотчиси Г.Шюнеман аниқ баҳо беради. “Дирижёрлик санъати, талқин санъати тарихига айланди. Эндиликда фақат ижро белгилари билангина чекланиб қолмай, балки, мусиқада жумла йўналиши, ижро услублариини, бадий мазмунни тушунтиришга кўл урилди.”

европа дирижёрлик мактабидан ўрнак олган ҳолда, рус композитор ва дирижёрлари ижод эта бошладилар.

Россия дирижёрлик мактаби асосан XVIII аср иккинчи ярмигача хор билан боғлиқ бўлган. Тарихининг илдизлари XVI-XVII асрларга бориб тақалади. Хорларда ҳам ўз бошлиқлари бўлиб, товушларни тушишини бошқарган. Кейинчалик XVIII асрга келиб, шох саройларида биринчи опера гуруҳлари, кейинчалик чолғу ансамбллар таркибида маҳаллий ижрочиларни учратиш мумкин бўлди. Сарой опера гуруҳини бошқарганларидан бири истеъдодли композитор е.Фомин бўлди. У Москва ва Петербургдаги шахсий опера гуруҳлари билан чиқишлар қилди. Унинг сафдоши, рус дирижёрлиги санъати ижрочилигига асос солган А.Пашкевич эди. Кейинчалик Петербургда, сарой шахсий бал оркестрини бошқарди. У билан бир қаторда Дегтерёв, ершовларнинг хизматлари катта бўлди.

К.А.Кавос ижодига ҳам, тарихда баҳо салмоқли берилган. Қирқ йилдан ортиқроқ Петербург император опера театрида капелмейстер бўлиб ишлаган. Глинканинг “Иван Сусанин” операси сахна юзини кўриш, унинг меҳнати билан боғлиқ.

Шу йўсинда, рус дирижёрлик санъатининг пойдеворига ғишт кўйилди. Аввал Петербург консерваториясида Антон ва Николай Рубинштейнлар, М.Балакирев нафақат рус композиторлари асарлари балки, Вагнер, Шуман, Лист ижодларига мурожаат этдилар. европа классик мусиқаси билан танишув, омманинг маънавий савиясини кўтаришда хизмат қилди. Россия ва европа гастролларида катта олқишларга сазовор бўлишиб, дирижёрлик санъатини шаклланини намоён этишди.

Москва консерваториясида дирижёрлик синфлари очилди. Э.Ф.Направника, С.В.Рахманинов ва П.И.Чайковскийлар уни биринчи битирувчилари бўлишди. 1917 йил охирига келиб, Н.С.Голованов, Н.Поносков, Л.М.Гинзбург, А.М.Падовский, А.В.Гаук ва бошқалар дирижёрлик ижроси фанидан сабоқ беришган.

Назорат саволлари

1. Яккахон хонанда учун мўлжалланган камер музикий-шеърый асар қайси?
2. Ўзбек операси санъати дарғалари кимлар?
3. Меърдаги товуш баландлигидан чекиниш ёки ноаниқ қўлаш қандай номланади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ю.Ражабий. «Ўзбек халқ музиқаси I, II, III, IV, V». – Т., 1958.
2. Турли муаллифлар. Нота адабиётлари. 1956-2008.
3. Раззоқова М.Қ. Академик хонандалик асосларига кириш. – Тошкент: 2014, Шарқ. – Б. 200.
4. Д.Амануллаева. «Эстрада хонандалиги». Магистрлар учун дарслик (қўлёзма). – Т., 2014.
5. Д.Амануллаева. Вокализлар (қўлёзма). – Т., 2014.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Замоनावий метроритмик моделлар. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги. Товуш гигиенаси асослари. Овоз ёзиш студияларининг ишлаш тамойиллари (2 соат).

Ишдан мақсад: Вокал ҳақида умумий тушунча бериш. Вокал фаолиятини режалаштириш бўйича машқлар орқали мустаҳкамлаш. Вокал ижрочилик фаолиятини ташкил қилиш усуллари ўрганиш. Ижодкорликни юзага чиқаришдаги тўсиқлар, ижодкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш. *Махсус хона, проектор, стикер, ватман, фломастер.*

Масаланинг қўйилиши: Ижодий жараёни қўйидаги қадамлар кетма-кетлигида тақдим этинг:

1. Муаммо баёноти (вазифалар)
2. Тайёрлаш (топшириқни ўрганиш, тўплаш, таснифлаш ва таҳлил қилиш, прогнозлаш)
3. Эҳтиёжларни топиш, инкубацион (мантқиқий ва бирламчи ахборот ишлаш)
4. Янги фикр, синтез, муаммоларни ечиш
5. Тасдиқлаш ва баҳолаш (натижани тушуниш ва таҳлил қилиш)
6. Тақдимот (натижаларни аудиторияга энг яхши тарзда тақдим этиш).

Ишни бажариш учун намуна: Пианино вокалист қуроли

1. Вокал санъати келажакнинг белгиси ва замонавий дунёдаги энг тез ривожланаётган бизнес эканлигини англаган ҳолда, икки компания ушбу соҳада рақобатга киришишга қарор қилишди. Фирма А - бу Американинг энг йирик корпорацияларидан бири бўлиб, санъат соҳасида етакчи мавқега эга. Ушбу соҳага юз миллионлаб доллар маблағ сарфлайди, уни бозорни тадқиқ қилиш, энг яхши техник мутахассислар ва санъаткорларни жалб қилиш ва энг яхши жиҳозланган асбобларни ясаш учун маблағ сарфлайди. Пианиноналарини ишлаб чиқишни бошлашдан олдин, улар тадқиқотга бир тийин сарфламайдилар. Қўшиқ айтишга жисмонан ва руҳан тайёргарлик.

2. Нафас.
3. Вокал “ниқоби” ва асосий резонатор.
4. “Товуш хужуми” нима?
5. Кўкрак резонатори – товушнинг қуйи таянчи.
6. Вокал эсноғи ва ҳалқум ҳолати.

Аввалги бобларда (нафас, саҳна вазифалари, анатомия, артикуляция) биз ишлаётган бутун аъзонинг “фаол эркинлиги ва абадийлиги, нафас жараёнлари,

овоз ва артикуляция аъзолари ҳақида гапирган эдик. Шунинг учун энди овоз ҳосил бўлиш ҳолатларини вокал “ниқоб” идан бошлаймиз.”

Вокал атамалари луғатида бу ҳақда қуйидагича изоҳ берилади: “Ниқоб” – итал. m’aschera[м’аскера] маска бу қўшиқчи овозини бурун ва унга туташ бўшлиқларда, яъни одатда маскарадларда ёпиладиган юзнинг юқори қисмида тебраниш билан боғлиқ.

Буни “мушакларда тушуниш”, “ниқоб,” “вокал эсноқ” ни хис қилиш ва қўшиқ айтиш жараёнида рўй бераётган жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун оддий машқларни бажарамиз.

1. Оғиз очик, шу ҳолатда сақлаш, оғиз, тил, томоқ табиийлиги, эркинлигини хис қилиш. “Ички назар” билан барча аъзоларга қараш. Лабларни аста яқинлаштириб, юқори лаб ва тишларда енгил тебраниш чиқариш. Агар тебраниш бўлмаса ҳалқум сиқилган, уни озод қилиш зарур. Яхши нафас олиб товуш чиқаришингизни юқори тишларга йўналтиринг. Қаерда тебраниш сезилса, айнан ўша ер “ниқоб”, вазият ҳисобланади. Шу ердан товушни олдинга қараб чўзинг. Бирор нарсанинг гудок чалишини эсланг.

2. Олдингизда ёқимли гул, уни хидланг. Гулнинг ёқимли бўйини хис қилинг. Хид қаерга, қайси аъзога етиб бораётганлигини хис қилиш ва эслаб қолиш зарур. “Ички янги хажмни вужудга келаётганлигини” эслаб қолинг.

Бу “вокал эсноғи”, “юқори қўшиқ гумбази”, юқори қўшиқ вазияти ҳақидаги тасаввурни тушуниб, эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Бундай ҳолат товуш бошланиши олдидаги лаҳзадаги нафас билан бир пайтда вужудга келиши зарур. Нафас - пастки таянч, танглай-юқори таянч, ана шу ёққа товуш, нафас юборилади.

3. Олдингизда ҳозир тишлашингиз лозим бўлган жуда чиройли олма. Уни тишлаш олдидан юқори жағ ва танглай олмадан каттароқ бўлак тишлаш мақсадида кўтарилаётганини хис қилинг. Бу хисни, эркин, табиий ҳаракатни топинг. Юқорига кўтарилган танглай - қўшиқ гумбазидир.

4. Оғзингизда қайноқ овқат, у танглайни куйдираяпти, сиз уни совутишга интиласиз. Бу ҳаракатни эслаб қолинг.

5. Иссиқдан тили осилиб қолган итни эсланг. У ҳам танглайини совутиш учун тез-тез нафас олади. Сизнинг ҳам танглайингиз, вокал гумбази нақадар баланд эканлигини тасаввур қила оласиз.

6. Совкатгандек тишингизни шаққитлатинг. Олд тишларга, жағнинг эркинлигига эътибор беринг. Бу машқ илгари жағлар эркинлиги ҳақидаги қисмда тавсия этилган эди. Энди олд юқори тишлар, танглай ёки “гумбаз” ни тасаввур қилинг. Сўнгра яна тишларни тақиллатиб хисларингизга қулоқ солинг.

7. Лаблар бирлашган. Оғиз эркин. Ички туёғу билан тилни, тишларни хис қилинг. Ҳалқум эркин, кўза оғзидек кенг. Худди шу ҳолатда танглайга “Э” ни талаффуз қилинг. Бунда ҳалқум осойишта, кенглигича туради. Ҳаракатдаги бўшлиқларни, кўтарилаётган танглай, кенг ҳалқумни хис қилинг.

8. Оғиз, ҳалқум эркин. “Эснаш” ни хоҳлайсиз, лекин жамоа ичида бўлганингиз учун ёпиқ оғиз билан эснанг.

Тасаввурингиз бундай эснашга ёрдам бериши керак. Эътиборингиз юқорига- танглайга қаратилади. Эснаганда юқори кубба кўтарилади, ҳалқум бўшаб, пастга тушади. Бундай эснаш кўздан ёш чиқадиган қадар бажарилади.

Юмшоқ танглай фаоллигига эътибор беринг.

Бу машқлардан бирортаси сизга эснаш, гумбазнинг вокал хиссини, нафас олиш билан уларнинг қурилмасини топишга ёрдам беради, сўнгра “нафас билан ҳужум” ва ажойиб товуш ҳосил бўлади (ҳаво товушга айланади).

Тана ва органларимиз бундай мураккаб майда мушаклар ҳаракатини дарҳол идрок эта олмайди, шунинг учун ёрдам, эътибор, сабр, тафаккур ва содда машқлар зарур бўлади.

Назорат саволлари

1. Вокал санъат соҳаси фаолияти деганда нимани тушунасиз?
2. Фаолиятни режалаштириш ҳақида нималарни биласиз?
3. Соҳани тўғри ташкил этиш йўллари айтиб беринг.

**2-амалий машғулот: Вокал санъат педагогикаси муаммолари.
Хонанданинг ижро маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар
(2 соат).**

Ишдан мақсад: Мусиқий – луғавий сўзлар ҳақида умумий тушунча бериш. Замонавий метроритмик моделлар фаолиятини режалаштириш бўйича машқлар орқали мустаҳкамлаш. Вокал ижочилик фаолиятини ташкил қилиш усуллари ўрганиш. Ижодкорликни юзага чиқаришдаги тўсиқлар, ижодкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш. *Махсус хона, пианино, вокал асбоблари.*

Масаланинг қўйилиши: Ижодий жараённи қуйидаги қадамлар кетма-кетлигида тақдим этинг:

1. Муаммо баёноти (вазифалар)
2. Тайёрлаш (топшириқни ўрганиш, тўплаш, таснифлаш ва таҳлил қилиш, прогнозлаш)
3. Эҳтиёжларни топиш, инкубацион (мантиқий ва бирламчи ахборот ишлаш)
4. Янги фикр, синтез, муаммоларни ечиш
5. Тасдиқлаш ва баҳолаш (натижани тушуниш ва таҳлил қилиш)
6. Тақдимот (натижаларни аудиторияга энг яхши тарзда тақдим этиш).

Ишни бажариш учун намуна: “Ниқобда қўшиқ айтиш” тушунчаси

Бу тушунча юқори титрагичлардан тўла фойдаланиб қўшиқ айтишни назарда тутади, улар товушнинг юқори таянчи ҳисобланади, нафас эса товушнинг пастки таянчидир.

Бизнинг содда машқларимиз бу бўшлиқларни, уларга қандай қилиб етиб боришни хис қилишга ёрдам беради.

Овозни йўлга қўйишнинг моҳияти товушни “ниқобга” юбориш ва у ерда юқори тишларга таяб туришдан иборатдир. “Ниқобдаги” товуш шундай ёрқин ифодаланиши керакки, у юқори тишлар илдизига ураётганлиги билиниб турсин. Таянч нуқтаси танглайга таяниб боргани сайин овоз тўмтоқлашиб бораверади.

Бу хужум нуқтасини юқори тишлар илдизига қаратиб силжитиш учун оддий топшириқ- машқларни бажариш лозим бўлади.

Оғзингизни очинг, унга кўрсаткич бармоғингизни чуқур тикинг. Қўл кафти пастга қараган. Бармоқ танглайга таянган. Нафас олинг ва аста бир оқимга айланган нафасни чиқаринг.

Танглайга ёпишган кўрсаткич бармоғи чиқаётган ҳаво иссиқлигини сезади. Панжадаги энг иссиқ жой - бу чиқарилаётган нафаснинг “хужум нуқтасидир, қўшиқ айтаётганда айнан шу жойга товуш тўлқинлари оқими келиб урилади.

Бу нуқта аста юқори тишлар илдизига келиб етишига ҳаракат қилиш керак. Шундан кейин бу хисларни товуш билан текшириб кўриш зарур. Ўз овозингизни изланг, ўз хисларингизни ёдда сақланг.

Таъкидлаш лозимки, учлама асаб толалари ва овоз мушаклари ўртасида рефлектор алоқа бор. Бу овознинг тўғри оқими юз асаб толаларини, танглайни кўзгайди, бу овоз мушаклари тонусини оширади, товушнинг аниқ, тиниқлигини таъминлайди. “Ниқобни” хис қилиш учун қуйидаги машқлар тавсия этилади: “м”, “н”, “в” товушларни қулай тонда қуйланг, лаб, юқори тишларда титрашни, кенг ҳалқумни хис қилинг. Агар тил томири таранг, кўтарилган бўлса бундай хис бўлмайди.

Дастлаб бу машқ оғизни очиб, сўнгра ёпиб “ғўлдираш” амалга оширилади.

Бу машқлар ҳалқум овозидан қутқаради, шунинг учун “ғўлдираш” дейилади.

Товушни тўғри йўлга қўйишда ма, ми, мо, му сингари бўғинларни ғўлдираш фойдали, “м” товуши ниқобда тўпланади. Томоқда ҳеч қандай таранглик бўлмаслиги керак. Иш талаффузи қулай бўлган унли товушдан бошланади.

Кўпчилик бошловчи қўшиқчилар ҳалқум сиқиклигидан қутулолмайди, елкаларини кўтариб олади. “ғўлдираш” машқлари ана шу нуқсонларни мустаҳкамлаб қўймаслигига эътибор бериш зарур. “Ғўлдираш” усулидан ҳам меъёрида фойдаланган маъқул, акс ҳолда у юмшоқ танглайни етарли кўтарилмаслигига ва бу минғирлашга олиб келади.

“Ниқоб”, бош тебраткичлари, яъни ҳаво, товуш оқими юбориладиган жой ҳақида гапирилган эди. Товуш “хужуми” - бу товуш бошланишидаги нафас асосидир. Нафас ингичка оқим билан юқори тишлар томирига юборилади. Физиологлар таъкидлашича, товуш хужуми - бу усул ва тезликдир, бунда нафас овозни пайдо бўлиши пайтида катта таъсир кўрсатади.

Бошловчиларга қуйидаги машқлар ёрдам беради:

1. Юқори тишлар илдизига а, а, а, а, ёки у, у, у, у “ўткир” талаффуз қилинади. Улар қулай нотада гапирилади. Бу товушни нинадек санчилаётганлик хисси пайдо бўлиши лозим.

2. “Юқори гумбаз” га, тишларга да, да, да ёки ду, ду, ду санчилади. Бу гумбазни хис қилиш учун “гул хиди”, “иссиқ овқат” ни ёдга туширилади (бу

машқлар илгари учраган эди). Оғиз чиройли хажмли бўлиб қолади. Товуш юқори вазиятдан тушиб кетмаслигига эътибор берилади. Ҳалқум кенг ва паст бўлади.

3. Какку овозига ўхшатинг. “Ку-ку” ни юқори нотада, қўшиқ қилиб айтинг. Хис қилиш аввалги машқлардагидек.

4. Бу хисларни қўшиқда синаб кўринг, дастлаб ўзингизга қулай бўлган унлида бир нотада бошланг.

5. Терцияда куйланг. Биринчи нота легатода, иккинчиси стакаттода бўлсин, лекин ажралиб қолмасин. Дастлаб ҳар бир терциядан кейин нафас олинг.

Вокал- педагогик амалиётда қаттиқ ва юмшоқ ҳужумдан фойдаланилади. Бу ўқувчининг шахсий хусусиятлари билан белгиланади. Агар товуш юбориш суст бўлса, унда бир неча вақт овоз аъзоларини фаоллаштириш учун қаттиқ ҳужумдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аксинча, агар товуш қаттиқ юборилаётган бўлса, юмшоқ ҳужумдан фойдаланган маъқул. Аммо бунда товуш юборишда бошқа “йўллар” пайдо бўлиб қолмаслигига эътибор бериш зарур.

Биз “ҳужум”, “санчиш” деб номлаган нафасни бундай нафасни аниқ юбориш асосий тебраткичлар орқали бажарилади. Овоз аъзолари тебраткичларсиз жаранглаётган камертонга ўхшайди. Камертон жуда паст овоз чиқаради, лекин уни шиша банкага ўхшаш тебраткичга қўйилса камертон чиқараётган товуш кучаяди.

Овоз билан ҳам шундай аҳвол рўй беради. Бунда овоз аъзолари камертон, бош ва кўкрак тебраткичлар вазифасини бажаради. Фақат уларни “ишга тушира олиш” керак.

Кўкрак тебраткич- товушнинг пастки таянчи. Қўшиқ товуши ўпкадан чиқаётган ҳаво овоз туйнуклари орқали ўтиш пайтидаги тебраниш билан ҳосил бўлади. Товуш тўлқинларини ҳосил қилувчи бу тебранишлар бўғиздан ташқарига эсноқ, оғиз, бурун орқали чиқади ва бу ерда сайқалланади.

Аммо қўшиқ товуши ҳалқумда хис қилинмаслиги керак, акс ҳолда у бўғиз товуши бўлиб қолади. Қўшиқ товуши кўкракда ҳосил бўлиб, танглайга таянаётгандек хис қилсин.

Қўшиқ овозини ҳосил бўлишининг бошқа ҳолатларини ҳисобга олмаган ҳолда бош ёки кўкрак тебранишлари кучайрилганда овоз бузилиши мумкинлигига, товушнинг табиийлигини йўқолишига олиб келади. Қўшиқчи “фақат юқорида куйлайди” дейилади буни.

Ортиқча кўкрак тебранишига таяниш овозни оғирлаштириб кўяди, регистр ўтиш жойларини, овозни юқорига ҳаракатини қийинлаштиради. Овоз ўзининг йиғинчоқлиги, ҳаракатчанлигини йўқотади.

Кўшиқ айтиш чоғида товуш таянчини кўкракдан излаш керак, бир пайтда қорин мушаклар “ниқоб” соҳасига томон лаҳзалик қўллаши зарур бўлади.

Кўкрак қафасининг ва нафас чиқариш жараёнининг мушак фаоллиги кучини кўкрак ости тебраткичи деб нотўғри тушунадилар. Мушаклар эмас, балки трахея, бронхларга сиқилган ҳаво кўкрак тебраткичи ҳисобланади.

Шунинг учун кўшиқ айтаётганда кўкрак тебраткичи хажми ўзгариб кетмаслиги учун нафас олишда кўкрак қафаси хажмини ташлаб юбормаслик керак. Кўкрак қафаси ва қорин мушак ортиқча тарангликка олиб келиш кўкрак тебранишига ҳалақит берибгина қолмай, ҳавони нафас аъзоларига меъёрда тақсимланишини қийинлаштиради. Тебраткичлар товушни кучайтиради, унинг сифатли жаранглашига йўл очади. Шунинг учун ўқитилаётганда ниқобда кўшиқ айтиш тавсия этилади, яъни бош тебраткичлари, нафас таянчи, кўкрак тебраткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Яхши таянч бўлса кўшиқчи тебраткичлар ишини анча фаоллаштира олади, бу кучли тебранишда ўз аксини топади, таянчсиз эса тебраткичлар фаоллигини йўқотади.

Кўринадик кўшиқ тебраткичлари фаоллиги даражаси - бу кўшиқчининг муҳим вокал- техник кўрсаткичи бўлиб қолади.

Кўшиқчиликдаги овозда тебраткич имкониятларидан бошқа ҳеч қандай сир йўқ. Тебраткич йўқ бўлса, кўшиқчи ҳам йўқ бўлади, тебраткич овознинг ёрқинлиги, чарчоқ билмаслиги ва ҳамиша навқиронлигини таъминлайди.

Тарихда ниҳоятда кучли овозлар маълум бўлган. Улар қудратли йўналтирилган овози билан хатто ойнани синдириб юборганлар. Шу маънода шовқин кучи децибел билан ўлчанади. Отбой болғаси 100 децибел шовқин билан ишлайди. Яхши йўлга қўйилган овоз қудрати 110 децибелни ташкил этади. Шунинг учун операдаги концертмейстер ишини зарарлиги бўйича темирчилик цехидаги ишга ўхшатиш мумкин.

Энг аввало кўкрак тебраткичлари ҳаво билан тўлатилган (трахея, бронх, ўпка) товушга қувват бахш этади.

Бош тебраткичлари овозга тембр ва товушга бўёқ беради.

Ҳалқум кўпроқ товушнинг баландлигини таъминлайди.

Кўпинча “тебраткичларни ишга тушириш” тушунчаси ишлатилади. Албатта, тебраткичларни шунчаки “ўчириб, ёндириб” бўлмайди. Аммо инсон ўз олдига ишида аниқ мақсад қўйса, кўшиқ жараёни ҳақида аниқ тасаввур ҳосил

қилса, ўз мақсад ва вазифаларини яхши англаса, бундай “ўчириб-ёндириш” бизнинг “ички компютеримиз” орқали ўз-ўзидан амалга оширилади.

Шундай қилиб, яхши йўлга қўйилган овоз юқори таянч (танглай, ниқоб, позиция) ва пастки таянчга (диафрагма, кўкрак) эга эканлиги ҳақида тасаввуримиз ҳосил бўлади. Уларнинг орасидаги ҳаво оқими эса таранг тортилган торга ўхшайди. Қўшиқ жараёнида қўшиқчи бу ҳиссиётларни сақлаб қолиши тингловчида “йўлга қўйилган овоз” ҳақидаги тасаввурини ҳосил қилади. Овознинг техник тақомили ва қўшиқ айтаётганнинг муסיқавийлиги ижродаги тасаввурни бойитади.

3-амалий машғулот: Овоз ҳосил қилиш жараёнининг анатомик ва гигиеник талаблари. Артикуляция ва дикция. Овоз постановкаси услуб ва усуллари. Овоз ҳосил қилиш жараёни (2 соат).

Ишдан мақсад: Артикуляция аъзолари, дикция ҳақида умумий тушунча бериш. Артикуляция аъзолари, дикция фаолиятини режалаштириш бўйича машқлар орқали мустаҳкамлаш. Артикуляция аъзолари, дикция фаолиятини ташкил қилиш усуллари ўрганиш. Ижодкорликни юзага чиқаришдаги тўсиқлар, ижодкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш. *Махсус хона, пианино, вокал асбоблари.*

Масаланинг қўйилиши: Ижодий жараёни қуйидаги қадамлар кетма-кетлигида тақдим этинг:

1. Муаммо баёноти (вазифалар)
2. Тайёрлаш (топширикни ўрганиш, тўплаш, таснифлаш ва таҳлил қилиш, прогнозлаш)
3. Эҳтиёжларни топиш, инкубацион (мантикий ва бирламчи ахборот ишлаш)
4. Янги фикр, синтез, муаммоларни ечиш
5. Тасдиқлаш ва баҳолаш (натижани тушуниш ва таҳлил қилиш)
6. Тақдимот (натижаларни аудиторияга энг яхши тарзда тақдим этиш).

Ишни бажариш учун намуна: Вокал эсноғи

Юқори вазият, эркин кенг ҳалқум, товушнинг фаол хужумида юмшоқ танглай кўтарилган бўлиши лозим ёки ёйилган елкан кўринишини олиши керак.

Баъзан панжа билан кичик тилга тегиниб, юмшоқ танглай ва кичик тил кўтарилаётганини сезиш мумкин. Вокал адабиётида “қўшиқ эсноғи”, “вокал

эсноғи”, “ярим эсноқ” деб номланади, бунда ҳалқум, юмшоқ танглай фаоллашади, жағлар яқинлашади, тил бўшайди, ҳалқум тушади.

Томоқни очишда ойна олдида машқ қилиш фойда беради ва танглайни худди томоқни врачга кўрсатаётгандек қилиб кўришга интилиш керак.

Кўшиқ товушни тўғри ҳосил қилинганда юмшоқ танглай димоғни ҳалқумдан тўла ажратиб кўяди. Эсноқ нафас олинганда тайёргарлик ҳолатига киради ва кўшиқ товушини ҳосил қилишга таъсир кўрсатади. Унда ҳалқум бўшлиғи кенгаяди, унинг тебраниш қобилияти кенгаяди. Бу ҳолатда баланд кўтарилган юмшоқ танглай кўшиқ товушини тўғри шакллантириши шароит яратади. Эсноқда ҳалқум осилган тил ости суяк ва тил томири тушади. Шунинг учун эсноқ ҳалқумни ўз-ўзидан тушиб кетиши усули ҳисобланади. Асаблар алоқаси орқали эсноқдаги юмшоқ танглай таранглиги диафрагманинг зарурий тонусини ҳосил қилади, овоз аъзолари таранглигига ҳам таъсир этади, бу аралаш регистирни ташкил этиш учун муҳимдир.

Вокал амалиётида ярим эсноқ ҳақида гапирилади, негаки кўшиқ эсноғи одатийдагидан кичикроқ бўлади. Таълимнинг бошиданоқ нафас олиш “оғиз-ҳалқумни ярим эсноққа мослаш” билан ўзаро мувофиқлашувига эътибор бериш зарур.

Агар қаттиқ танглайга юқоридан таянч бўлмаса, товуш қисқа, сийқа, кескин бўлиб қолади. Бундай товушдан халқ кўшиқларида фойдаланилади. Агар товуш юмшоқ танглайдан чиқса минғиллаб, рангсиз ҳолатда чиқади.

Товушни бурунга йўналтириб бўлмайди, бурундан у минғирлаб чиқади. Агар бошловчи кўшиқчида бурун товуши бўлса, у айтаётганда бурнини беркитишга мажбур қилинади, шу билан у ўз камчилигини тушунади.

Нафас чиқараётганда бунинг таъсири бўлмайди, негаки кўшиқ айтаётганда нафас доим бурундан чиқарилади.

4-амалий машғулот: Вокал техникаси асослари: вокал нутқи, талаффуз аҳамиятлари. Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндашув (2 соат).

Ишдан мақсад: Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиги ҳақида умумий тушунча бериш. Товуш гигиенаси асослари фаолиятини режалаштириш бўйича машқлар орқали мустаҳкамлаш. Якка, ансамбль ва хор кўринишдаги вокал ижрочилиг фаолиятини ташкил қилиш усуллари ўрганиш. Товуш гигиенаси асосларини юзага чиқаришдаги тўсиқлар, ижодкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш. *Махсус хона, пианино, вокал асбоблари.*

Масаланинг қўйилиши: Ижодий жараёни қуйидаги қадамлар кетма-кетлигида тақдим этинг:

1. Муаммо баёноти (вазифалар)
2. Тайёрлаш (топшириқни ўрганиш, тўплаш, таснифлаш ва таҳлил қилиш, прогнозлаш)
3. Эҳтиёжларни топиш, инкубацион (мантқиқий ва бирламчи ахборот ишлаш)
4. Янги фикр, синтез, муаммоларни ечиш
5. Тасдиқлаш ва баҳолаш (натижани тушуниш ва таҳлил қилиш)
6. Тақдимот (натижаларни аудиторияга энг яхши тарзда тақдим этиш).

Ишни бажариш учун намуна: Қўшиқ айтаётганда ҳалқум

Ҳалқумнинг қўшиқ ҳолати паст ҳам, юқори ҳам бўлмаслиги керак, у ҳар бир қўшиқчи учун ўзига хосдир ва овоз аъзоларининг тузилишига боғлиқ. Қўшиқчи дастлаб осон талаффуз қилинувчи товушлардан бошлаши керак, айнан шу товушлар ҳалқумнинг ўртача вазиятини белгилаб беради.

Овознинг қулай ва чиройли жарангида ҳалқум ҳолатига эътибор беринг. Қўшиқ айтаётганда ҳалқум ўз ҳолатини деярли ўзгартирмайди. Овози яхши йўлга қўйилган қўшиқчиларда ҳалқумнинг мустаҳкамлиги кузатилади. Агар ҳалқум ҳаракатчан бўлса товуш яхши сифатга эга бўлмайди.

Ҳалқумнинг нутқ ёки табиий ҳолати қўшиқда тўғри келмайди. Унинг бу ҳолатида товуш сийқа бўлади. Қўшиқ айтишдан аввал ҳалқум паст ҳолатга ўтади.

Ҳалқумнинг бундай ҳолати тўғри техника ва тўғри тоннинг мезони бўлиб қолади.

Ҳалқумнинг паст ҳолатида тебратгич ва бўғиз бўшлиғи кенгаяди, у билан овоз кучи ва хажми ҳам ортади.

Агар ҳалқум баланд бўлса, тил ва оғиз туби ҳам кўтарилган бўлади, агар паст бўлса тил ва оғиз туби бўшлиғи тушган бўлади, бу тилни ясси туришини енгиллатади. Аммо ҳалқумни мажбуран ҳаракатсиз ҳолатда тутиш зарарли ва мумкин эмас, у овозни бузади.

Албатта, қўшиқ айтишни ўрганаётган овоз аъзолари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак, аммо амалий машғулотларда асосий эътибор эшитишга ва мушак хисларига, бўлаётган жараёнларнинг табиийлиги ва фаоллигига қаратилади. Мусиқий ва жисмоний машқлар орқали натижаларга эришиш мумкин, тана ва овоз аъзоларини зўриқишига йўл қўймаслик лозим.

Бундай ишда ойна бебаҳо ёрдамчи бўлади ва бу жараёнда эътибор, сабр, ишонч каби хислатлар тарбияланади.

5-амалий машғулот: Асарлар устида ишлашда педагогик маҳорат. Вокал жанрлари ва уларнинг ижро йўли (2 соат)

Ишдан мақсад: Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндошув. Асарлар устида ишлашда педагогик маҳорат ҳақида умумий тушунча бериш. Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндошув фаолиятини режалаштириш бўйича машқлар орқали мустаҳкамлаш. Асарлар устида ишлашда педагогик маҳорат фаолиятини ташкил қилиш усуллари ўрганиш. Ижро репертуарини танлашда профессионал ёндошув, ижодкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш. *Махсус хона, пианино, вокал асбоблари.*

Масаланинг қўйилиши: Ижодий жараёни қуйидаги қадамлар кетма-кетлигида тақдим этинг:

1. Муаммо баёноти (вазифалар)
2. Тайёрлаш (топшириқни ўрганиш, тўплаш, таснифлаш ва таҳлил қилиш, прогнозлаш)
3. Эҳтиёжларни топиш, инкубацион (мантқий ва бирламчи ахборот ишлаш)
4. Янги фикр, синтез, муаммоларни ечиш
5. Тасдиқлаш ва баҳолаш (натижани тушуниш ва таҳлил қилиш)
6. Тақдимот (натижаларни аудиторияга энг яхши тарзда тақдим этиш).

Ишни бажариш учун намуна: Овоз пардалари ҳақида бир неча сўз

Айнан бир механизм ҳаракати билан ҳосил қилинаётган кетма-кет ва бир хилдаги товушлар қатори парда деб юритилади.

Кўкрак ва баланд овозда сингари овоз ҳосил қилишнинг икки хил усули мавжуд. Кўкрак усулида овоз туйнуклари тўла беркилади, овоз пайчаларигина тўла титрайди, ҳалқум нисбатан пастда жойлашади. Акустик томондан товушлар ниҳоятда бой бўлади. Баланд овозда овоз туйнуклари қисман беркилади, пайчаларнинг фақат чети титрайди. Акустик жиҳатдан товушлар бой бўлмайди. Операдаги баланд овоз пардаси бундан мустасно.

Кўкрак пардаси кўкрак, микст, юқори сингари турларга бўлинади. Эркакларда кўкрак, юқори турлари бўлади. Аёлларда юқоридаги ҳар учала тур мавжуд. Микст- бу кўкрак жарангидан юқори ва баланд овозга аста ўтишдир, яъни оралиқ тур дейиш мумкин.

Микстда ҳам кўкрак, ҳам юқори тебраткичлар ишлайди. Унинг устида ишлашда тинглаш орқали назорат қилиш ва хис қилишда қулайликни излаш зарур бўлади. Қўшиқчи кескин ноталардан сақланиши керак, яхши назорат қилинадиган нафас билан овозни йўлга солиши керак. Акс ҳолда унли товушларни сезиларли ўзгаришига олиб келади, шунинг учун “очик” ва “ёпик” терминлари қўлланади.

Ёпик товуш- бу юқори ва пастки тебраткичлардан кенг маънода қўллаш тембри бўйича анъанавий думалоқланган ҳамда таянч хисси сақланган товушдир.

Агар ҳалқум етарли кенгайса, бўғиз эса унинг меъёридаги ҳолатидан пасайса ёпик товушлар осон талаффуз қилинади. Товушлар аввалдан юқори ёки паст ноталарда текисланади. Таълимнинг дастлабки даврларида товушларни нотўғри шаклланиши натижасида очик тембрдан ортикча фойдаланиш кўпгина овозларни тез йўқолишига олиб келади. Айниқса эркакларнинг баланд овози учун тембрда кўшиқ айтиш айниқса зарарлидир. Очик товушдан ортикча фойдаланган аёл кўшиқчилар ҳам товуш ва овознинг тез сийқаланишига учрайди, овоз аъзоларига путур етказилади.

Бундай нуқсонлардан қутулиш учун бир қатор вазифаларни бажариш лозим:

1. Овоз тембри ўртача товушда бошланади. Унинг бўёғи равон, ёпик, ёқимли бўлиши лозим.

2. Ўрта даражадаги ўткинчи товушларнинг тўғрилиги, текислигига эътибор бериш, ўз овозини букилиши, ўзгаришига йўл қўймаслик- бунга юқори ва кўкрак жарангини уйғунлаштириш билан эришилади.

3. Товуш бўёғи ёркин ва жарангдор бўлиши. Рангсиз овоз товушни бўғик ва сийқа қилиб қўяди. Тўғри товушда ҳалқум паст, тил қошсимон, юмшоқ танглай баланд бўлиши лозим.

6-амалий машғулот: Хонандалик мактабларини яратишда мусиқий таълим узвийлиги. Жаз, поп, опера ва миллий хонандалик жанрларидаги вокал ижрочилиги (2 соат).

Ишдан мақсад: Мазкур мавзунини ўзлаштиришдан олдин вокал санъатида Халқаро хонандалар танловлари ва фестиваллар ўрни белгилаб олинади. Тажрибали хонандаларнинг қандай услубларда ижодий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиши, таъсир кучини ўтказувчи услублар ва самарали фаолият олиб бориши учун зарур бўлган билим-тажрибалар бўйича тингловчилар мустақил равишда (турли хонандаларнинг тажрибалари

асосида) маълумотлар тўплайдилар ва ташкил этиладиган амалий машғулот даврида хонандаликнинг маҳаллий услублар хусусида ўз қарашларини баён этадилар.

Масаланинг қўйилиши: Энг самарали ва илғор деб топилган таъсир воситаларининг янада чуқурроқ ўзлаштирилиши учун бахс-мунозаралар ташкил этилади. Машғулот якунида жамога таъсир воситаларининг энг намунали деб топилганлари умумлаштирилиб, таълим тизимига татбиқ этиш масалалари муҳокама этилади.

Ишни бажариш учун намуна: Овоз пардалари ҳақида бир неча сўз

Айнан бир механизм ҳаракати билан ҳосил қилинаётган кетма-кет ва бир хилдаги товушлар қатори парда деб юритилади.

Кўкрак ва баланд овозда сингари овоз ҳосил қилишнинг икки хил усули мавжуд. Кўкрак усулида овоз туйнуклари тўла беркилади, овоз пайчаларигина тўла титрайди, ҳалқум нисбатан пастда жойлашади. Акустик томондан товушлар ниҳоятда бой бўлади. Баланд овозда овоз туйнуклари қисман беркилади, пайчаларнинг фақат чети титрайди. Акустик жиҳатдан товушлар бой бўлмайди. Операдаги баланд овоз пардаси бундан мустасно.

Кўкрак пардаси кўкрак, микст, юқори сингари турларга бўлинади. Эркакларда кўкрак, юқори турлари бўлади. Аёлларда юқоридаги ҳар учала тур мавжуд. Микст- бу кўкрак жарангидан юқори ва баланд овозга аста ўтишдир, яъни оралиқ тур дейиш мумкин.

Микстда ҳам кўкрак, ҳам юқори тебраткичлар ишлайди. Унинг устида ишлашда тинглаш орқали назорат қилиш ва хис қилишда қулайликни излаш зарур бўлади. Қўшиқчи кескин ноталардан сақланиши керак, яхши назорат қилинадиган нафас билан овозни йўлга солиши керак. Акс ҳолда унли товушларни сезиларли ўзгаришига олиб келади, шунинг учун “очиқ” ва “ёпиқ” терминлари қўлланади.

Ёпиқ товуш- бу юқори ва пастки тебраткичлардан кенг маънода қўллаш тембри бўйича анъанавий думалоқланган ҳамда таянч хисси сақланган товушдир.

Агар ҳалқум етарли кенгайса, бўғиз эса унинг меъёридаги ҳолатидан пасайса ёпиқ товушлар осон талаффуз қилинади. Товушлар аввалдан юқори ёки паст ноталарда текисланади. Таълимнинг дастлабки даврларида товушларни нотўғри шаклланиши натижасида очиқ тембрдан ортиқча фойдаланиш кўпгина овозларни тез йўқолишига олиб келади. Айниқса эркакларнинг баланд овози учун тембрда кўшиқ айтиш айниқса зарарлидир. Очиқ товушдан ортиқча

фойдаланган аёл қўшиқчилар ҳам товуш ва овознинг тез сийқаланишига учрайди, овоз аъзоларига путур етказди.

Бундай нуқсонлардан қутулиш учун бир қатор вазифаларни бажариш лозим:

1. Овоз тембри ўртача товушда бошланади. Унинг бўёғи равон, ёпиқ, ёқимли бўлиши лозим.
2. Ўрта даражадаги ўткинчи товушларнинг тўғрилиги, текислигига эътибор бериш, ўз овозини букилиши, ўзгаришига йўл қўймаслик-бунга юқори ва кўкрак жарангини уйғунлаштириш билан эришилади.
3. Товуш бўёғи ёрқин ва жарангдор бўлиши. Рангсиз овоз товушни бўғиқ ва сийқа қилиб қўяди. Тўғри товушда ҳалқум паст, тил қошсимон, юмшоқ танглай баланд бўлиши лозим.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” технологияси (инглиз тилида “case” – тўплам, чемодан (чамадон), “study” – муаммоли вазият) – вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш демакдир. Ушбу технология талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

У талабаларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади

1. Кейс: Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси. Замоनावий дирижёрлик санъати мактаблари.

Ишдан мақсад – Таълим тизимида мусиқий йўналишида асарлар яратган ва яратаётган Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси; замонавий дирижёрлик санъати мактаблари; композитор ва фольклор; Европа мамлакатларида дирижёрлар тайёрлаш тизими; Шарқ ва Ғарб мусиқасининг интеграцияси; Россия ва Америкада профессионал дирижёрлар тайёрлаш тизими ва уларнинг мазмунини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

1. Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдиротини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади.

Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

Индивидуал ўқиш – 2 минут.

2. Муҳокама қилиш –3 минут.

3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш – 5 минут.

4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.

5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

2. 1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
“Замонавий мусиқа” атамаси нимани англатади?		
Ўзбекистонда мусиқий авангардизм ривожланиш босқичлари ҳақида гапириб беринг.		
Дирижёрлик санъати мактаблари ҳақида нимани биласиз?		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Композитор ва фольклорнинг ўзаро боғлиқ томонлари нимада?		
Замонавий мусиқа яратган ўзбек композиторлари ҳақида сўзлаб беринг.		
Дирижёрнинг вазифаси нималардан иборат?		

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

1. Кейс: Замонавий хонандалик мактаблари.

Ишдан мақсад – Таълим тизимида хорижий давлатларда вокал мактаблар; вокал ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва сахна маданиятини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

3. Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулоти баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.
 Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.
 Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт. Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

Индивидуал ўқиш-2 минут.

Муҳокама қилиш –3 минут.

Презентация (тақдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.

Презентация (тақдимот) қилиш –5 минут.

5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (тақдимот)лари вақтида уларни баҳолаш. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Вокал мактаблар деганда нимани тушунаси?		
Итальян вокал хонандаларидан кимларни биласиз?		
Мақом ижрочилиги ҳақида фикр билдилинг.		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Замонавий хонандалик мактаблари ҳақида қандай фирклар билдира оласиз?		
Ўзбекистон вокал мактабларининг ёрқин вакиллари кимлар?		
Замонавий эстрада-жаз хонандалиги ҳақида фиркларингиз.		

1-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

VI. ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Созандалик	Маълум бир созни (рубоб, танбур, дойра, най ва х.к) мукаммал эгаллаган, ҳам жўрнавоз, солист ва жамоавий ижроларда қатнашиб, мумтоз санъатни тарғиботчисидир.	This is player of Uzbek national instruments like rubob, tanbur, doyra, nay and ets. He can play with solists, he solo player and play with other instruments.
Анъанавий ижрочилик	Миллий мусиқаларимизни асосини ўрганувчи соҳа	Traditional performing arts learning basic of nationale music of Uzbekistan.
Воҳага мансуб жанрлар	Катта ашула Фарғона-Тошкент воҳаси, Мавригий ва Бухорча Самарқанд-Бухоровоҳаси, Суворийлар Хоразм воҳаси. Бундан ташқари дostonчилик, жировчилик, халфачилик, яллачилик, лапарчилик ва бошқалар.	Janrs from Fergana-Tashkent Katta ashula (Big song), from Samarkand and Bukhara Mavrigi and Bukhorcha, from Khorezm Suvoriy and also janrs like doston (play epos), jirov (play epos an another stile), khalfa (womans epos players), yalla (melodies for the dans), lapar (sing a song in competition) and ets.
Уч воҳа мақоми	Булар Хоразм мақомлари, Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари дидир.	That is Khorezm's makom, Shashmakom and Fergana-Tashken's makom ways.
Устоз-шогирд тизими	Устоз шогирд тизими анъанавий ижрочилик соҳасида энг сермахсул дарс бериш услуби.	From teacher to student systems effect way for learning traditionale performing arts.
Мукаммал ижро	Барча жиҳатлари тўлиқ, чиройли, беҳато ижро мукаммал ҳисобланади.	All parameters is full and beutefull plays is the original perform.
Номукаммал ижро	Камчиликлари мавжуд бўлган ижро номукаммал ижро дейилади.	Perfom with the mistakes we call unoriginal perform.
Ижрочилик мактаблари	Маълум бир устоз ижрочи томонидан яратилган ижро мактаби дейилади. Ҳозирги кунда бундай мактабларнинг жуда кўп намуналари мавжуд.	Performing schools belded from one of masters. Now in our contry many of performing schools

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли [Фармони](#).

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

14. санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–6000-сон Фармони.

Ш. Махсус адабиётлар

16. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

17. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

18. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

19. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

20. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

21. Исламова Р. Эстрадный вокальный ансамбль. Учебный пособие. Т., “Академия”. 2018. – 140 стр.

22. Умаров Д. Эстрада якка хонандалиги. Ўқув қўлланма. – Т.; “Академия”. 2018.

23. Умуров Н.К. Нотные редакторы Sibelius-4, Sibelius-6 (возможности и сравнительный анализ версий программы Sibelius. –Т.: “Муסיқа”. 2015.

24. Umuriv N.Q. Sibelius 4, Sibelius 6 nota muharrirlarida ishlash masalalari. – Т.: “Муסיқа”. 2016.

25. Раззакова М. Академик хонандалик ижрочилиги. Ўқув қўлланма. – Т.: “Муסיқа”. 2018.

26. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2018.

27. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века М., 2015.

28. Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.), проблемы (коллективная монография). Т.; “Музыка”. 2018.

29. Рахимов Ш. Музыка санъатига ўргатиш методикаси. Ўқув қўлланма. - Т.: “Музыка”. 2009. – 224 б.

30. Цой С. Работа с концертмейстром (в классе сольного пения) Учебные пособие. Т.: “Музыка”. 2018. – 130 стр.

31. Хамидова М.А., Хасанов Р. Ижрочилик санъати тарихи. Ўқув қўлланма. Т.; “Музыка”. 2018. – 124 б.

IV. Интернет сайтлар

32. <http://edu.uz>
33. <http://lex.uz>
34. <http://bimm.uz>
35. <http://ziyonet.uz>
36. <http://www.dsmi.uz>.
37. <http://www.kino-teatr.ru>
38. <http://www.artsait.ru>
39. <http://belcanto.ru/>
40. <http://music.edu.ru/catalog>
41. <http://artyx.ru/>